1999/3



GULISTON

3
1999





Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлис биноси.

GULISTON

3
1999

may-iyun

Ijtimoiy-siyosiy,
ilmiy-ommabop va
badiiy bezakli jurnal

MUASSIS:

O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat ishlari
vazirligi

Bosh muharrir:
Tilab MAHMUDOV

Tahrir hay'ati:

Rustam ABDULLAEV,
Sa'dulla ABDULLAEV,
Bahodir ABDURAHIMOV,
Oqilxon IBROHIMOV,
Otanazar MATTQUBOV,
Asqar MAHKAM
(bosh muharrir o'rinbosari),
Alisher MIRZAEV,
Ma'pura NABIEVA
(mas'ul kotib),
Yo'ldosh SULAYMON,
Islom ShOG'ULOMOV,
Muhsin QODIROV,
Tursunali QO'ZIEV

Jurnal 1925 yildan
chiqa boshlagan.


USHBU SONDA:

Muharrir minbari. Yangi tafakkur – zamon talabi 2
Olloh qalbimizda, yuragimizda. Prezident Islom Karimovning "Turkiston-press" axborot agentligi muxbirining savollariga javoblaridan 3
Abduvohid OChILDIEV. Ota-ona tanlab olinmaydi 4
Bahodir ABDURAHIMOV. Mafkura va madaniyat 6
Malika QOSIMOVA. Navro'z – bahor bayrami 9
Abduvosit YO'LDOShEV. Boshqaruv san'ati 10
G.TEMUROV, Sh.JUMAEV, Sh.TEMUROVA. O'zbekistonning o'z taraqqiyot yo'li 11
Dehqonboy HUSANOV. Teatr – mo''jizaviy san'at 12
Zumrad ISMOILOVA. Turmush tarzi va informatika 13
Aida GABITOVA. Vatanni unutib bo'lmas 14
Gulchehra NUR. Derazamni to'ldiribdi oq (she'rlar) 16
Zilola SOBIROVA. Bozor iqtisodiyoti va estetik madaniyat 18
Dilbar MAHMUDOVA. Sanobarning baxti 20
NARGIZ. Onamga (she'rlar) 23
Saidaxbor BULATOV, Ma'murjon FOZILOV. Ganchdagi gullar bog'boni 24
Olimjon BO'RIEV. Behzod va Shirin (Dostondan parcha) 26
O'ktam HAKIMALI. Sonetlar 27
Tilab MAHMUDOV. Samarqandda bir tabib bor 28
Gulnoza QODIROVA, Muhammadjon QOZOQBOEV. Ona qalbining mayin sadosi 30
Mahmuda ABDULLAYOROVA. Iste'dodni kashf etish san'ati (Tanqidchi Umarali Normatov bilan muloqot) 32
Guliston QALANDAROVA. Kutubxona – ikkinchi uyi 35
Abdulaziz HOShIMOV. Uyg'ur o'n ikki muqomi 38
Habibullo JO'RAEV. Zanjirband sher ruhiga nazar 39
Bahora XURRAMOVA. "Shohnoma" – teatr ko'rki 40
Do'stmurod NORQULOV. Vaqtdan oqilona foydalanish 42
Dilfuza RAHMATULLAEVA. O'zbek dramaturgiyasida tarixiy mavzu 43
Malikaxon DAVLATOVA. Chanashik gilamlari 45
Sarvinoz QODIROVA. Koinot bilan sirdosh 46
A.SOME'. Avesto (Davomi. Boshi o'tgan sonlarda) 48
Feruza RASULOVA, Solijon HASANOV. Ogahiyday daholar qaytdi 54
Shoira O'RMONOVA. Behzod va uning maktabi 55
Jaloliddin RUMIY. Masnaviy (Davomi) 56
Muhayyo MIRZAEVA. "Alpomish"ni kuylagan sozlar 62
Oqiljon HUSANOV. Qozon mojarosi (Hajviya) 63

MUQOVANING BIRINChI BETIDA:

Ming bir dardga davo topguvchi samarqandlik shifokor-tabib Murodqul ISTOMQULOV

Муҳаррир минбари



ЯНГИЧА ТАФАККУР – ЯНГИ ҒАЛАБА ЙЎЛИ

Юртбошимиз миллий дастурни амалга оширишда 3 йиллик таълим муассасаларини ташкил этиш ва бу поғонада болаларга билим бериш, касб-ҳунарга ўргатиш энг оғир, энг мураккаб ва энг нозик масала эканлигини таъкидлайди.

Биринчи ва асосий вазифа таянч умумтаълим босқичини тугатган ўқувчига ўзининг хоҳиш-иродаси ва интилишига қараб икки турдаги уч йиллик ўрта махсус ўқув юртларида таълимни мажбурий-ихтиёрий давом эттиришга шарт-шароит яратишдир:

– биринчи турдаги билим муассасаларини ўрта махсус билим юртлари (академик лицейлар) деб аташ мақсадга мувофиқ. Чунки 9 йил давомида мактабларда ўқувчилар умумий таянч маълумотини олсалар, ўрта махсус билим юртларида улар ўзи танлаган таълим йўналиши бўйича билимини ошириш ва муайян олий ўқув юртига кириш учун аниқ мақсадга йўналтирилган фанларни мукаммал ўрганишга қаратилган махсус билим олиш имкониятига эга бўладилар;

– иккинчи турдаги 3 йиллик ўқув юртлари ва ўрта махсус касб-хунар ўқув юртлари (коллежлар)да талабаларга ўзлари танлаган касб-хунар йўналишлари бўйича махсус билим берилади ва касб-ҳунар ўргатилади.

Таълим-тарбия тизимини бундай шаклда йўлга қўйиш ёшларнинг эркин ва ихтиёрий равишда ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришга имконият беради.

Миллий дастур республикамизда таълим-тарбия ислоҳотининг барча томонларини қамраб олган. Масалан, Президентимиз фикрига биноан, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос, жўғрофий, этник хусусиятларидан ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, болаларнинг ота-оналар бағрида ўқиши, касб-ҳунар эгаллаши таъминланади ва шу билан бирга, бу билим юртлари ўша ҳудуднинг маданий-маърифий марказига айланиб қолади.

Ота-оналар ўз фарзандларининг бағрида бўлиб касб-ҳунарли бўлишини истайдилар. Миллий хусусиятларимиз ҳам шуни тақозо этади. Буни ҳисобга олган ҳолда жойларда уч йиллик замонавий махсус касб-ҳунар ўқув юртлари ташкил этилиши муддаодир.

Шундай улкан ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш учун махсус билим юртларида дарс беришга яроқли ўқитувчилар керак бўлади. Бунинг учун педагогика институтлари ва университетларида 3 йиллик билим юртлари учун ўқитувчиларни тайёрлайдиган махсус факультетларни ташкил этиш кўзда тутилди. Мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича алоҳида марказлар очилиши ҳам билим юртларида олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари самарасини оширади.

Дастурни муваффақиятли амалга оширишнинг яна бир томони шундан иборатки, ўқув жараёнини унумли ва мазмунли ташкил этиш учун махсус дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминламоқ зарур.

"Бу ерда, – дейди Ислом Каримов, – тамомила янгидан ташкил этилаётган 3 йиллик махсус билим юртларининг 1,2,3- курсларида нималар ва қандай ихтисосликлар ўқитилади, маҳаллий ва замонавий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, талабаларга қандай касб-ҳунарлар берилади, деган қатор масалаларни ҳал қилиш тақозо этилади. Шу асосда оптимал давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш зарурати пайдо бўлади.

Мазкур ишларга мамлакатимизнинг йирик олимларини тажрибали, юқори малакали амалиётчи ўқитувчилар, хорижий экспертларни кенг жалб этиш лозим".

Президентимиз сўзларидан кўриниб турибдики, халқ таълими ислоҳотининг давлат миқёсидаги дастури ишлаб чиқилган, аниқ ва изчил ислоҳот тамойиллари ҳамда босқичлари белгиланган. Галдаги вазифа бундай мураккаб ва шарафли ишни амалга оширмоқ учун бутун жамоатчилик ва жамиятдан катта куч, маблағ ҳамда шижоат талаб қилинади.

Бундай олижаноб ислоҳот гарчи катта маблағ ва улкан куч-ирода сарф этишни талаб этса-да, унинг натижаси ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам маънавият нуқтаи назаридан қараганда ҳар қандай ҳаракатларни оқловчи буюк неъматдир. Бу неъмат мустақиллик истиқболини қўлига олувчи ва уни асрлар оша авлодлардан-авлодларга етказувчи ёшларни тарбиялаб етиштириш билан изоҳланади. Ана шундай ишларни амалга ошириш натижасида янгича тафаккур юритадиган, янги замоннинг янги ворисларига эга бўламиз. "Ишончим комилки, – дейди юртбошимиз, – Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти ва иқтисодий ҳолати, халқимизнинг ақл-заковати ва иродаси бу ўта масъулиятли, шу билан бирга, шарафли, оддий тил билан айтганда, эл-юртимизнинг фаровон ва бахтли келажагини ҳал қилувчи вазифани муваффақиятли адо этишга замин ва имкон беради".

Халқимиз ерга кўчат экадими, чўлга сув олиб чиқадими, иморат қуриб, кўприклар бунёд этадими, доимо келажакни, келажакдаги фарзандларимиз истиқболини ўйлаб иш кўришга ўрганиб, одатланиб келган.

Келажакни ўйлаган одамнинг кўнгли пок, руҳи баланд бўлади. Халқимизга хос бўлган ана шундай фазилатларни ёшлар онгига сингдириш ва уларни озод ҳамда обод Ватан учун астойдил меҳнат қилишга жалб этиш бизнинг шарафли бурчимиздир.

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Ислом КАРИМОВ:

ОЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА

Президент Ислом Каримовнинг "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларидан:

"Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз...

... Демак, дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда".

"Оқ-қорани, дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нимаю сохта ақидалар нималигини, ким пок ниятли ҳудожўй инсону ким мунофиқ риёкор жанини яхши билади".

"Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, аввало, Оллоҳ ва унинг расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуғ алломаларимиз, улуғ имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Ясавий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Замахшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни ана шу улуғ номлар билан боғлаймиз...

... Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий музтда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз.

Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўгитлари, Ясавий зикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз".

Ота-она танлаб олинмайди

Диннинг миллат ҳаётидаги ўрни ҳақида гап кетар экан, миллий маданиятнинг махсус қатлами ҳам шаклланганлигини таъкидлаш зарур. Бу диний адабиёт, санъат асарлари деб аталадиган маданият дурдоналари, турли йўналишдаги диний-фалсафий таълимотлардан иборат қатламдир. Бугунги кунда бу қатламсиз миллий маданиятимизнинг бир бутунлигини тасаввур қилиш ниҳоятда қийин, амалий жиҳатдан мумкин эмас.

Маълумки, узоқ вақт давомида маданиятимизнинг ана шу қатламини ўрганиш ман қилинган эди. Мустақиллик туфайлигина динга, диний меросимизга муносабат ўзгарди. Мустақил давлатимиз виждон, эътиқод эркинлиги ва диний қадриятларга нисбатан ўзига хос, мустақил сиёсатини ишлаб чиқди ва собитқадамлик билан уни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзлари диққатга сазовордир: "Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзот руҳий дунёсида иймон-эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз". Президентимизнинг ушбу сўзларида халқимизнинг ўзлигига, тарихига, динига бўлган муносабати ўзининг ёрқин ифодасини топган, деб айтишимиз мумкин. Динга бундай ижобий муносабат кўпгина ишларда ўзини яққол намоён қилмоқда. Хусусан, масжиду мадрасалар диний ташкилотларга қайтариб берилди, таъмирга муҳтожлари эса қайта таъмирланмоқда. Бир сўз билан айтганда бундай иншоотлар ўз вазифасини бажармоқда.


Халқимизни ҳалол, пок яшашга, ҳамжиҳат, аҳил бўлишга, элюрт манфаатларини ҳар қандай шахсий, гуруҳий манфаатлардан устун қўйишга ундовчи диний асарларнинг кўп минг нусхада чоп эттирилиб, кишиларимиз маънавий дунёсининг таркибий қисмига айлантирилаётганлиги шу соҳада амалга оширилаётган хайрли ишлар сирасига киради.

Бундан ташқари Макка ва Мадинани зиёрат қилишлари учун давлат ташкилотларининг фуқароларимизга моддий-молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатаётганлигини, инсоният маданиятида ёрқин из қолдирган, Имом Бухорий, ат-Термизий каби буюк мутафаккирларнинг юбилейлари кенг миқёсда ўтказилаётганлигини, дин уламолари радио, телевидение, матбуот орқали ўз қарашларини эркин баён қила олиш имкониятига эга бўлганликларини таъкидлаш зарур.

Аммо, эътиқод эркинлигини ўз билганича тушунадиган, диндан ўзининг ғаразли сиёсий мақсадларида фойдаланишга, давлат ишларига аралашишга, диндорларни низо гирдобига тортишга, мазҳаблар орасида жанжал, фожиа чиқаришга уринаётган кимсалар, кучлар ҳам мавжудлигини ёддан чиқармаслик керак.

Ана шундай шароитда дин (ислом дини)нинг кишиларимиз ҳаётидаги ўрни қандай? Диний қадриятлар сирасига киradиган қандай қадриятлар кишиларимиз маънавий дунёсининг узвий қисмига айланмоғи лозим? Қандай диний низолардан эҳтиёт бўлиш зарур? Бундай низоларнинг ҳақиқий моҳияти нимада? Уларни тарғиб қилаётган кучлар қандай мақсадларни кўзламоқдалар? Ва, ниҳоят, диний ва миллий мафкуранинг муносабати қандай бўлмоғи керак? деган бир-биридан мураккаб, аммо ҳал қилиниши шарт ва зарур бўлган масалаларни фалсафий, умумназарий нуқтаи-назардан бўлса-да тушуниб олиш керак. Бу масалаларни ҳал қилмай, уларнинг аҳамиятини аниқ тасаввур этмай, миллий мафкуранинг ҳақиқий моҳиятини, миллий ҳаётимиздаги ўрнини тўғри ва тўлиқ тушуниб олиш қийин.

Диннинг кишиларимиз ҳаётидаги ўрни ҳақида гап кетар экан, аввало шу пайтгача илмий изланишларимизда ҳам, таълим-тарбия жараёнида ҳам марказий ўринлардан бирини эгаллаб келган, ҳеч қачон бир хил маънода тушунилмайдиган, бир-бирига зид бўлган қарашларнинг шакланишига ва охир-оқибатда жамиятнинг қарама-қарши қутбларга бўлиниб кетишига сабаб бўладиган "Диннинг келиб чиқиш сабаблари нимада?" деган масалани таъбир жоиз бўлса, кун тартибидан олиб ташлаш вақти келганлигини таъкидлаш зарур. Нега? Бу, бизнингча, биринчидан, диндорлар ва ҳеч қандай динга ишонмайдиганлар ўртасида ўринсиз келиб чиқиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олган бўлур эди. Иккинчидан, диққат-эътибор диннинг ижобий салоҳиятидан жамият тараққиёти йўлида янада самарали фойдаланишга, диний экстремизм каби иллатларнинг моҳиятини янада чуқурроқ тушунишга, олдини олишга қаратилган бўлур эди. Учинчидан, диннинг келиб чиқишини социал, психологик ва гносеологик сабаблар билан изоҳлаб, уни инсон ожизлиги, билимсизлигининг оқибатидир, деб баҳолашга чек қўйилар эди. Чунки, ижтимоий тажриба бундай баҳонинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, собиқ социалистик давлатлардаги каби диннинг давлат декрети билан бу



тунлай ман қилиниши ёки қаттиқ сиқув остига олинишига ва худонинг ўрнига "доҳий"ларга сиғинишдек ўта зарарли ҳодисанинг юзага келишини кўрсатди".

Шундай экан, адолатнинг қарор топишига, қийинчиликларнинг ўткинчи эканлигига ишонч туғдирадиган, одамга маънавий-руҳий таянч бўладиган, унга руҳий озиқ берадиган, тинчлантирадиган, ҳаётнинг маъноси ва мазмуни ҳақидаги билимлари билан қуроллантирадиган, инсонга меҳр-муҳаббат руҳи билан суғорилган, инсоф, сабр-тоқат, ҳалоллик, поклик, саховат ва мурувват ҳисларини тарбиялайдиган диний қадриятлар маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айланмоғи лозимлиги шубҳасиз. Ана шундагина дин миллатни уюштирувчи, бирлигимиз ва жипслигимизни таъминловчи кучга айланади.

"Одам табиий омилларга кўра ўзи мансуб бўладиган ирқ ва элатни танлай олмайди. Ота-онани танлаб ололмайди. Лекин дунёқарашини, ахлоқи, маънавиятини ўзи ҳеч кимнинг тазйиқисиз ва, айниқса, зўравонлигисиз танлаб олиши мумкин ва лозим. Бинобарин, унинг хоҳиши ҳурмат қилиниши шарт", деб ёзади И.А.Каримов. Инсоннинг ана шундай ҳуқуқ ва эркинликларини тан олмаслик динга сиёсий тус берилганда ҳам юзага келиши мумкин.

Тажриба, афсуски, бунга интилувчи кучлар мамлакат ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам мавжудлигини кўрсатиб турибди.

Шундай экан, ҳеч қачон диний даъватлар сиёсатга ва четдан туриб мамлакатимизнинг ички ишларига аралашиш, ҳокимият талашиш учун байроқ бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда миллий хавфсизлигимиз йўлида жиддий хавф-хатар пайдо бўлади. Демак, диндорларнинг ҳис-туйғуларига чуқур ҳурмат қилиш, айни пайтда, сохта диндорлар, турли диний-мафкуравий таълимотлар, йўналишларнинг ғаразли мақсадларига қарши туриш дин ва диний муносабатлар соҳасидаги ишларимизнинг ўзагини ташкил этмоғи лозим. Шундагина, эл-юрт тинчлиги, ижтимоий тараққиёт таъминланади, дин маънавиятимиз юксалишига хизмат қилади.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиққан ҳолда принципиал аҳамиятга эга бўлган миллий ва диний мафкураларнинг нисбати масаласига ойдинлик киритиш мумкин.

Аввало, қайд этганимиздек дин ва миллат тушунчалари бир-бирига тўла мос келмаганидек "миллий мафкура" ва "диний мафкура" тушунчалари ҳам бир хил эмас.

Миллатдошларимизнинг эътиқоди нуқтаи назаридан динга ишонувчилар ва ҳеч қайси динга эътиқод қилмайдиганлар каби аниқ икки қатламга бўлиш мумкин. Айни пайтда ислом динидан бошқа динларга эътиқод қилувчи фуқароларимиз ҳам борлигини унутмаслик лозим. Бизнингча диний мафкура ўзининг бутун борлиғича миллий мафкурага сингиб кета олмайди.

Миллий мафкура эса ўзига гуманистик руҳдаги диний қадриятларни сингдирган ҳолда, эътиқодидан қатъи назар, миллатнинг ҳамма қатламлари, жамиятнинг барча аъзолари манфаатларини ҳимоя қилади. Шунинг учун ҳам давлат, барча ижтимоий-сиёсий идоралар, ташкилотлар, кенг жамоатчилик кучига таянади, уларнинг серқирра фаолияти таъсирида ўзининг бунёдкорлик қудратини, уюштирувчилик ва йўналтирувчилик салоҳиятини намоён этади.

Диний мафкура билан миллий мафкура ўртасидаги фарқ улар таянадиган манбаларда ҳам кўринади. Хусусан, диний мафкура муқаддас китобларга таянса, миллий мафкурамиз манбалари сифатида Ўзбекистон фуқароларининг иродаси, манфаатлари ифодаланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, тарихий, илмий, фалсафий, бадиий меросимиз, қадриятларимиз, маънавиятнинг, жамиятимиз тараққиётидаги ўрни ғоявий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган Президентимиз И.А.Каримов асарлари назарда тутилади.

Айни пайтда диний мафкурадан фарқли ўлароқ ҳудудий яхлитлик, иқтисодий бирлик, давлат мустақиллиги, этник ўзликни сақлаб қолишни таъминлашга ва мустаҳкамлашга йўналтирилганлик – миллий мафкуранинг ўзагини ташкил этувчи принциплардан ҳисобланади. Зеро, бу принципларнинг бузилиши миллий мафкуранинг ва у билан бирга шу мафкура ифода этаётган манфаатлар соҳиби бўлган миллатнинг ҳам ҳалокатини англатган бўлур эди.

"Ҳаёт ўзгариши билан, борлиқ дунё ўзгариши билан инсоннинг моддий ва маънавий муҳити, унинг дунёқараши ҳам ўзгариши қонуний ҳол албатта", деб ёзади Президентимиз. Бизнингча, бу фикрлардан миллий ҳаёт ўзлигини йўқотмаган ҳолда доимий ўзгаришни бошдан кечириб турганидек, миллий мафкура ҳам доимий ривожланув, такомиллашув жараёнини бошдан кечириб туради, деган хулоса келиб чиқади.

Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ,
фалсафа фанлари номзоди.

Баҳодир АБДУРАҲИМОВ,
санъатшунослик номзоди

МАФКУРА ВА МАДАНИЯТ

Миллий истиқлол халқимиз тарихида янги уйғониш даврини бошлаб берди. Бу жараённинг илк белгилари сифатида миллий ўзликни англашга бўлган интилиш кучайди, тарихга, аждодларимизнинг шонли йўлларига, маданий меросга ўзгача назар солишга одатлана бошладик.

Маънавий қадриятларимизга биринчи даражали эътибор беришга киришилди. Ана шу аснода ўтмишдаги маданий ҳодисаларга янгича баҳо бериш зарурияти пайдо бўлди.

"Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди, – деб ёзади Ислом Каримов. – Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради".

Дарҳақиқат, Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки ўн йилликлар маданият тарихини ўрганиш бадиий ижоднинг табиий тараққиётига ўта қўпол равишда аралашиш натижасида, адабиёт ва санъат инсон қалби ва руҳининг олий эҳтиёжларини тор мафкуравий йўналишга солиш туфайли беҳисоб ножоиз ҳолатларни юзага чиқарди.

Шўролар ўзининг 70 йилдан ортиқ тарихида санъатни мафкуралаштириш йўлидан борганлиги бугун ҳаммага аён. Лекин янгича нуқтаи назарлар таркиб топаётган бугунги кунда, аввалги манфий баҳоларни мусбат шиорлар билан алмаштириш осон иш эмас. Чунки давр фожиаси сифатида намоён бўлган адашишлар, қатағонлар, коммунистик афсоналар билан бир қаторда, ўз замонасининг ғоявий-ахлоқий ақидаларига қарши туриб асарлар яратган, руҳияти ва шуури билан йўқсиллик тушунчаси ва тақдирини тан олмаган санъаткорлар борлигини бирор дақиқа бўлсин эътибордан қочириб бўлмайди. Шу маънода асримизнинг 20-йиллардаги маданият тарихи ғоят зиддиятли эканлиги билан ажралиб туради.

Бу йиллар бадиий зиёлиларни пролетар диктатурасига, бир синфга бўйсундириш сиёсати туфайли таслим бўлмаган бадиий ижод аҳлини қатағон қилиш йўли танланган эди.

Бундай концепция тарихни ҳаракатга келтирувчи асосий куч – синфий кураш деб тушунган ва ўз олдига афсонавий жамиятни қуришни мақсад қилиб қўйган большевизм назарияси ва амалиётидан келиб чиққан эди. Бу мақсад учун қўлланадиган ҳар қандай восита давлат томонидан тўғри деб тан олинди ва унга чексиз имкониятлар, ҳуқуқлар бериб қўйилди.

Ўта қаттиқ синфий мезонлар кишилар орасига шубҳа, душманлик уруғини сочди. Синфий душманни фош этиш жазаваси авж олди. Бу жазава шу даражага бориб етдики, бола отага, ака укага ғаним бўлиб қолди. Бутун мамлакат гўё айғоқчилар маконига айланди. Синфий табақалаш сиёсати яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги азалий тасаввурларга кўпчиликнинг онгида "тузатишлар" киритди. Тажовузкорлик, бузиш, вайрон қилиш "инқилобий ўзгартириш" санъатининг рамзларига айланди. Натижада ижодкорларнинг баъзан онгли иккиюзламачилиги, баъзан "инқилобий мўъжиза"га сидқидилдан ишонганлиги меваси сифатида синфий аломатлари бўрттирилган асарлар пайдо бўла бошладики, уларда оломон шахсдан устун вазиятда тасвирланди. Синфий-ижтимоий ҳаёт шахсий турмушдан устувор, деб эълон қилинди. Адабиёт ва санъатдаги онгли шахс, фикрловчи киши, сержило туйғулар соҳиби ўз ўрнини синфий ғоялар, ижтимоий мақсадлар ифодачиси бўлган "мазлум синф" вакилларига бўшатиб бера бошлади.

Санъат асарларида турфа хиллик ўрнини якранглик, шахс ўрнини оломон эгаллай бошлади, маданий плюрализм сўниб, бир қолиплик, бир хиллик авж ола бошлади.

Таассуфки, ҳамма ижодкорлар ҳам бостириб келаётган қабоҳатни сезган эмаслар. Кўпчилик воқеаларнинг умумий оқимига сингиб кетди. Инқилобга чиндан ишониб доимий синфий кураш ҳолатини маъқул кўрадиганлар ўзини пешво ҳисоблай бошладилар. Кимлардир эҳтиётлик билан ўзини чеккага олиб, ўз вақт-соа

тини кута бошлайди...

Хуллас, инсон шахсига нисбатан беписандлик, ўтмишга зид муносабатда бўлиш 20-30-йиллар бадиий тафаккурининг давлат мафкураси туфайли майдонга келган хусусиятлари эди. Совет давлатининг маданият соҳасидаги биринчи декретлари ҳам ана шу мафкура руҳида эди. Жумладан, Халқ комиссарлар советининг театрларни Маориф халқ комиссарлигининг санъат бўлими ихтиёрига ўтказиш ҳақидаги 1917 йил 9(22) ноябрдаги декрети, театрларни давлат тасарруфига ўтказиш ҳақидаги 1918 йил 2 сентябрдаги декрет, Халқ комиссарлар советининг "Подшолар ва уларнинг хизматчилари шарафига тикланган ёдгорликларни олиб ташлаш ва Россия социалистик революцияси ёдгорликларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш тўғрисида" 1918 йил 14 апрелдаги декрети, "Кинони давлат тасарруфига ўтказиш ҳақида"ги 1919 йил 27 августдаги декрет, "Театр ишини бирлаштириш ҳақида"ги 1919 йил 26 августдаги декрет ва бошқаларда маданий ривожланиш тизгинларини давлат ўз қўлларида маҳкам тутишига бўлган интилиш яққол сезилади.

РКП (б) VIII съездида қабул қилинган социализм қуриш дастурида санъатнинг ижтимоий-сиёсий вазифалари белгилаб берилган эди. Унда "Кинематограф, театр, концертлар, кўргазмаларни коммунистик ташвиқот учун қўллаш зарур" деб ёзилган эди.

1922 йили РКП (б) марказий қўмитасининг ташкилий бюроси "Адабиёт ва ноширлик соҳасида майда буржуазия мафкурасига қарши кураш ҳақида" резолюция қабул қилди.

Шундай қилиб, 20-йиллар маданий сиёсатнинг асосий тамойиллари ишчилар синфи манфаатларига, йўқсилларга хизмат қилувчи, ташвиқот руҳидаги асарларни қўллаб-қувватлаш бўлиб қолди.

Сўл кучларнинг ғояларини байроқ қилиб олган, ўтмиш анъаналарини менсимайдиган тарғибот театрлари санъатни сиёсатга бўйсундириш воситаси бўлиб майдонга чиқди.

Ўзбек театрининг мафкуравийлашуви, энг аввало, унинг шакл ва мазмунида намоён бўлди. Республикадаги барча театр жамоалари кескин синфий зиддиятга, эскилик билан янгиликнинг муросасиз курашига асосланган ташвиқот характеридаги спектаклларни қўядиган бўлди. Маориф халқ комиссарлигининг 1921 йил 18 майда бўлиб ўтган Ҳайъати "репертуарларни инқилобийлаштириш"га мажбур қилинган эди. Ҳар соҳада инқилобийликни талаб қилиш, миллий мухтор мустақилликни тан олмаслик 1918-20-йилларда саҳнага қўйилган асарларда истибдодга қарши норозилик кайфиятлари яққол сезилган.



Абдурауф Фитратнинг "Темур сағанаси" пьесасида Турон халқларининг эзилган, талон-торож қилинган аҳволидан куюниб жаҳонгир сағанасини тавоб қилиш орқали октябрь тўнтариши миллат учун нажот келтирмаганлиги шартли усулларда ифодаланди.

Миллий озодлик, миллий бирлашув ғояларини хоҳ очиқ, хоҳ рамзий маънода акс эттирувчи пьесалар ўша даврда кишиларнинг онгини уйғотувчи восита эканлигини яхши билган давлат органлари тезда бунинг олдини олиш пайига тушди. РКП (б)нинг XI съезди "миллий буржуазия адабиёт ва санъат орқали воқеликни бузиб кўрсатиб, ўтмишни идеаллаштириб меҳнаткашларга ёмон таъсир ўтказаётганлиги"га эътиборни қаратди. Инқилобий воқеликни танқид қилишнинг ҳар қандай кўриниши ҳақиқатни бузиб кўрсатиш деб, тарихий ўтмишга мурожаат қилиш эса уни идеаллаштириш деб баҳоланадиган бўлди.

Партиянинг кўрсатмаларини дастуруламал қилиб иш кўрадиган "зиёлилар" учун ушбу ишоранинг ўзи етарли эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 20-йиллар ўзбек саҳнасига қўйилган асарларнинг анча қисмини бошқа тиллардан таржима ёки тадбил қилинган пьесалар ташкил этарди. Шундай бўлса-да, таржима асарларининг ҳам йўқсиллар онги ва дидига мослари ёки синфий позицияга эгалари саҳна юзини кўришда имтиёзли саналар эди. Шунинг учун ҳам "Денгиз бўрони", "Любовь Яровая", "Бронепоезд 14-69" сингари асарлар ўша давр саҳнасининг "муҳим" ҳодисаларига айланиб қолди. Шу билан бирга замонавий маиший мавзуда ёзилган асарлардан (Ҳамзанинг "Фарғона фожиаси", "Ким тўғри", "Туҳматчилар жазоси", "Бой ила хизматчи") ташқари Чўлпоннинг "Ёркиной", Фитратнинг "Абу Муслим" сингари пьесалари репертуарлардан ўрин олди.

Бу даврда саҳналаштирилган асарларнинг анчагина қисми у ёки бу сиёсий компания муноса

бати билан дунёга келганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Лекин, шундай бўлса-да, собиқ Иттифоқнинг ўша даврдаги театр санъатига қиёсан баҳоланса, тепасида асосан жадидлар турган ўзбек театри репертуар танлашда нисбий мустақилликни намоён қила олди. Юқорида зикр қилингандек, озодлик, тенглик, инсонни улуғловчи соф муҳаббат маънавий юксаклик ғояларини илгари сурувчи Фитратнинг "Ҳинд ихтилолчилари", "Чин севиш", Чўлпоннинг "Ёрқиной" пьесаларининг саҳналаштирилганлиги бунга далил бўла олади.

"Пролетар маданияти" барпо қилинишининг илк даврида хотин-қизлар озодлиги мавзусига эътибор жуда кучайтирилди. Бу мақсад йўлида нафақат ўзбек муаллифларининг асарлари, шу билан бирга рус, озарбойжон, татар драматурглари асарлари ҳам хизмат қилдилар. Чунончи 30-йиллар ўзбек саҳнасидан ана шу мавзуга бағишланган А.Н.Островскийнинг "Момоқалдироқ", Ж.Жабарлининг "Ойдин", У.Ҳожибековнинг "Аршин мол олон" асарлари мустаҳкам ўрин олган эди. Яна шуниси борки, хотин-қизлар масаласини кўтарган Ғулом Зафарийнинг "Ҳалима", Ҳамзанинг "Бурунги қозилар ёхуд Майсаранинг иши" , "Паранжи сирларидан бир лавҳа" пьесалари айни вақтда миллий турмуш тарзини жонли ифодалай олганлиги билан ҳам қимматлидир.

Ўзбек театри тарихининг дастлабки босқичларида рус ва озарбойжон театри анъаналарини, усул ва йўлларини ўрганиш, турли оқимлар, назариялар, нуқтаи назарлар билан танишиш, қисқаси, драматургия, режиссура ва актёрлик бобида маҳоратни ошириш учун ёзувчилар, санъат арбоблари ва актёрларнинг кўпчилиги 20-йилларнинг ўрталарида Москва ва Бокуга келиб таҳсил олганлиги, тажриба орттирганлигини умуман ижобий воқеа сифатида баҳолаш керак. Бу тажрибадан Шўролар ҳукумати ўз манфаатлари йўлида фойдаланганидан қатъи назар, ўзбек театрига умумбашарий санъат анъаналари кўпроқ кириб келишига муайян "эшик" очилди. Инқилобнинг 10 йиллиги кунларида газеталарда махсус театр маълумотига эга бўлган артистларни бирлаштирган ўзбек театрининг вужудга келганлиги катта маданий воқеа сифатида ёритилди ("Зарафшон" газетасининг 1927 йил 25 ноябрь сонига қаралсин).

Замонавий мавзудаги спектакллар (В.Билль-Белоцерковскийнинг "Денгиз бўрони", С.Поливанов ва Л.Прозоровскийнинг "Сигнал", Д.Фурманов ва С.Поливановнинг "Исён", А.Файконинг "Портфелли киши" сингари пьесалар яратилди. Айрим асарлар меҳнаткаш омма душманларининг муқаррар мағлубиятини акс эттириш, юзакилиги, руҳий таҳлил ва далиллашнинг етишмаслиги, ижтимоий кучларни қарама-қарши қўйиши билан бир-бирига ўхшаб кетар эди. Бундай инсонларнинг барчаси истисносиз тарзда мамлакатда миллатчилар, мутаассиб диндорлар, қўпорувчилар, зараркунандалардан иборат аксилинқилобий кучлар томонидан амалга оширилаётган фитнанинг турлича манзараларини акс эттиришга қаратилган эди.

Шунга ўхшаш тамойилларни омманинг онгига мафкуравий хуруж қилишнинг муҳим воситаларидан бўлган ёш ўзбек кино санъатида ҳам кузатиш мумкин. 1924 йилдаёқ Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги қарорига биноан "Ўзбеккино" тресни тузилади. 1925 йили бу трест негизида "Шарқ юлдузи" кинофабрикаси ташкил этилади. Фильмларда икки хил йиғма персонажлар: меҳнаткашлар синфи (деҳқонлар, ишчилар, камбағаллар) ва уларнинг душманлари иштирок этадилар. Ифода ва тасвирий воситалар (режиссёрлик, операторлик ва актёрлик санъати, грим, либос, мусиқа ва бошқалар) қарама-қарши кураш ғоясини акс эттиришга йўналтирилган эди.

20-йиллардаги Ўзбекистон тасвирий санъати, айниқса, плакат жанри кўргазмаси ташвиқотнинг муҳим воситаси бўлди. Ўта кескин сатирик руҳдаги плакатларда "социализм душманлари" ҳажв қилинди, ортиқ даражада масхараланди, синфий-партиявий позиция бўрттирилиб кўрсатилди.

Хуллас, Ўзбекистон бадиий маданиятининг Октябрь давлат тўнтаришидан кейинги дастлабки йиллар ва 20-йиллардаги ишлар асосан шўролар ҳокимиятининг маънавий ҳаёт соҳасидаги мафкуравий кўрсатмаси билан амалга оширилди. Бу жараён фуқаролар уруши, янги иқтисодий сиёсат, динга қарши компания, хотин-қизларни паранжидан озод қилиш ҳаракати, индустрлаштириш ва колхозлаштириш шароитида кечган бўлиб, воқеаларга бир томонлама баҳо беришлар, ўта фирқавий ёндошишлар, фактларнинг бузиб кўрсатишларига тўлиқлиги билан барча санъат турлари ва жанрларининг ғоявий-бадиий мазмунига ҳамда ривожланиш йўсинига ўз таъсирини ўтказди.

Президент Ислом Каримов "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" номли асарида *"шўролар ҳукмронлиги йилларида халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилди. Етмиш йилдан ортиқ даврда бошимиздан қандай маънавий, маданий тазйиқ, хўрликлар кечганини яхши биламиз. Мен бу ерда тил, адабиёт, тарих, дин, халқимиз генофонди, демография билан боғлиқ аянчли кечмишларни назарда тутаяпман"*, – деб ёзади.

Дарҳақиқат, 20-йиллар маданий қурилиш тарихига назар солинса, бу йиллар маданий тазйиқлар ўтказишнинг ўзига хос стратегиясига тамал тоши қўйилган дастлабки давр эканлигига ишонч ҳосил қилинади. Агар Октябрь тўнтаришидан кейинги йилларда "пролетар маданияти" ҳақидаги инқилобий ортодоксал ғоя устувор бўлган эса, 20-йилларнинг охирларига келиб шўролар манфаатларини ҳимоя қилувчи, маданият ривожини синфий, партиявий ўзанга буриб юборувчи, санъатнинг йўқсил оломон онги сифатида қабул қилувчи кучлар устунликка эришди. Бу эса кейинги ўн йилларда мустабид давлат томонидан амалга ошириладиган нафақат маънавий-маданий тазйиқларга, балки миллий маданиятимизнинг гуллари бўлган санъаткорларни оммавий қирғин қилишга мафкуравий замин ҳозирлаган эди.



Наврўз — баҳор байрами

Наврўз байрами қадимдан Шарқ халқлари ўртасида оммавий равишда нишонланиб келинаётган қадриятларимиздан бири. Ўтмиш тарихимиздан маълумки, македониялик Александр мўғуллар каби бир қанча босқинчилар Шарқ халқларининг умумий байрами – Наврўзни йўқ қилиб, уни нишонлашни тақиқлаганлар. Аммо Наврўз барҳаётлигича қолаверди, халқимиз уни эъзозлаб келажак авлодга маънавий мерос сифатида қолдирди.

"Наврўз" Эрон ва Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги байрами бўлиб, у ҳаётнинг пайдо бўлиши, инсон наслининг вужудга келиши билан боғлиқ байрам деб ҳисобланиб келинган.

Наврўз ҳар йили эрта баҳор пайти тун ва куннинг узунлиги бир хил бўлган кунга тўғри келади. Бу пайтда табиат қишки уйқудан уйғона бошлаган, осмонда оқ булутлар карвони сайр этаётган, бутун борлиқ ўзига хос оро бериб гўзаллик касб этаётган бир мавсумдир.

Наврўз байрамининг пайдо бўлиши Ўрта Осиёда яшаган қадимги аҳолининг эътиқодий қарашлари мажмуаси зардуштийлик билан алоқадордир. Таниқли инглиз олими М.Бойснинг ёзишича, қадимги зардуштийлар оламда табиат ўзгаришлари, фаслларалмашинуви, қуёш ҳаракати, хуллас, дунёдаги ҳаётни ўз измига солиб муқаддас бир куч бор деб ўйлашган экан. Бу илоҳий қудрат, яъни табиат қонуни зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"да "Аша" сўзи билан ифодаланган. "Аша" сўзи эса "ҳақиқат", "эзгулик" маъноларини англатар экан.

Ёруғлик ва яхшилик рамзи Аҳура-Мазда томонидан яратилган Аша-Бахишта номли тангри ана шу эзгулик кучларини ўзида мужассамлаштирган эмиш. Афсоналарда айтилишича, Зардушт ўзи яратган етти мўъжиза (сув, тупроқ, ҳаво, олов, ўсимлик, сигир ва одам)га монанд ҳолда еттита байрамни ҳам жорий қилган эмиш. Еттинчи мўъжиза олов ҳамда эзгулик ҳомийси Аша-Бахишта шарафига баҳорий удум – Наврўзни ўтказиш анъанаси пайдо бўлган эмиш.

Демак, Наврўз Ўрта Осиё ва Эронда яшаган қадимги деҳқонларнинг баҳорий удумлари, кўкламни эъзозлаш, сув, олов, тупроқ, қуёшга сиғиниш билан боғлиқ маросим ва эътиқодлари асосида бундан уч ярим-тўрт минг йилча бурун пайдо бўлган умумхалқ байрамидир. Бу байрам ерни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан лаззатланишга, ҳаётнинг боқийлигига иймон келтиришга ўргатади.

Мустақиллик туфайли Наврўз республикамизда ҳақиқий халқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

Ўзбекистон ҳукумати 1989 йили 26 февралда республикада Наврўз байрамини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, 21 мартни Наврўз байрами кенг нишонланадиган кун деб эълон қилиниши, Наврўзга бағишланган телекўрсатувларга мунтазам тус берувчи, барча вилоятларда оммавий сайиллар ўтказилиши, байрам муносабати билан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари уюштирилиши эътиборга молик.

Ўтган йилларда Самарқанд вилоятининг Нуробод ва Нурота туманларида хизмат сафари чоғида Наврўз байрамининг шодиёналарида иштирок этганман. Ушбу умумхалқ баҳор байрами хотирамда ўчмас бир таассурот қолдирган.

Нурота туманида Наврўз тантаналари карнай-сурнай садолари билан бошланиб, дорбозу масхарабозлар ёғоч оёқларда ўйнашиб даврани тўлдиришди. Қадимги урф-одатларимиз "Келин тушириш" кўринишлари намойиш этишди. Бахши шоирларнинг чиқишлари, айниқса, Чашма қишлоғидан ташриф буюрган Хушвақт Юсуповнинг чиқишини тўпланганлар қарсаклар билан кутиб олдилар. Навбат спорт мусобақаларига берилганда ҳар ким ўзи севган спорт тури бўйича беллашувга ошиқди. Бир томонда "улоқ" ўйини, бир томонда "полвон" ўйини, тош кўтариш, арқон тортиш, бир томонда мотоцикл пойгалари ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар қизиб кетди. Бундан ташқари "кўчқор уриштириш", "хўроз уруши", "каклик уруши" каби ўйинлар халқнинг энг севимли ўйинларидан эканлиги яна бир бор исботланди.

Наврўз шарафига уюштирилган бу сайил гўзаллик, қувонч ва илҳом байрами бўлди. Ўзбек халқининг бой, мазмундор, жўшқин шодиёнасининг ёркин намойиши бўлди. Наврўз ҳар бир инсоннинг қалбига эзгулик уруғини сочади. Инсон руҳининг энг нозик туйғуларини ҳаракатга келтиради. Кишиларимизда меҳнат завқи, гўзалликка ихлос ва таъзим, покизалик ва нафосатни улуғловчи ҳисларни тарбиялайди.

Республикамиз бўйлаб тантана қилинган 1999 йил Наврўзи ҳақиқий мустақиллик, бахтиёрлик ва шодликнинг амалий ифодаси бўлди.

Малика ҚОСИМОВА .

Абдувосит ЙЎЛДОШЕВ

БОШҚАРУВ САНЪАТИ



Республикамизда мустақиллик туфайли мутлақо янгича тизим қарор топмоқда. Иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида ўйласак, биринчи навбатда, бошқарув муаммолари диққатимизни ўзига жалб этади. Бу борада кўп ишлар қилинади, аммо ҳали янада кўпроқ ишлар қилишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Раҳбарлар, бошлиқлар ўз вазифаларини юқори даражада уддалашлари учун нималарга эга бўлишлари, нималарни билишлари керак? Раҳбарлик фазилатлари нималардан иборат, бошқарув тамойиллари деганда нималарни тушунасиз? Бу саволларга тўғри, ҳаққоний жавоб топиш ҳозир ниҳоятда зарур бўлиб турибди.

Бошқарув асоси тажрибами, кўникмами, маҳоратми? Бошқарувда тажрибанинг, кўникмаларнинг, маҳоратнинг, билимнинг, ақлидрокнинг ўрни катта. Аммо у аввало санъат, иждоддир. Бошқарувчида ҳам худди санъаткор учун зарур бўлгандек талант, истеъдод мавжуд бўлиши керак. Бу истеъдоднинг бир қисми туғма бўлиб, бир қисми тажрибада шаклланади. Демак, ҳар кимдан санъаткор чиқавермаганидек, ҳар кимдан ҳам яхши раҳбар чиқавермайди.

Бошқарув санъатида сўзнинг таъсир кучи катта аҳамиятга эга. Аммо жуда кўп раҳбарлар, бошлиқлар сўз билан таъсир қилишни яхши эгаллашмаган, шунинг учун ҳам улар одамларга таъсир қилиш учун бошқача чоралар, чунончи, маъмурий чоралар излашади. Агар бошлиқ ўзбек тилида равон гапира олса, миллий тил бойликларини эгаллаган бўлса, унда ўз қўл остидагиларга сўз орқали таъсир қилиб, катта ижобий натижаларга эришиши мумкин. Қачон, кимга, нима дейиш кераклигини яхши билсанг, қайси сўзга қараб оҳанг беришни эплай олсанг, суҳбатлашиш меъёрини сақлай олсанг кичкина суҳбат катта ижобий натижа олиб келиши мумкин.

Барча босқичдаги, барча турдаги бошқарувнинг энг биринчи умумий қонуниятлардан бири бошқариш қобилиятидир. Бошқариш маҳорати тажрибада аста-секин ҳосил қилинади, агар бошқарув истеъдоди бўлмаса, фақат бошқарув маҳорати билан узоққа бориб бўлмайди. Истеъдод билан маҳорат инсон қалбида омухта этилгандагина чинакам бошқарув санъати вужудга келади.

Бошқарув истеъдоди ҳам, бошқарув маҳорати ҳам бир нарсада яққол кўзга ташланади: одамлар билан муомала қилганда уларнинг кайфиятларига таъсир этиб, ўзига нисбатан ишонч туғдира олиш, оғирини енгил қилиб, ишга жалб эта олиш ва кимда қанақа истеъдод, қанча маҳорат борлигини билиб олиш.

Бошқариш тизимига маркетинг ва менежментнинг кириб келиши ижтимоий-иқтисодий ҳаётни бутунлай янгилаб юборди. Эндиликда "фойда кетидан қувиш" танқидга учради. Фойда кетидан қувиш– тараққиёт омили эмаслиги, балки фойда илмий, оқилона бошқаришнинг натижаси бўлиши кераклиги бошқарув назариясида муҳим ўрин тута бошлади.

Менежмент системасида иккита нарса жуда муҳим ҳисобланади. Бири – ишлаб чиқаришни ташкил этишда одамларнинг руҳий ҳолатлари, кайфиятлари, ўй-хаёллари, орзу-интилишларини ҳисобга олиш, уларга ижобий таъсир қилиб, унумли, самарали меҳнат қилишга жалб эта олиш. Иккинчиси – корхонани бошқаришга ишчиларни ҳам жалб этиш. Чет элларда ишчилар, ходимларнинг вакиллари ишлаб чиқаришга тегишли энг мураккаб масалаларни ҳал қилишда қатнашмоқдалар. Бу нарса корхонадаги муҳитни соғломлаштиришга ҳиддият, конфликтларни оқилона ечишга, рақобатда ўзиб чиқишга ёрдам бермоқда. Ишчиларга, ходимларга бошқарувнинг сир-асрорларни ўргатилмоқда, уларнинг касб ва ижтимоий малакалари оширилмоқда. Аммо, баъзи корхона раҳбарлари моҳир ишчиларни бошқаришга яқинлаштирмайди, ўрнимни олади, деб қўрқади.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтилаётгани, хусусий мулкнинг тикланиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишдаги эркинликларда, тижорат билан шуғулланишда намоён бўлиб бормоқда

Аммо бошқарув соҳасида ўзгариш кам. Ҳали ҳам бизда менежмент, маркетинг тизими яхши ривожланмаган. Ҳатто айрим жойларда маъмурий-буйруқбозликдан воз кечишни истамаётган раҳбарлар ҳам учраб турибди.

Бошқарувнинг бир қолипга солинган, узил-кесил назарияси йўқ, фақат бошқарувчига умумий йўналишлар кўрсатувчи қоидалар, тамойиллар, қонуниятлар бор, холос. Бошқарувда мана шу умумий қоидалар, тамойиллар, қонуниятлар билан чекланиб бўлмайди, ҳар бир аниқ шароитда бошқарувнинг янги-янги қирралари кашф этилади.

Бошқарувнинг самарадорлиги кўпинча бошқарувчининг ақлий салоҳияти билан боғлиқ. Бошлиқ чуқур ва ҳар томонлама тафаккур қила олмаса, бошқарувнинг умумий қонуниятларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятининг ўзига хос тамойилларини ярата олмаса, унинг ҳаракатлари воқеалар оқимига зид келиб қолади, натижада ўйланган режа амалга ошмайди.

Демак, бошқарувчида оқилона фикрлаш, ўйлаш, мулоҳаза юритиш қобилияти шаклланган бўлиши керак.

Фикрлаш қобилияти шаклланмаган одамларни мансабдорлар орасида анчагина учратамиз. Олий маълумоти бор, кўп йиллик иш тажрибаси бор, аммо бошқарув учун сув билан ҳаводек зарур бўлган тафаккур кўлами йўқ. Ҳатто илмий унвони бор, аммо жиддий муаммоларни ҳал қилаётганда диалектик, мантиқий тафаккур етишмайди. Бундай раҳбар ўз соҳасини енгил-елпи бошқаради, муҳими ёрдамчилари кўп, улар ҳужжатларни қалаштириб ташлайдилар. Президентимиз таъбири билан айтганда: "Агар бирор катта раҳбарга у ҳоким бўладими, вазирми, ўзингиз бир муовин топинг дейилса, у қандай одамни танлайди, табиийки, ўзининг измида юрадиган, гап қайтармайдиган, шахсий садоқатли, ўзидан савияси пастроқ, ҳеч қачон ўзининг ўрнини босолмайдиган одамни танлайди". Давримиз раҳбарлари тамомила янгича фазилат ҳамда қобилиятлар билан ажралиб турмоғи керак. У кенг ва чуқур фикрлай билиши билан бирга чаққон ва уддабурон, ҳиммatли ва шижоатли бўлиши керак.

Бошқарув тизимида мен фикрлайман, сен эса уни амалга оширасан, деган гап кетмайди. Бошқарув санъати кенг маънода умуман янги кадрлар, мутахассислар тайёрлаш ҳамда тарбиялаш масаласи билан боғлиқ.

"Биз янги тузум, янги давлат шаклини тузяпмиз, аммо унга жон киргизадиган одамлар, кадрлар керак, – дейди Ислом Каримов, – қачон услубимизни ўзгартирамиз, янгича ишлаш ҳиссини қонимизга сингдирамиз? Оддий одамлар ҳамма нарсани кўриб-билиб турибди. Нопок, нафси ҳаром, ўзининг манфаатини устун кўяётган баъзи бир раҳбарларни ҳам кўряпти".

Бинобарин, бошқарув санъати, раҳбарлик масалалари ижтимоий-сиёсий ва тарбиявий аҳамият касб этмоқда. Раҳбарнинг ахлоқий, сиёсий ва маънавий маданияти жамият, миллат ва мамлакат ҳаётида катта аҳамият касб этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Жаҳон тажрибасига кўра мустақил ўз давлатчилигини қўлга киритган, миллий ва ижтимоий озодлигига эришган давлатларнинг тараққиёт йўли ҳеч қачон осон ва енгил бўлмаган.

Ўзбекистон давлати мустақил бўлгандан кейингина ўзининг иқтисодий ривожланиши учун йўл излай бошлади. Бунинг учун у жаҳондаги энг ривожланган давлатларнинг иқтисодий ривожланиш тажрибасини ўрганишга киришди ва ўзининг мустақил ривожланишида ўзига хос йўлни танлади. Бунинг учун республиканинг Президенти ва ҳукумат аъзолари олдига зудлик билан қатъий чоралар кўриш талаб қилинди.

Масалан, 1992 йилнинг биринчи чорагида яратилган миллий даромад 1991 йилнинг шу давридагига нисбатан 73,1 фоизни ташкил қилиб, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми 8 фоизга камайган эди. Бундай оғир аҳволдан қутилиш учун Ўзбекистон давлатининг бошқарувчилари томонидан янгича, шу куннинг талабига жавоб берадиган иқтисодий сиёсат ишлаб чиқилди. Унинг негизига бозор иқтисодиёти асос қилиб олинди. Дунёдаги барча ривожланган мамлакатлар тажрибалари ўрганилган ҳолда мумкин қадар тезроқ, аҳолининг ҳеч бир табақасига зиён етказмасдан бозор иқтисодиётига ўтиш кераклиги давлат иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил қилди. Ўзбекистон давлати томонидан юритилган иқтисодий сиёсатнинг негизида мулк эгасини топиши кераклиги асос қилиб олинди. Чунки совет давлатида мулк халқники деб жар солинарди, аслида бу мулкнинг тайин эгаси йўқ эди. Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгандан кейин биринчи ўринда хусусий мулк бошқа мулк шакллари билан бир қаторда ҳуқуқий жиҳатдан баравар деб эълон қилинди.

Ўзбекистонда хусусий мулкнинг ҳуқуқий асослари пухта яратилган. Унинг ривожлантириш механизми давлат томонидан чиқарилган қонунлар орқали асослаб берилди:

– қисқа муддат ичида республикамизни хом ашё ишлаб чиқарадиган, дунё бозорларида рақобат қила оладиган, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган мустақил иқтисодиётга эга, қудратли давлатга айлантириш;

– истеъмол бозорини аввало ички ресурслар ҳисобига тўлдириш, аҳолининг озиқ-овқат, кундалик саноат товарларига бўлган эҳтиёжини қисқа вақт ичида тўлиқ таъминлаш;

– аҳоли даромадларининг нарх-наво билан мутаносиблигини таъминлаш, бунинг учун зарур ижтимоий тадбирларни амалга ошириш;

– пухта ишланган қонунларга асосланган ҳолда давлат суверенитетини таъминлаган, биринчи навбатда халқимиз манфаатларини ҳимоя қиладиган тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш;

– ички истеъмол бозори ҳимоясини таъминлаш, давр талабига жавоб берадиган молия-пул сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига собиқ социалистик давлатлар сингари ҳаммадан кейин ўтаётганлигини ҳисобга олиб, бозор иқтисодиётининг илк шаклларига эмас, балки уларни четлаган ҳолда ҳозирги даврга хос цивилизациялашган бозор иқтисодиётига ўтмоқда.

Бу янги иқтисодий тизим асосида инсон манфаатини юзага чиқариш, унинг меҳнатини қадрлаш, аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадлари ётади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши инқилобий сакрашлар, социал тўқнашувлар орқали эмас, балки тинчлик вазиятида кетма-кет эволюцион ўзгариш орқали бўлади.

Ўзбекистоннинг ўз йўлини танлаши реал социал иқтисодий шароитдан келиб чиқади, у бировларнинг хоҳиш-иродаси эмас, балки объектив заруратнатижасидир.

Ўзбекистонда ўзига хос социал демографик вазият мавжуд. Бу ерда аҳоли сони тез ўсади, унинг таркибида ёшлар ва кўп болали аёллар қатлами катта, аҳолининг 60 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади.

Ўзбекистон аҳолисида ўтроқ яшаш одатлари сақланган, аҳолининг бир соҳадан бошқасига ўтиб ишлаши секин кечади. Ўзбекистоннинг энг муҳим хусусияти бу ерда осиёча ишлаб чиқариш анъаналарининг сақланиб қолганлигидир: бу – ерни ҳосилбай ижарага олиб, унга ишлов бериш, деҳқончиликнинг сермеҳнат бўлиши, деҳқончиликни суғорма ерларда олиб борилиши, майда ишлаб чиқариш ва майда савдо-сотиққа мойилликка, кўпгина ишларни жамоа бўлиб бажариш (ҳашар), оила ва маҳалла мулкининг мавжудлиги кабилардир.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой мамлакат, унинг иқтисодиётида пахтачилик катта ўрин тутади. Катта ресурсларнинг мавжудлиги Ўзбекистонни инвестиция учун қулай мамлакатга айлантирди. Ўзбекистоннинг бундай ўзига хос хусусиятлари ўзига хос ривожланиш йўли бўлиши кераклигини тақозо қилади. Бу йўл бошқа мамлакатлардаги бозор иқтисодиётига ўтиш моделларини сунъий равишда Ўзбекистонга кўчириш, улардан андоза олиб иш юритиш, бошқалар дастурини кўр-кўрона қўллаб, уларга амал қилиш эмас, балки мамлакатнинг миллий манфаатларини кўзлаган, реал шароитини ҳисобга олган ҳолда ўз дастурига биноан тоталитар иқтисодий тизимдан бозор тизимига ўтишдан иборатдир.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишдаги беш тамойили ҳақиқатан ҳам амалда ўзининг тўғрилигини исботлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўзига хос бозор муносабатларини шакллантиришда, жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда ўзининг йўлини танлаб олди. Бу йўл анча мураккаб ва жуда қийин йўл, лекин ўзбек миллатини, Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллатларнинг ҳақ ва ҳуқуқини ҳимоя қилувчи тўғри йўлдир. Шу йўлгина келажакда Ўзекистоннинг буюклигини таъминлаши ва жаҳон миқёсидаги унинг обрўйини ошириши мумкин.

Г.ТЕМУРОВ, Ш.ЖУМАЕВ, Ш.ТЕМУРОВА,
Самарқанд.

ТЕАТР – МЎЪЖИЗАВИЙ САНЪАТ



Республикамизда катта театрлар билан бир қаторда кўплаб ҳаваскорлик халқ театрлари ҳам фаолият кўрсатмоқда ва улар томонидан саҳнага олиб чиқилаётган спектакллар театр мухлисларига олам-олам қувонч бағишламоқда.

Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази томонидан мунтазам ўтказилиб келинаётган халқ ва ҳаваскорлик театрлари режиссёрларининг республика ўқув семинар машғулотлари, республика ҳаваскорлик театрларининг фестиваль, кўрик-танловлари бу соҳа ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Биз халқ театрлари спектакларини кўздан кечирар эканмиз, ижрочилик даражаси аввалги йиллардагидан анчайин ўсиб кетганлиги, халқимиз орасида кўплаб истеъдодлар етишиб чиқаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Улар ўзларининг ранг-баранг, турли мавзулардаги спектакллари билан бугунги ўзгариш, янгиланиш, яратиш ишларига ҳиссаларини қўшаётганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Занжирали Мирзатов номидаги Қўқон шаҳар халқ театри республикамиздаги энг кекса театрлардан ҳисобланади. Театрнинг "Тирикликда қилмасанг шод"(Ўлмас Отаҳонов асари) спектаклида бугунги кун ёшларининг ота-оналарга бўлган муносабатлари ҳаяжонга бой саҳналарда кўз ўнгимизда намоён бўлади. Ўзбекистон халқ артисти Рашидхон Содиқов саҳнага олиб чиққан ушбу асар инсоний туйғулар, меҳр ва муҳаббат тараннуми сифатида томошабинларда катта таассурот уйғотди. Спектаклда Рафиқ Аҳмедов, Қаюмжон Худойберганов, Хурсаной Остонақулова, Усмонжон Юсуфалиевлар асар мазмунига мос равишда образларни саҳнада тўлақонли гавдалантиришга эришганлар. Шунингдек, театр саҳнасидан ўрин олган Шароф Бошбековнинг "Тақдир эшиги" асари асосидаги спектаклда ҳам ҳаваскор артистлардан Йўлдош Деҳқонов, Кимё Каримовалар иқтидорларини маҳорат билан саҳнада намойиш этдилар. Спектакларга саҳна безакларини ишлаган Инъомжон Ҳожиматов ҳам асар руҳиятидан келиб чиқиб мазмунни янада теранроқ очилишига ҳисса қўшган.

Фиждувон туман халқ театри ҳам мамлакатимиздаги фаол ҳаваскорлик халқ театрларидан ҳисобланади. Ижодий жамоа Ўткир Ҳошимовнинг "Тўйлар муборак", Шароф Бошбековнинг "Хўжайинлар", Маннон Ҳамидовнинг "Кундошлар", Омон Шариповнинг "Аросатда қолган аёл", Шавкат Пардаевнинг "Чипор товуқнинг баҳоси" ва бошқа турли мавзулардаги асарлари билан нафақат Бухоро вилоятида, балки республикамизда ҳам таниқли.

Бешариқ туман халқ театри ижодий жамоаси Иброҳим Содиқов асари асосида саҳнага олиб чиқилган "Афандининг беш хотини"спектакли билан бутун республикамиз бўйлаб ўтказилган гастроль сафарида кенг томошабинлар оммасига танилди. Ушбу асар мамлакатимизда ўтказилган халқ театрлари кўрик-танловида ҳам олий ўринга сазовор бўлди. Рашидхон Содиқов асари асосида саҳнага олиб чиқилган "Қор одам" ҳажвий саҳна асари ҳам театрга шуҳрат келтирди. Шунингдек ижодий жамоа тез-тез "Кулги оқшоми", "Кулгига нима етсин" деб номланган театрлаштирилган томошалар тайёрлаб, мухлисларга тақдим этиб келмоқдалар.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туман халқ театрининг спектакллари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ижодий жамоанинг Сайловбой Жумагулов асари асосида қўйилган "Икки йўл орасида" деб номланган жиддий комедияси театрга шуҳрат келтирди. Асарни театрнинг бош режиссёри Йўлдош Сотимов саҳналаштирган. Кенисбой Раҳмоновнинг "Тўққиз тўқилдоқ ва бир шақилдоқ" асари асосидаги комедия ҳам томошабинлар билан гавжум ўтди. Спектаклда бош ролларни Раҳмон Норинбетов, Зулайхо Аллашова, Тамара Худойназарова, Олларберган Қозоқовлар ижро этдилар.

Чимбой туман Гулхан Шеразиева номли халқ театрининг Казбек Сафарбоев асари асосидаги "Беш кампирнинг ҳийласи", Сайловбой Жумагуловнинг "Менинг эрим экстрасенс" каби спектакллари ҳам томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Спектаклда бош ролларни талқин этган актёрлар Гулзабира Тўраниёзова, Мақсед Холменов, Сатулла Абдуллаев, Шамширок Сатуллаевалар, режиссёр Дамир Абдумуратов кўрсатмалари асосида асар янада муваффақиятли чиққан.

Бухоро шаҳар Ибн Сино номли маданият саройида фаолият олиб бораётган "Афанди шай" театр студиясининг "Афанди шаҳар кезади", "Сичқон дориси" каби театрлаштирилган томошалари ҳам бу театрнинг ўзига хос йўлга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Жондор туман "Эътиқод" театри ҳам Одил Ёқубов асари асосида саҳнага олиб чиқилган "Улуғбек хазинаси" спектакли чуқур драматизмга бойлиги, узоқ тарихдан ҳикоя қилиши билан ҳам томошабинларда катта таассурот уйғотди ва театрнинг нечоғли катта кучга эга эканлигини намойиш эта олди.

Ургут туман халқ театри саҳнасида намойиш этилган Ёркин Йўлдошев қаламига мансуб "Бибихоним" асари Самарқанд тарихидан сўзлайди. Режиссёр Самандар Қандахаров саҳнага олиб чиққан асарни кўздан кечирар эканмиз, момомиз Бибихонимнинг ҳаёт йўли, унинг қарашлари, халқига бўлган муҳаббати ҳаяжонларга бой саҳналарда акс эттирилганлигини кўрамиз.

Булунғур туман халқ театри саҳнасида ўйналаётган Ўткир Ҳошимовнинг "Виждон дориси" асари асосидаги саҳна томошаси эса кулгили воқеаларга бойлиги, ёшлар ҳаётидан ҳикоя қилиши билан барчага манзур бўлмоқда.

Жиззах туман халқ театри саҳнага олиб чиққан Маматқул Ҳазратқуловнинг "Она илтижоси" асари асосидаги спектаклда ҳаваскор артистлар онага бўлган муҳаббат, онанинг фарзандларига бўлган меҳри истеъдод билан гавдалантириб берилган. Муборак Алиева саҳнага олиб чиққан спектаклда ҳаваскор артистлардан Гавҳар Турдиева, Саидахон Қўлдошева, Баҳром Норматов, Қобилжон Холматовлар ишонарли образлар билан спектаклга кўтаринки руҳ бағишлаганлар.

Театр – мўъжизавий санъат. Юртимизда истеъдодлар жуда кўп, театр эса ўзининг мўъжизаси билан томошабинларни ром этади, ҳайратга солади, ҳаёт фалсафасидан сабоқ беради.

Деҳқонбой ҲУСАНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Зумрад Исмоилова



Турмуш тарзи ва информатика

Турмуш тарзи муайян жамият кишилари ҳаёт шароитлари ва хусусиятларини ифодалашда қўлланадиган фалсафий тушунчадир. Бу тушунча маълум ижтимоий-иқтисодий ўзгаришнинг хусусият ва муҳим белгилари билан аниқланади. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган бир пайтда баҳо, талаб ва таклиф, шунингдек, рақобат қонуниятлари турмуш тарзи тушунчаси ва категориясини миллийлик билан уйғунлаштиришни тақозо этади.

Турмуш тарзи иқтисодий категория сифатида турмуш даражаси тушунчаси билан узвий боғлангандир. Турмуш даражаси миқдорий кўрсаткични ифодалаб, иш ҳақи, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, истеъмол буюмларига бўлган талаб даражаси, аҳолининг моддий ва маънавий буюмларга бўлган талаб даражаси каби соҳаларда акс этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида турмуш тарзи ва турмуш даражаси каби иқтисодий-фалсафий категорияларни ўрганиш, унинг янги қирраларини очишда информатика ва ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш ижобий натижалар бериши шубҳасиздир. Фаннинг бу йўналиши орқали ўрганиладиган муаммолар, ечимларни умумлаштириш, турмуш тарзидаги шакл ўзгаришлари мазмун ўзгаришларига олиб келиши каби боғланишларни аниқлаб етишда восита сифатида кўмак бериши мумкин.

Информатика ва ҳисоблаш техникасининг муҳим йўналишларидан бири бу жамиятни ахборотлаштиришдир. Ахборотлаштириш аҳолининг турли маълумотлардан хабардор бўлиб туриш эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига босқичмабосқич ўтишдан асосий мақсад – жамият барча аъзоларининг моддий ва ижтимоий, маданий, маърифий эҳтиёжларини қондира бориш суръатларини юқори даражага етказишдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, аҳолининг турмуш тарзи ва турмуш кечириш даражаси муаммоларини комплекс ҳал этишдир. Компьютер техникаси ва технологиясидан комплекс фойдаланиш ана шу асосий мақсадга хизмат қилиши табиий. Информатика ёрдамида турмуш тарзини ифодаловчи ижтимоий мулк шаклларига кўра аҳоли гуруҳлари ва улар ўртасидаги муносабатларнинг ҳолатини тасаввур қилиш мумкин. Информатикани юксак даражага кўтариш орқали ҳар бир ишчи-хизматчининг ижодий меҳнат фаолияти, меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, инфраструктурани ривожлантириш учун зарур бўлган имкониятлар янада кенгаяди.

Информатикани фалсафий нуқтаи назардан ўзбек миллий турмуш тарзининг самарадорлигини ошириш омилларидан бири дейиш мумкин. Бунинг негизлари қуйидагиларда, деб ҳисобласа бўлади. Биринчидан, информатика янги технология асосида маънавий омилларнинг барча соҳаларини қамраб олади, шу жараёнларни такомиллаштиришга уларнинг ижтимоий самарасини оширишда негиз бўлиб хизмат қилади. Қонуниятларни ўрганиш учун қулай шарт-шароит туғдиради. Учинчидан, турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ турмуш даражаси кўрсаткичлари ҳисоб-китоблари, ўсиш (пасайиш) суръатлари даражаси каби ҳолатларни компьютерлар орқали марказлаштирилган йўсинда назорат қилиб туради. Тўртинчидан, қишлоқ аҳолиси билан шаҳар аҳолиси ўртасидаги турмуш тарзи масалалари ечимларини солиштириш имконини яратади.

Турмуш тарзи муаммоларини ҳал этишда информатика ва компьютерлардан фойдаланиш дейилганда, энг аввало унинг бирон-бир йўналиши ёки масаласи, масалан, ўзбек халқи миллий турмуш тарзи белгилари ва асосий йўналишлари соҳасини олиб, уни ахборотлар мажмуаси ва қайта ишлаш орқали ўрганиш лозим бўлади.

Қўйилган масалани компьютерлар ёрдамида ўрганиш икки йўналишда олиб борилиши мумкин: биринчиси, тадқиқотчи бевосита компьютер билан мулоқотда бўлиб, у тегишли ахборотларни компьютерга ўзи киритиб, қайта ишлаб, принтерга зарурий ахборотлар мажмуасини жойлаштиради. Иккинчи йўналиш компьютер хизматидан бевосита фойдаланиш билан боғлангандир. Бунда шундай хизматларни бажара оладиган ташкилот ёки корхона орқали шартнома асосида боғланиш керак. Иккала ҳолда ҳам, яъни компьютер хизматидан фойдаланиш муайян миқдорда сарф-харажатларни тақозо этади.

Шуни унутмаслик керакки, жамиятимизнингбозор иқтисодиётига ўтаётган бир пайтда информатика ёрдамида жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларига (бунга турмуш тарзи масалалари ҳам киради) кўр-кўрона эмас, балки уддабуронлик ва оқиллик билан ёндошиш, ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришнинг ижтимоий масалалари билан боғлиқ томонларини чуқурлаштириш ва кучайтириш лозим. Аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш, янгича фикрлаш ва ахборот маданиятини шакллантириш ҳар бир кишига ижодий меҳнат фаолияти учун қулай шарт-шароит яратади.



ВАТАННИ УНУТИБ БЎЛМАС

Ўзбек маданияти, жумладан, ўзбек мусиқа санъати соҳасида ижод қилаётган етук аёллар анчагина. Дилором Саидаминова уларнинг кўзга кўринган вакиллардан бири. Д.Саидаминова ўз миллий мусиқа маданиятини чуқур ҳис эта оладиган ва турли жанрларда ижод қиладиган бастакордир. У 1967 йили М.Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг бастакорлик ихтисослигини (профессор Б.И.Зейдман синфини) тугатади. 1968 йили ассистент-стажерликка қабул қилинди ва мусиқа манзумаларини яратиш сирларини ўрганиб, бастакорлик маҳоратини оширади.

Санъаткор турли жанрда иш олиб борди: симфония, концертлар, балет, увертюра, театр спектакларига ва кинофильмларга мусиқа ёзди, эстрада қўшиқларини яратди. Бастакорнинг машҳур асарлари туркумларига фортепиано учун ёзилган "Қадимий Бухоро деворлари", "Афросиёб фрескалари", "Иккинчи фортепиано концерти", скрипка ва фортепиано учун соната, флейта, скрипка, виолончел, овоз ва фортепиано учун ёзилган асарлар киради.

Саидаминова ижодида фортепиано муҳим ўрин тутади. Чунки у 1966 йил Тошкент давлат консерваториясининг фортепиано синфини ҳам муваффақиятли тугатади. Бу унга фортепиано ижрочилигининг хусусиятларини яхши билиш имконини беради. Фортепиано мусиқаси доирасида бастакорлик иқтидори юзага чиқди. Бастакорнинг ажойиб асарлари айнан шу чолғуга мослаб ёзилгани тасодиф бўлмаса керак. Зеро, ижодкорнинг ўзи "ҳақиқий санъат совуқ юракка дош бера олмайди, асар яхши чиқиши учун унга қалбингни ҳам беришинг лозим", дейди.

Ўзбекистон, унинг тарихи, маданияти бастакор ижодининг асосий манбаи. Айниқса "Қадимий Бухоро деворлари", "Афросиёб нақшлари" номли асарларида яққол сезилади. Муаллиф ушбу асарларда қадимий Шарқнинг поэтик қиёфасини яратади. Миллий маданият руҳини чуқур ҳис этиш учун Шарқ файласуфлари асарларини, Шарқ бадиий меросини – Ўрта аср шеъриятини махсус ўрганди. Хива ва Самарқанд шаҳарларидаги тарихий обидаларни кўриш зикр этилган асарларнинг пайдо бўлишига тўғридан-тўғри туртки бўлди.

"Қадимий Бухоро деворлари" мусиқасини тинглар экан

Аёл меҳри

Бир уйнинг бекаси бўлиш учун аёлга кўпроқ нима керак? Оила деб аталмиш улкан бир қасрни беками кўст тебратиш фақат эркакнинг қўлидами? Агар чуқурроқ ўйлаб кўрсак, Оллоҳ таоло ҳар бир жонли ва жонсизни ўз вазифаси ила яратган. Масалан, қуёш нур сочади, дарёлар ташналикни қондиради, гуллар дилларни қувонтиради. Она бир парча эт – чақалоқни асраб-авайлаб вояга етказади. Бир умр камолотга етаклайди.

Ана шу машаққатли меҳнат назарда тутилгани учун "Жаннат – оналар оёғи остида" дейилган ҳадиси шарифда.

Аёл меҳнати... Аёл меҳнатини бирон нарса билан қиёслаб бўладими? Оиланинг чироғини ёқиб, камини тўлатиб, фарзандларига бош-қош бўлиб, улар тарбиясидан тортиб то эрнинг инжиқликларигача сабр-бардош билан чидаган ҳам Аёл.

"Одамларга яхшилик қилинг, меҳрли бўлинг", деб ҳар қадамда гапирамиз, кўп ёзамиз. Гапириш осондир, балки. Аммо оқибатли ва меҳрибон инсонларни, қаердадир бола йиғисини эшитса жон ҳолатда ўрнидан туриб кетадиган, ўта болажон аёлларни ҳар қадамда учратамизми?.. Мен тарих фанлари номзоди Насиба опа Тошхўжаева билан суҳбатда бўлгунимга қадар шулар ҳақида кўп ўйлардим. Насиба опанинг олис юрт бўлмиш АҚШда ўқиб, ишлаб юрган қизи Дилоромхонга ёзган хатлари билан танишар эканман, унинг фарзандларига меҳри беқиёслигини кўриб юрагимда нур пайдо бўлди, жисму жонимда ўт алангаланди. Улар фақатгина фарзандларгагина эмас, балки яқин қариндош-уруғларга бўлган муносабати ҳам кўпларга ибрат бўлгулик.

– Меҳр кўзда дейишади, – дейди биз билан суҳбатда онахон. – Холаваччаларни, амакиваччаларни кичкинтойларингиз билан ҳам тез-тез учраштириб турингларки, қайси сулола аҳил яшаса, рўзғорида барака бўлади, яхши-ёмонга оғирингил кунида термулмайди, излаганини ёнбошидан олади, ўз жигарларидан топади! Фарзандларим тарбияли, диёнатли, инсофли бўлсин десангиз, уларга кўпроқ меҳр беринглар!

– Олам яралибдики, ота-оналар фарзандларининг ўзларидан кўра яхшироқ яшашлари, илм олишлари учун ҳаракат қиладилар. Лекин эътибор берсангиз баъзи болаларда инсоний фазилатлар етишмаётгандек туюлади. Айтинг-чи, бола тарбиясида сизнингча нималарга кўпроқ аҳамият бериш лозим, оилада ким кўпроқ масъул: отами ёки она? Ҳозирги ёшлар деганда кўз олдингизга ким келади?

– Ҳаётимиз давомчилари мана шу болаларимиз. Улар билан кунимиз шод. Ота-она деган улуғ номга мушарраф бўлган ҳар бир ота-она фарзанди учун албатта қайғуради. Бир ҳикматни эшитгандим. Унда фарзанд тарбиясини бешикдан бошлаш кераклиги айтилганди. Назаримда ҳозир ота-оналар ўз ташвишлари билан ўралашиб қолиб тарбияни анча бўшаштириб юборганлар. Ёшларимиз эса умуман панд-насиҳатларга қулоқ тутмайдилар. Тўғри, аксарияти эмас. Бошланғич синф ўқувчиларининг ечаётган мисол-масалаларига эътибор беринг, компьютер билан ишлашларига бир разм солинг, чет тилини ўрганаётганини қаранг. Қараб, кўзингиз қувонади, қалбингиз яйрайди.

Менимча болани урушиш, сўкиш, уришдан қочиш керак. Қарғиш ҳам тарбия эмас. Бола шундай ниҳолки, қай ёққа эгсангиз оғиб кетаверади. Шундай экан, болани яхшилик сари оғдирмоқ керак. Тошкентдек шаҳри азимдаги кўп қаватли уйлардаги болалар тарбияси анча мураккаб. Негаки, қишлоқ боласи қишин-ёзин тугамайдиган дала юмушлари билан банд, жуда бўлмаганда ҳар бир хонадонда қорамол боқилади, унга ҳам қараш керак. "Дом" боласи эса ёл

сиз, қадимий шаҳар тимсолини ички бир туйғу билан ҳис қиласиз. Бухоро осмонида порлаган "қолдуз"лар кўзингизга кўрингандай бўлади. Туркумнинг драматургик маркази "Аждодлар руҳи" пьесасидир. Унда Ўтмиш, Ҳозир ва Келаси замон рамзий маънода уйғунлашади.

"Нақшлар" ("Фреска") туркумидаги бошқа асар мазмунини қадимий Афросиёб қолдиқларидан олинган таассуротлар ташкил этади. I, IV, V пьесалари тимсолий олами сеҳрли, мафтункор. Булар Афросиёб деворида акс этган бўлса керак. Масалан, сув тошқини эпизодида мовий тўлқинлар, унда сузаётган одамлар, балиқлар, сувда сузадиган қушлар... ёки ўзининг хизматкори ва ҳайвонлари билан бирга тасвирланган зодагон ҳолати акс этган саҳна муҳимдир (катта оқ фил, оқ қушлар).

VII пьеса жуда қизиқарлидир. Унда дутор садолари орқали миллийлик ёрқинроқ намоён бўлади.

Д.Саидаминованинг бетакрор хусусияти шундаки, у ўз фикр ва туйғуларини замонавий воситалар билан ифодалашга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам скрипка ва фортепиано учун соната асари ўта замонавий, шу билан бирга ўзбекона руҳда ёзилган. Сонатада замонавий техника тамойили Шарқ мусиқасига хос (ҳинд рагаси, мақом) бадиҳа асосида жилоланади. Миллий услуб сезилади. Бастакор миллий услубнинг ўзбекона тимсолини очишда турмуш тарзи элемент сифатида эмас, балки маълум бир мусиқий услуб ўрнида фойдаланади.

Санъаткор ижодида шарқоналик, иккинчи томондан замонавий техниканинг қўлланиши халқаро миқёсда кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилади. Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Олмония, Швейцария, Россия, Белорусия, Молдавия, Латвия, Литва, Озарбайжон, Арманистон каби мамлакатларда унинг асарларини ижро этилиши бежиз бўлмаса керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, унинг флейта, скрипка, виолончел, овоз ва фортепиано учун ёзилган "By the Sound of Francesca" ("Франческа изидан") асари Швейцариянинг Базель шаҳрида бўлиб ўтган танлов буюртмаси билан ёзилган. Танлов шартларига кўра Саидаминова ўрта аср бастакори Франческа Каччинини мавзу қилиб олади (у асар хотимасида ижро этилади). Асарнинг номи шундан келиб чиққан. "Франческа изидан" мазмуни макон билан, унда Франческа руҳини излаш билан боғлиқ. Бастакор чолғу асбобнинг техника имкониятидан тўлиқ фойдаланиб, анъанавий ва ноанъанавий усулларни қўллайди. Якка ижрочилик партиясида декломацион қўшиқчилик услубидан жуда ўринли фойдаланади. Албатта, якка ижрочилик партиясида янграган аёл овози – Франческа тимсоли билан ўзаро боғланиб кетиши бежиз эмас.

Ижодкор айни кунда оилавий шароити туфайли Москвада яшаб, ижод қилмоқда.

– Она замин ва халқидан узоқда бўлиши уни унутиш деган гап эмас, – дейди бастакор биз билан суҳбатда. – Она замин берган тузни, халқ берган меҳрни унутиб бўладими?

Дилором Саидаминова ўзининг жонажон республикаси ва севимли шаҳри ҳамда она халқига меҳр-муҳаббатини, дил изҳорини тараннум этиш ниятида катта концерт ўтказиш ниятида. Биз унга омад тилаймиз.

Аида ГАБИТОВА.

ғиз, ота-она ишда, куни билан кўнгли тусаган ишни қилаверади. Ишқилиб Оллоҳ уларнинг ўзига иймон, инсоф берсин. Лекин, энг муҳим нарса, халқимизда бир нақл бор: "Қуш уясида кўрганини қилади". Катталар ана шуни унутмасинлар.

Шу пайт ўқишдан қайтган оиланинг кенжатойи Музаффар суҳбатимизга келиб қўшилди: "Онамиз жуда сахийлар, меҳрибонлар. Келадиган вақтимиздан сал ўтса ўзларини қўярга жой тополмай қоладилар. Шунинг учун доимо айтилган вақтга етиб келишга ҳаракат қиламиз. Энг муҳими, ота-онамизга кўнглимиздаги фикрларни очиқ айта оламиз. Улар эса агар биз билдирган фикр тўғри бўлса ҳеч эътироз билдирмасдан бажаришади. Агар улар исташса кўр-кўрона, йўқ бизни гапимиз тўғри деб туришлари мумкин-ку! Жамшид ака м уйланиб алоҳида яшаётган бўлсалар ҳам, онамнинг овозларини эшитмаган куним кўзимга уйқу келмайди, дейдилар. Биласизми, мен ота-онамни қуёшга қиёслагим келади. Қуёш нақадар юксакликда бўлса ҳам ўз нури билан иситади. Ота-оналарнинг нури эса илоҳий бир неъмат!"

Насиба опа ўғлини меҳр билан бағрига босиб, ёноқларидан ўпди. Менинг кўз ўнгимда эса ўзимнинг фарзандларим гавдаланди. Қани эди менинг дилбандларим ҳам Музаффарга ўхшаса, йўқ-йўқ, фақат унгагина эмас, Насиба опанинг болаларига ўхшаса, чунки уларнинг бари олий маълумотли, ота-онасини кафтида кўтарадиган инсонлар. Бу оилада икки қиз, уч ўғил вояга етди. Уларнинг тўнғичи – Дилоромхон тарих фанлари номзоди, Гуландом, Жамшид—шарқшунос, Жаҳонгир, Музаффар – муҳандис. Назаримда, инсон қалби забт этиб бўлмас қўрғонга ўхшайди. Бу маҳобатли қўрғон деворлари баланд, ғиштлари мустаҳкам. Ота-онасининг қалбига қулоқ тутган, ҳар бир сўзини муқаддас билган фарзандлар ишонаманки, ҳеч қачон кам бўлмайдилар.

– Ҳадемай турмуш қурганларингизга 40 йил бўлар экан, оила муқаддас, унга гард юқтирмаслик учун нима қилиш керак? – дея хонадон соҳиби Маъмуржон Нишоновдан сўраймиз.

– Оиласини бутун, фарзандларини меҳрли кўришни истаган одамнинг нияти ҳам бутун, тоза бўлиши керак. Қуш ҳам уясини авайлайди, полапонларини ҳимоя қилади, уларга овқат ташийди. Ҳаёт бир текисликдан иборат эмас. Қирқ йил турмуш тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, оила қураётган ёшлар авваламбор никоҳнинг нималигини чуқурроқ англаб етишлари керак. Эру хотин-қўш ҳўкиз. Бири ташқарида, бири ичкарида туриб рўзғорни бутлайди. Бирортаси оқсаса, оғирлик иккинчисига тушиши мумкин. Борига қаноат қилиш керак. Киши кўп сабр-қаноат қилса, кўп рўшноликлар кўради. Оилада аёлга кўп оғирликлар тушади. Рўзғордаги икир-чикирларга чидаган аёлгина бахтли бўла олади.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. Уруш-жанжал бўлмаган уйда хотиржамлик бўлади, рўзғорга барака ёғилаверади. Қийин дамларда эр хотинни, хотин эрини тушунса, ёрдам берса, бу яхшилик аломати. Бу – оила бахти.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Оққўрғон маҳалласида бир



хонадон бор. Бу оилага ташриф буюрганларнинг кўнгил чироғи ёниб, улардаги яхши фазилатлар гўё юқиб, ҳаётга, чор-атрофга бошқача қарай бошлайдилар ва маънан бойиганларини ҳис қиладилар.

Маъпура НАБИЕВА.



Гулчеҳра НУР

ДЕРАЗАМНИ ТЎЛДИРИБДИ ОК...

(Янги шеърлар)

***

Ажойиб манзара,
Ажойиб виқор:
Ухлаётир дара,
Ухлаётир қор.

Зар очиб боқмоқда
Оймўма тўлин.
Кимсасиз сўқмоқда
Куёв ва келин...

Ёр кўли ёрида... —
Олов кўринар...
Увлолмас нарида
Чиябўрилар...

Зуғми йўқ дунёнинг,
Безавол йўллар...
Уларнинг қалқони —
Чирмашган қўллар...

***

Тикиламан сенга орқадан —
Беғуборлик зуҳурлигига.
Момиқ қорга босасан қадам,
Ишонасан биллурлигига.

Босиб оёқ, биласан, алҳол,
Муздай қорга тўлар ковушчанг.
Бутун фасл шундайин аҳвол,
Болакайим, думбул-довуччам.

Тикиласан совуқ қорга жим,
Ялтир-юлтир нишонларига...
Токайгача тушарсан, жоним,
Гўзал алдоқ кишанларига...

***

Гоҳ ғижиниб, гоҳ дилни алқаб,
Шукур қилиб умр боридан,
Сени олиб чиқмоқдаман, қалб,
Бу ҳаётнинг чангалзоридан.

Бўлмагил, деб, ўта нозиктаъб,
Чидагил, деб, тўқмоқларига,
Сени яна ташлагайман, қалб,
Бу ҳаётнинг сўқмоқларига...

***

Осмон элаб биллурий зарҳал,
Чор атрофни оқликка кўмар.
Қайта-қайта қарайман. Ҳар гал
Фаришталар руҳимга чўмар.

Уйғонади оппоқ хаёллар,
Уйғонади келинчак фаслинг.
Хаёлингда бир пас ҳаяллар
Гўдаклигинг — топ-тоза аслинг.

Мунг тарқалар, ғубор тарқалар,
Кўриб атроф яркироқлигин.
Фақатгина қора қарғалар
Бузиб турар руҳинг оқлигин...

***

Ҳой чечагим, ҳой чечак,
Қуёш чечак, ой чечак,
Сен тенгма-тенг турибсан
Қиш, қор ила, бойчечак.

Гулбаргларинг жим-жима,
Кучинг гўё ним-ним-а.
Кордан ғолиб келишлар
Лекин сенга ҳеч нима.

Кўзингда маъюлар бор,
Кўзимда санолар бор.
Миттигина чечагим,
Шаҳдингда дунёлар бор.

Ботиғимга ботар — сен,
Ётиғимга ётар — сен,
Беиштибоқ, беминнат
Қишни баҳор этар — сен.

Беунгина қайнаб тур,
Дилни шаҳдга бойлаб тур.
Мана шундай, бойчечак,
Бизни мулзам айлаб тур...

***

"Баҳорим!.." — деб нидо бўлса...
"Жаҳоним!.." — акс-садо бўлса...
Муҳаббат ибтидо бўлса,
Муҳаббат интиҳо бўлса...

***

Адолар, дилбарим, сизга,
Дилафрўз гулларим сизга.
Манимдирсиз, манимдирсиз,
Нурафшон йилларим — сизга.

Тавозе удми шарқона,
Навозиш расми халқона,
Аёвлар бори парвона,
Равона йўлларим — сизга.

Умр гирён, хаёл гирён,
Садоқат шеваси урён,
Шеър — бир ён, шукуҳ — бир ён,
Узалган қўлларим — сизга...

Манам бир нав одамдирман,
Гаҳи чарчоқ қадамдирман,
Гаҳи хомуш қаламдирман,
Тўлиққан дилларим — сизга...

***

Қарсиллаган сасга бепарво,
Ялмоғиз тун таҳдидига зид —
Мени ёлғиз қўймагил, наво,
Ўтинаман: сеҳрингда эрит.

Ёқмоққа шай, ўтпараст маъво
Этмоғи бор бир лаҳзада кул.
Қўлларимдан тута қол, наво,
Узингники айлагил буткул.

Яшамабман висолинг чорлаб,
"Сеникиман" демабман сира.
Ҳузуримга, бас, энди порлаб
Уча қолгил, тансиқ-бокира.

Борми менинг тунга қасдма-қасд
Сендан бўлак ёруғ жаҳоним?!
Ошиққанча, шитоб, басма-бас
Кела қолгил, кела қол, жоним!

***

Серифор ялпизгина,
Қанд-у новвот қизгина,
Қизгина-ёлғизгина —
Дилноза.

Орзуларнинг куртаги,
Ота-она эртаги,
Уч аканинг эрмаги —
Дилноза.

Тоат-тилакдан қайтим,
Эмаклаш деса — дайдим,
Келинлигинг кўрсайдим,
Дилноза...

***

Терак барглари — кумуш,
Майса кучоғи — барқут.
Қоқи тиллога чўммиш,
Атргул лаби — ёқут.

Биллура тонгги шабнам,
Қулоқларга осгудай.
Акика қизғалдоқ ҳам,
Юракларга бостудай.

Кўзларга солиб роҳат,
Ҳузурларга дил чайиб,
Туришар сермалоҳат,
Туришади жилмайиб...

Ҳар нуқтада хазина,
Ҳар нуқтада нисорлик.
Бўлса қанча зеб-зийнат,
Шунчалар ҳокисорлик...

***

Дегайсиз: "Ҳаёт золим,
Афғонлар бериб қўйгай.
Қандай демасдан ҳолинг,
Тошларин териб қўйгай.

Хонишларнинг ўрнига,
Дўст-хешларнинг ўрнига,
Болишларнинг ўрнига
Ёнбошга фириб қўйгай.

Тун жарларин ёпганда,
Қуёш нурин топганда,
Зарларидан ўпганда,
Шом бирла сириб қўйгай..."

Дегайман: "Дилдор ҳаёт,
Маҳорати бор ҳаёт,
Муҳаббати бор ҳаёт,
Эритиб, эриб қўйгай..."

***

Бас, энди ёлғонга беркитиб эшик,
Алдов шевасига бўлак куймайлик.
Кўзингиз меҳрини билай-да қўшиқ,
Бирга ўлтирайлик, бирга куйлайлик.

Севги армонига бўлайлик юпанч,
Севги салтанатин номус-орлари.., —
Оҳким, бўлолмагач, бўла олмагач
Ҳаёт жароҳатин шифокорлари...

***

Ташқарида бўрон. Ташқарида тун.
Ҳис қилиб турибман: дарахтлар юпун.

Уй-уйига кириб олган ёш-қари,
Ҳеч кимнинг чиққиси келмас ташқари.

Иссиқ рўмолимга ўраниб мен ҳам,
Иссиқ хонам меҳрин кўраман баҳам...

Кимдир шивирлайди... Нафаси янги...
Мени энтиктирар сўзлар жаранги...

Ногаҳон... булоқлар тилга киради,
Ям-яшил япроқлар тилга киради.

Менга сўзлай бошлар тоғ-у тош, дарё,
Менга оғуш очар янги бир дунё...

Ҳеч учмаган кимса... уча бошлайман,
Булутлардан ҳузур ича бошлайман...

Тиллашиб қоламан камалак билан,
Камалак қанотли капалак билан...

Менга замондошдай ўтмишим, эртам...
Менга жориядай бугуним — эркам...

Замин — чегарасиз... Макон — ҳудудсиз...
Бани одам яхши. Юраклар дудсиз...

Қулоғим фаввора товушларида,
Мен майса баҳорнинг оғушларида...

Эшик очилади... Қайтади ҳушим...
Яна эшитаман бўрон жунбушин...

Ташқари аёз. Ташқарида тун.
Юрагим йиғлайди: дарахтлар юпун...

***

Мен деганда, кўнглингизга йўл бўлса,
Сиз деганда, фароғатлар мўл бўлса,
Азизим!

Сизга Оллоҳ умр берса мен учун,
Чарақлаш-у сурур берса мен учун,
Азизим!

Агар мени "бандам" деса Оллоҳим,
Сиздан дариғ тутмас бўлса паноҳим,
Азизим!

Менга басдир адолатдан бир томчи,
Сизга бўлса бутун дунё қувончи,
Азизим!

Умрим бўйи тақдиримга буккум тиз,
Умрим бўйи нигоҳимда бўлсангиз,
Азизим!

***

Не фасл, не замон ўша-ўшасиз.
Хатолар беомон — ўша-ўшасиз.
Доно айларди-ку алам-оғриқлар,
Не учун сиз ҳамон ўша-ўшасиз?

Сақрамассиз, йўлни ариқ тутаркан,
Ўқрамассиз, боғни сариқ тутаркан.
Ўзни бериб қўйиб оқимга, дейсиз:
"Худо бахтни мендан дариғ тутаркан".

Бахт ҳам бир тупроқ-ку ёмғирга муҳтож,
Меҳри, заҳматлари маъмурга муҳтож.
Кўзна обида у, кўзна обида —
Ҳар кун, ҳар соатлик таъмирга муҳтож....

Сиз эса... сиз эса... ўша-ўшасиз...

***

Бўса тутиб ширин-ширин ҳар бир онимга,
Мендан бўса ололмаган кунлар ўтдилар.
Ўт қўйгудай бу ширин жон — хонумонимга,
Бахтни четга суриб, кўпроқ мунглар ўтдилар.

Ўтган кунлар ўйларимни қилар-да таъқиб,
Чиқаверар, чиқаверар таъна-арзлари.
Тарозига солиб кўрсам, ортимга боқиб,
Қарзлари кўп, қарзлари кўп, менда қарзлари...

Ҳолбуки, шаҳд йиғиб билган борки тортиғин,
Ҳолбуки, тун... Журъатсизлик кўзлари катта...
Ҳолбуки, тан беҳолгина... Сўрар ҳордиғин...
Ҳолбуки, мен тургандайман сўнгги бекатда...

***

Сизларга келаман, хоҳ кўнсин хумо,
Хоҳ оқсин шашқатор кўздан ёшларим,
Серибо мажнунтол, бокира хурмо, —
Менинг суйганларим, суҳбатдошларим.

Биринги кир юрак, кир қўлга исён —
Тип-тиниқ, топ-тоза, кўм-кўк, жилвагар.
Биринги мурувват, меҳрдан эҳсон —
Уятчан, ер сари фаввора барглар.

Биринги фидойи, заҳматкаш, саҳий,
Йил бўйи тер тўкиб, тилло тутасиз.
Биринги назокат, ҳаёда доҳий,
Мудом бошни эгиб, зиё тутасиз.

Кўзимда изтироб, кўксимда армон,
Келдим қошингизга, артинг ёшларим,
Серибо мажнунтол, бокира хурмо, —
Дардкашларим менинг, юракдошларим...

***

Улуғ Бек Ойбекка тегиш чорбоғда
Кундузлар — меҳнаткаш. Беором тунлар.
Фидойи юракда, нурли қабоғда
Улкан соғинч тунар, эътиқод тунар...

Соғинч энтикади, соғинч тўлғанар,
Чорбоғ қўйнидаги овлоқ муҳитда.
Эътиқод кунма-кун пишар-улғаяр,
Ва лекин либоси доимо битта.

Бунда "Нечун?.." — деган кескир сўроқнинг
Бургут нигоҳидан нопоклик — изза.
Улуғ Бек Ойбекка тегиш чорбоғнинг
Руҳи мудом баланд, мудом покиза...

***

Деразамни тўлдирибди оқ,
Фариштали бирам ҳаммаёқ.
Севасан-ку, боса қол, кўнгил,
Янги қорга биринчи оёқ.

Афифликка ўралсанг, кўнгил,
Гамни янчиб юролсанг, кўнгил...
Эҳтиромим беадад сенга,
Тож киймаган қиролсан, кўнгил...

***

Ногоҳ юрагимда уйғонди ўкинч,
Изтироб айланди минг сиҳоҳимга.
Ачёр ўзга эди... Ўйламовдим ҳеч
Кўзни силтарман, деб, ҳамтупроғимга.

Истовдим: отиб муз, қувиб таъқибни,
Ҳурлик шабадаси тўлгай боғимга...
Нетай, ёғийларим англаган қалбни
Англата олмадим ҳамтупроғимга...

***

Учқурсан... Учмассан... Биларсан...
Учмассан... Қуларсан... Нетарман?..
Учмаган қалб қули — гулларсан...
Кетарман... Индамай кетарман...

"Ҳеч кимда разолат йўқ..." — дейсан...
"Сўзларга назорат йўқ..." — дейсан...
"Шеъримда тижорат йўқ..." — дейсан...
Кетарман... Индамай кетарман...

Хешмидик? Алвидо хешликка...
Қушмидик? Муддао қушликка,
Эшмидик? - Мен адо эшликка
Қўл силтаб кетарман, кетарман...

"Муддао" деганинг — тилакча,
"Шоҳқўча" деганинг — йўлакча...
Иккимиз бўлакча, бўлакча...
Кетарман, кетарман, кетарман...

Надомат, "аттанг"га кетарман,
Покиза оқ тонгга кетарман,
Ватанда Ватанга кетарман,
Кетарман...

***

Нимадан норози, нимага исён? —
Кўкни тўлдирибди қушлар лашкари.
Титрайди дарахтлар, тўкилар хазон...
Ҳаммада бесарлик, мендан ташқари.

Чумолилар ташлаб мўкин йўлларин,
Буткул пароканда, дайдиб қолибди.
Жунжикиб, кичрайиб полапонларим,
Инларин бегалва жой деб қолибди.

...Шитоб ёмғир ёғар. Ёғарми хатар,
Қайга ғойиб бўлмиш қушлар лашкари?...
Чумоли йўлида халқоп сув ётар...
Ҳаммада кўникиш, мендан ташқари...



Зилола СОБИРОВА

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТ

Мустақиллик шароитида маънавий маданиятнинг барча унсурлари сингари эстетик маданиятнинг ҳам аҳамияти ошиб боради: бозор муносабатларига ўтиш жараёнида кишиларнинг ижтимоий ва шахсий фазилатлари, онглилиги, ижодий фаолиятининг эркин намоён бўлиши учун реал имкониятлар яратилади; кишиларнинг ижодкорлик фаолиятида самарадорлик ортади, ишлаб чиқаришни ташкил этишда шахсий ташаббускорлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик фазилатлари кенг намоён бўлади; ишлаб чиқариш муносабатларининг янада такомиллашуви, жамиятни бошқаришда демократик омилларнинг тараққий этиши кишиларнинг эстетик маданияти такомиллашувига олиб келади; ишлаб чиқариш соҳасида хорижий фирмалар билан қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши, жаҳон илмий-техникавий тараққиёти ютуқларининг Ўзбекистонга кириб келиши, ишлаб чиқаришни янги техника билан қуроллантириш одамларда янгича социал-психологик, профессионал, ахлоқий-эстетик фазилатларни таркиб топтиришни тақозо этади. Жаҳон бозорига маҳсулот олиб чиқиш, ундан ўзига мос ва ўзига хос ўрин эгаллашнинг мезонларидан бири ишлаб чиқариш соҳасида сифат мукаммаллиги ва эстетик барқарорликка эришишдир. Бундай ижтимоий вазифани ҳал этишда эстетик маданиятнинг роли каттадир.

Эстетик маданият инсоннинг маънавий-ҳиссий фаолияти билан боғланган муносабат ва қадриятлар тизимини ифодалайди. Эстетик маданият соҳаси бу – инсоннинг воқеликка нисбатан бўладиган муносабатида ўз-ўзини эркин намоён этишидир. Бу эркинликнинг моҳияти шундаки, инсон предметга унинг ўз жинси ва турига мос меъёрни топа олади ва уни қайта ишлайди, инсоний-лаштиради.

Эстетик фаолият муайян томонлари билан бошқа соҳалардан ажралиб туради. Ишчи ёки олимнинг меҳнати эстетик хусусиятларни ифодалаши мумкин. Бироқ бу ерда эстетик мақсад асосий эмас. Шунингдек, инсон фаолияти ва ҳулқининг жуда кўп ҳодисаларида эстетик мақсад бу ерда нисбатан мустақил бўлади, санъатда бирдан-бир, ягона мақсад амалий ниятларни юзага чиқаришда ёрдамчи ролини бажариши мумкин. Инженер фаолиятида асосий ният – лойиҳанинг мукаммал ва пишиқ бўлиши, олимникида – назариянинг мукаммаллигини таъминлайдиган изчиллик, ишчиникида – меҳнат маҳсулоти сифатини оширишдаги гўзаллик фаолият натижаси ҳисобланади. Санъат соҳасида бу масала бошқачароқ маъно касб этади, яъни эстетик мақсад бу ерда нисбатан мустақил бўлади, санъатда бирон-бир, ягона мақсад гўзаллик ва мукаммалликни яратишдир. Шу сабабли санъат орқали кечадиган фаолият инсонни тарбиялаши, қурашга чорлаши, фикрини уйғотиши, ҳиссиётуйғуларини жонлантириши, қулдириши ёки йиғлатиши мумкин. Демак, эстетик фаолият мутаносиблик (гармония), гўзаллик ва мукаммалликни мақсадга мувофиқ равишда инъикос этиш, билиш ва яратишни билдиради. Шунга кўра, моддий-маънавий қадриятларни яратиш ва инсонни гўзал қилиб шакллантиришга йўналтирилган фаолликни эстетик фаолият деб атаса бўлади.

Йўналиши ва предметига қараб эстетик маданиятнинг ўзагини ташкил этадиган фаолиятни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: предметли муҳитни жиҳозлаш (моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги эстетик фаолият-дизайн; турмуш шароитларини яра



1999 йил – Аёллар йили

ШАФҚАТ ВАҚТИДИР...

Наманган азалдан юксак заковатли, нозик, нафосатли, қайноқ шижоатли шоираю олима, фозилаю моҳира хотин-қизларга маскан бўлган. Айниқса, наманганлик илм соҳибаларининг, фан ноибаларининг изланишлари ва кашфиётлари, тадқиқотлари ҳамда меҳнатлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Э.И.Отахонов номидаги Наманган тиббиёт билим юрти директори, Наманган вилояти ўрта махсус ўқув юртлар директорлар кенгаши раиси, "Олима аёл" республика уюшмасининг Наманган вилояти бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Карима опа Иномова камтар, камсуқум аёллар сирасидан.

Донолар бисотида ажойиб ҳикматли гап бор: "Билганинг дарё бўлса, билмаганинг денгиздир". Бу ҳикмат мағзини чақа билган изланишдан, ўрганишдан чарчамайдиган, ўзига нисбатан талабчан, меҳнатсевар, камтарин инсон Карима опа болалик кезларидаёқ шифокор бўламан дея аҳд қилганди. Шунинг учун ўрта мактабни битирган йилиёқ Андижон Давлат тиббиёт олийгоҳи даволаш куллиётига ўқишга киради ва уни имтиёзли диплом билан тамомлайди.

Карима Иномованинг илмий ишга бўлган иштиёқининг баландлигини ҳисобга олган тақсимот комиссияси уни мазкур олийгоҳнинг физиология кафедрасида илмий тадқиқотчи сифатида олиб қолишга қарор қилади. Ўз устида тинмай изланган учун Каримахон 1971 йили "Меъда ширасининг таркибидаги амилаза ва линаза ферментлари ҳамда уларнинг келиб чиқиши" мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади.

К.Иномова ишининг илмий-амалий аҳамияти шундаки, жуда кўп меъда-ичак хасталикларида ҳазм ширалари таркиби яхши ўрганилмаганлиги туфайли даволаш услубини нотўғри олиб боришга олиб келишининг олдини олиш, даволаш жараёнида турли дори-дармонлар комплексига ферментатив препаратларни ҳам қўшиб, ҳазм жараёнини яхшилашда кенг фойдаланишни назарда тутади.

Олиманинг илмий ишлари рўйхати салмоқли бўлиб, 20 дан зиёд илмий мақолаларни ўз ичига олади. Улар турли илмий тўпламларда чоп этилган.

Бундан ташқари у катта услубчи олима ҳамдир. Бўлажак олий ва ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимларини янада малакали бўлишлари, ўз миллий тилларида чуқурроқ билим олишларига катта эътиборни қаратиб, собиқ иттифоқ дав

тишда бадиий-амалий фаолият; халқ амалий санъати) ва бошқалар; инсонни эстетик жиҳатдан тарбиялаш (халқ эстетикаси, турмуш эстетикаси, табиатга соғлом муносабатни тарбиялаш, миллий маданиятнинг шахс тарбиясидаги роли, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги эстетик фаолият ва ҳ.к.); санъат асарларини яратиш (санъаткорнинг ижодий қобилияти, бадиий тўқиш истъоддоди, хотира қуввати, истъоддоди ва бошқалар).

Ҳар қандай фаолиятда бўлгани сингари эстетик соҳада ҳам муайян эҳтиёж асосий роль ўйнайди.

Эстетик эҳтиёжнинг умумий белгиси шундаки, у инсон фаолиятининг бутун жабҳаларини қамраб олади, улар орқали ўзини намоён қилади. Тор маънода эстетик эҳтиёж воқеликнинг барча қадриятларини эстетик идрок этиш ва баҳолашга зарурият сезиш, инсон фаолияти соҳаларида мукаммалликка қараб интилишдир. Эстетик фаолиятда ҳам шу хусусият мавжуд бўлиб, у ҳар қандай бошқа моддий ва маънавий фаолиятнинг бирор томони, бирор қирраси тарзида юзага чиқади. Ҳар қандай фаолият инсон моҳиятли кучларининг эркин ифодаланиши бўлар экан, демак, у эстетик фаолият даражасига қадар ҳам кўтарилиши мумкин. Шу маънода эстетик фаолият ҳар қандай конкрет фаолиятнинг "инсонийлашув" мезонидир. Бу нарса, табиийки, санъатда устувор ўринда туради.

Юқоридаги фикрлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, жамиятнинг эстетик маданиятини қуйидагилар ташкил этади: табиатни, турмушни, ижтимоий муносабатларни эстетик ўзлаштириш жараёнлари ва натижалари; санъат тараққиётининг даражаси; ижтимоий табақа, гуруҳларнинг эстетик қарашлари, дидлари ва манфаатлари ҳолати; нафосат тарбияси ва амалиёти; кишиларнинг ижтимоий-эстетик фаоллиги даражаси.

Эстетик маданият қадриятларни ўзлаштириш, шахсий ва ижтимоий тажрибанинг ўзаро алоқадорлиги негизида амалга оширилади, унда шахснинг эстетик дунёқараши, қадриятларга танлаб муносабатда бўлиш малакалари, гўзаллик ва мукаммаллик тўғрисидаги тасаввурлари, предметли олам, эстетик қадриятларни идрок этиш шакллари, эстетика, санъатшунослик тўғрисидаги билимлари муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шахснинг эстетик маданияти, шундай қилиб, эстетик қадриятларни ўзлаштириш, уларни яратиш ва истеъмол қилиш усуллари мажмуидан ташкил топади.

Эстетик маданиятда бадиий фаолиятнинг алоҳида ўрни бор. Эстетик маданият билан бадиий маданият ўртасидаги умумийлик ва тафовутлар масаласи ана шундан келиб чиқади.

Бадиий маданият эстетик маданиятнинг ўзаги ҳисобланади, бироқ улар тенг маънодаги тушунчалар эмас. Агар эстетик омил маданиятнинг бошқа турларида аҳамияти жиҳатидан иккинчи даражали маъно касб этса, бадиий маданиятда унинг ўрни устуворлик қилади. Табиийки, инсоннинг моддий-техникавий ёки илмий соҳадаги фаолиятида ҳам эстетик жиҳатлар оз эмас, бироқ бу ерда уларнинг моҳияти эстетик категориялар билан ўлчанмайди. Бадиий маданиятнинг табиати ва моҳиятини эстетик фаолиятни ҳисобга олмай туриб тўғри тушуниб бўлмайди. Бошқача айтганда, эстетик қиммати бўлмаган бадиий асар бадиий маданият ҳодисаси бўла олмайди.

Бадиий маданият (адабиёт, рассомлик, мусиқа ва бошқалар)да эстетик эмас, шу билан бир қаторда диний, гносеологик, ташкилий, ахлоқий эҳтиёжлар ва қобилиятлар ҳам амал қилади. Санъатнинг кўп функция бажариши ва кўп маъно ташиши ана шундан келиб чиқади.

Санъатда эзгулик, адолатлилик, жасурлик каби ахлоқий ғоялар бадиий ифодасини топиб, ахлоқий маданият билан ҳам ўзаро алоқага киради. Ҳақиқий инсонпарвар санъат жамиятнинг ахлоқий муаммоларини ёритиш билан чекланмайди, шу билан бирга уларни ўзига хослик билан ўқувчи ёки томошабинга етказади, санъат истеъмолчиларининг маънавий эҳтиёжларини қондиради. Бугина эмас, инсонни янада юксак ахлоқий хатти-ҳаракатлар кўрсатишга даъват этиб, ташкилий маданият функциясини ҳам бажаради. Кўпгина бадиий асарларнинг махсус равишда кишиларни тарбиялашга мўлжаллаб ёзилганлиги, уларнинг ижтимоий-ташкилий уюшқоқликка даъват этиши маълум. Хуллас эстетик маданият ва бадиий маданият ўзаро бир-бири билан боғланган, ана шу асосда жамият ҳаётида муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилади.

ридаёқ ўзбек гуруҳларида таҳсил олаётган маҳаллий миллат қизларининг рус кўлланмаларидан фойдаланишларидаги қийинчиликларни ҳис қилган ҳолда 1984 йилда "Физиология", 1992 йилда "Эпидемиология" кўлланмаларини ўзбек тилига ўгирган эди. 1993 йилда тиббиёт олийгоҳлари ва билим юртлари талабалари учун ўзбек тилида "Физиологик терминлар луғати" ва 1994 йилда "Реанимация" фани бўйича ўзбек тилида кўлланма китоби чоп этилди. Олима шу кунларда ҳам тиббиёт дарсликларини ўзбек тилига ўгиришда катта ишларни олиб бормоқда. Карима опа билим юрти талабаларига физиология фанидан дарс беради. Ушбу даргоҳда 2 минг талаба бўлса, шуларнинг 95 фоизи қизлар. Карима опа баъзан уларни раҳбар бўлиб урушса, баъзан она сифатида насиҳат қилади. У ўқитган талабалари ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб етишувига интилади.

К.Иномова нафақат раҳбар, олима, ҳакима, мураббий, услубчи педагог, балки жамоатчилик фаолияти билан ҳам таниқлидир. У кўп йиллардан буён вилоятдаги ўрта махсус ўқув юртлари директорлари кенгашини, "Олима аёл" республика уюшмаси Наманган вилояти бўлимини, Фарғона водийсидаги тиббиёт билим юртлари регионал кенгашини бошқариб келмоқда.

– Карима опа, аёл энг буюк зот деган экан алломалардан бири, – дея суҳбатга чорлаймиз олимани. – Ўзининг меҳнати, изланишлари билан жамиятни юксалтирган, хўжалик ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида эркаклар билан баб-баробар тер тўкиб ном қозонаётган ҳам Аёл. Аёл ҳақида ўйлаганингизда кўпроқ нималар хаёлингиздан кечади?

– Назаримда, Аёлда хоҳиш-истак бўлса, жуда кўп нарсага қодир. Агар рухсат берсангиз бир ривоятни сўзлаб берсам.

Ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳиссаломнинг асрида бир йигит бор эди. Маст бўлиб, онасини бир шапалоқ урди. Онаси йиғлаб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига борди ва деди:

– Ё расулуллоҳ, ўғлим менга шундай азоб берди!

Ўғли маст бўлиб, ухлаб қолган эди. Бирор соатдан кейин уйғониб, ўзига келди. Унга: "Мастликда онангга шундай азоб бердинг!" дедилар. Йигит бу сўзни эшитиб, пичоқ билан ўз қўлини кесди ва бандидан жудо қилди. Бир қўлига пичоқ олиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларига борди. Онанинг назари ўғлига тушиб, кесилган қўлини кўргач, ўз оғриғини унутиб, ўғлининг оёғига йиқилди ва деди:

– Эй, жигаримнинг пораси, вой кўзимнинг равшани, қўлингни ким кесди?

Ўғли онасининг оёғига бош қўйиб:

– Эй она, мен қўлимни сенга беодоблик қилганим учун кесдим, – деди.

Онаси бу сўзни эшитиб, унга раҳми ва меҳри келиб, қучоғига олди ва юзини юзига қўйиб, йиғлай бошлади. Пайғамбар алайҳиссалом буни кўриб, хаёлга чўмдилар. Шу пайт Жаброил алайҳиссалом шундай ваҳий олиб келди:

– Ё Муҳаммад, шафқат вақтидир, сен булар учун дуо қил, мен уларнинг гуноҳидан ўтдим.

Пайғамбар алайҳиссалом йигитга:

– Қўлингни банди-бандига қўй! – дедилар.

Йигит банди-бандига қўйган эди, Пайғамбар алайҳиссалом дуо қилдилар. Шу онда унинг қўли асл ҳолига келди.

Эй одам агар мўъмин бўлсанг, ота-онангни рози қил, то дўзах оловидан халос бўлгайсан!

Кўрдингизми, она минг қилсаям она, у ўз фарзандини ҳар доим кечиради. Шунинг учун ҳам мен аёлларга таъзим айлаб тасаннолар ўқийман! Улар борки, олам нурафшон! Улар борки, келажак давом этгуси!

Тўғрисини айтганда, Карима опа яшайдиган хонадоннинг барча аъзолари шифокорлар десак янглишмаган бўламиз. Унинг турмуш ўртоғи Рустамжон Назаралиев жарроҳ бўлиб "Тез ёрдам"нинг куйганлар бўлимида ишлаганлар, айни кунда нафақада, қизи Гулбаҳор – окулист, куёви Жамшидбек – терапевт. Фақат ўғли Илҳомгина шифокор эмас, у Давлат ва жамият қурилиши академиясида аспиранти.

Ҳамон ўз устида изланаётган, меҳнатни шараф деб билган Карима опага келгуси ишларида муваффақиятлар ёр бўлсин!

МОҲИНУР



Хушовоз хонанда Санобархон КАРИМОВА

Дилбар МАҲМУДОВА

Санобарнинг бахти

Бунга қирқ йилдан ошди. Биз университетнинг журналистика бўлими талабаларини Бўканинг Мичурин номли колхозига пахта йиғим-теримига олиб боришган эди. Колхозда икки ойларча қолиб кетдик. Эрталаб, қуёш чиқмасдан пахта даласига отланар, кеч кириб қоронғу тушгандагина ётоқхонамизга қайтиб келардик. Эртасига яна шу ҳаёт такрорланаверарди. Шу зайлда чамаси бир ҳафталар ўтгач, ниманидир қўмсаётгандек, нимадир етишмаётгандек туюлди. Бу радио эди. Аниқроғи, ундан ҳар куни эшитадиган куй-қўшиқлар соғинчи, ҳумори эди. На яшаётган хонадонимизда, на дала шийпонида ва на колхоз идорасида радиокарнай бор. Назаримда куй-қўшиқсиз дунё дунёга ўхшамас, у бўм-бўш, нурсиз, жилвасиз эди. Кунлар ўтган сайин бу ҳолат кучайса кучайдики... Қўшиқсиз тунлар нақ ойсиз осмонга, қуёшсиз кунларга ўхшар, улар ғамгин, зерикарли ўтаётгандек бўларди. Очиғини айтганда бу жилвасиз онлардан бизни китоб, ёшлик жўшқинликлари, дугоналар гурунги, муҳаббат лаҳзалари чалғитиб, қутқариб тургандек эди. Аслида қўшиқнинг, оҳанграбо куйнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмас эди. Тошкентга қайтиб, уйга кириб келишим билан радио қулоғини бураганим ҳамон эсимда:

Эй нозанин ишқинг билан девонаман,
Оқшомлари уйқум келмай тўлғонаман...

Жўрахон Султоновнинг бу дилрабо овозидан нақ қор тагида узоқ ухлаб қолган чучмомалар, бинафшалар баҳор янглиғ ноз уйқусидан уйғонган мисол қалбимга нур, қувонч мўралагандай бўлди. Кўзларим севинч ёшларига тўлди... Кейинроқ бобомиз буюк Форобий ўзининг мусиқа назарияси китобига сўнгги нуқта қўяётиб: "Ё, алҳазар! Эй, мусиқа олами! Сен бўлмаганингда олам аҳволи не кечар экан!.." деган сўзларини такрор-такрор ўқиганимда бундай кечинмалар бизгача ҳам бўлгани, биздан кейин ҳам бўлиши, умуман, бу инсон табиатига хос туйғу эканини англадим. Мусиқасиз ҳаёт – ҳаёт эмас. У руҳимиз озуқи, у қалбимиз, кўнглимиз малҳами экан. Тўй-томошаларимизни, турли маросимларимизни мусиқасиз, хонандасиз тасаввур эта олмаслигимиз боиси ҳам шунда экан. Чилдирмачи бир дам тўхтаб, доирасини қиздирмоқчи бўлса, торчи торини созласа нега жимжитлик дегандек аланг-жаланг бўлиб қоламиз. Куй-қўшиқ бошланди, дегунча яна кўнгиллар хотиржам бўлади, улфатимиз билан чақ-чақлашишда давом этамиз. Куй-қўшиқлар гўё қонимизга қўшилиб вужудимиз узра оқаётгандек сел бўламиз, сел...

Мен бунда миллий мусиқаларимиз, мумтоз қўшиқларимизни кўзда тутаяпман. Қалбида миллий ифтихори бор ҳар бир инсон кўнглидан ўтадиган туйғулар ҳақида ўйлаётибман. Чет эллардаги ватандошларимизнинг ўзбек мумтоз ашулалари, мусиқалари ёзилган кассеталарга ишқибозликларини ёки уларнинг ижрочилари хорижга боргудек бўлишса, уларни эшитиш учун қай-қаёқлардан етиб келадиган ўзбек муҳожирларини тушунгандек бўламан. Ва шукур қиламанки, биз мумтоз қўшиқчиларимизни излаб юрмаймиз. Улар кўз олдимизда, улар ёнимизда. Ўтиб кетганларини бўлса вақти-вақти билан овозларини эшиттириб, кўр

сатиб туришади. Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Юнус Ражабийларни эшитганимизда бир бўй ўсамиз. Бизнинг авлод Ҳалимахоним, Саодатхоним, Берта Давидова, Ҳабиба Охунова, Фахриддин Умаров, Шерали Жўраев, Таваккал Қодировларни эшитиб, қониб-қониб эшитиб вояга етди. Халқимиз бошидан кўп воқеаларни ўтказди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам ўз санъатидан, хусусан, миллий куй-қўшиқларидан бир дақиқа ҳам аҳралиб қолмади. У доимо жон озиғи тарзида ардоқлаб келинди. Ҳаттоки, энг ёш миллий ансамбллардан бўлган "Дуторчилар" дастасининг ҳар бир ижрочиси санъатида мумтоз куй-қўшиқларимиз тарихи, нафосатини туйгандек бўламан. Бу ёш қалбларда мумтоз қўшиқларимиз бутун бўйбасти билан жилваланаётганидан фахрланади одам.

– Бунда устозимиз Ғанижон ота Тошматовнинг хизматлари катта, – дейди суҳбатдошим Санобархон Каримова. – Улар шогирдларига ниҳоятда талабчан эдилар. Куйларни маромига келтириб, миллий уфорини йўқотмасдан ижро этишни талаб қилардилар. Бузиб чалинган куй, бузиб ижро этилган қўшиқ уларнинг кайфиятига ёмон таъсир қиларди.

– Бундай талабчан устоз билан ишлаш осон кечмагандир...

– Осон бўлмаган. Лекин мароқ билан ишлаганмиз, – дейди Санобархон. – Устоз хазина эдилар. Уларнинг ҳар бир сўзлари қулоғимизда қолган: бўлар-бўлмас ашула билан эмас, эсда қоладиган қўшиқ билан танилмоқ керак, дея насиҳат қилардилар бизга. Бу ашула айтаётган ким экан, дея тингловчи сизга қизиқсин. Қўшиғингиз ёзилган ликопчаларни қидириб юрсин...

– Шахсан сизнинг ижодингизга устознинг таъсири қандай бўлган?

– Бир куни қўшиқ айтишни машқ қилаётгандим "тўхта, тўхта қизим..." деб қолдилар устоз. Сен ногирон одамга қараб қўшиқ айтаётганга ўхшайсан... Соғлом, чиройли одамга қўшиқ айтиб бераётгандек ўзингни бардам тут, дедилар. Очиғини айтсам, устоз менга кўп танбеҳ берардилар. Ҳатто аразлаб, ансамблдан кетаман, деган пайтларим ҳам бўлган.

– Афсус, – дедилар вазмин сукунатга чўкиб домла. – Лекин барибир қайтиб келасан... Мен сизларни дастага қидириб-қидириб, чертиб-чертиб олганман. Сенларнинг танглайларинг қўшиқ билан кўтарилган... Буни қадрига етинглар, меҳнатдан қочманглар....

Санобархон Каримова ансамблдан кетмади. Кетмоқчи ҳам эмасди. Бу шунчалик бир эркалик эди, холос. Аслида у дугоналарисиз, куй-қўшиқсиз бирор кунини тасаввур ҳам эта олмасди. Бу пайтга келиб "Дуторчилар" дастасининг довруғи ёйилган эди. Вилоятлардан уларга таклифлар тушар, улар концерт бериб улгуришолмасди... Санобархоннинг ҳеч эсидан чиқмайди, даста вакиллари Қашқадарёга ҳосил байрамида концерт бериш учун етиб боришди. Уларни қий далага, тўртта юк машинасидан саҳна қилиб, устига соябон тутилган жойга таклиф қилишди. Ёмғир қор аралаш бўралаб турибди. Тумонат одам йиғилган.

Ғанижон ота ҳаяжонда. Қизлардан бири илҳом билан куйлай бошлади. Қўшиқ тугар-тугамас ғижжакнинг тори узилиб кетди. Энди нима қилиш керак? Ғижжак иккита бўлса эканки, бирини тузатгунча иккинчисини чалиб туришса... Санобар кўрдики, отанинг кайфияти тушиб кетди. Шундоғам, қизларни бу ерга тўплаб келишнинг ўзи бўлмаган. Даста иштирокчиларининг бири касал, бошқаси ҳомиладор, яна бири кечагина турмуш қурган... Битта чилдирма-ю, битта ғижжак... У ҳам... Санобар оғир вазиятдан чиқиш йўлларини излай бошлади. Кучи ўзига етди. Торни созлашгунча қизидирилган чилдирмани уриб, халқ термаларини, лапарларини бир-бирига улаб айтаверди, айтаверди. Бўлди қарсак, бўлди қарсак... Хонандани саҳнадан туширишмас, уни яна ва яна эшитишни хоҳлашарди. Ёш хонанданинг илҳоми жўшиб, ўзини қўшиқдан тўхтатолмасди. У халқ олдида бунчалик яйраб, қониб куйлаган эмасди. Ўша куни у яна бир муҳим нарсани ўзига кашф этди: халқ мумтоз қўшиқларни ниҳоятда яхши кўрар, қайта-қайта эшитишдан роҳатланар ва бир бўй ўсаркан. Ғанижон ота Тошматов ҳам ўзида йўқ шод бўлди. "Балли, қизим, раҳмат" дедилар. Бундан Санобарнинг боши осмонга етди. Янги қўшиқлар, куйлар устида ишлай бошлади. У Жўрахон Султонов ижро этган "Савти сувора"ни ўрганиш иштирокида уйда ҳам, ишда ҳам уни хиргойи қилиб юрарди. Энди қўшиқ устида қатиқ ишлай бошлади. У ёғини сўрасангиз бу қўшиқни Ғанижон Тошматовнинг ўзи ижро этганлар... Бирор қўшиқни устоз талаби даражасига етказиш, уларга ёқтириш... Ниҳоят, Санобар устозига бу ҳақда оғиз очди:

– Қани, қани, бир эшитайлиқчи, – деди устоз хурсанд бўлиб.

Санобар "Савти сувора"ни бошлаб юборди. Ғанижон ота уни сел бўлиб эшитди, сел бўлиб... Қўшиқ ўша куниёқ ёзиб олинди ва "Олтин фонд"га киритилди.

Ёш хонанда қалбини энди Фузулийнинг "Этмасмидим" шеъридаги олтин мисралар забт эта бошлади:

Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр
этмасмидим?
Ихтиёр ўлсайди роҳат ихтиёр
этмасмидим?
Лаҳза-лаҳза сувратин кўрсайдим
ул ширин лабинг,
Сен каби эй Бестун, мен ҳам қарор
этмасмидим?

Бу қўшиқни Саодат Қобулова даражасида маромига етказиб ижро этган хонанда йўқ. Қизиқ, нуқул катта ижрочилар куйлаган қўшиқларни ўргангим келаверади, деб ўйлади Санобар ва бундан хижолат тортарди.

– Аксинча, бу жуда яхши хислат, – деди устози унга далда бериб. – Осилсанг баланд дорга осилгин, деган гап бор-у, – ҳазил аралаш қулиб қўярди. Устоз билан шогирд ўртасидаги ижобий мулоқотлар шу зайлда давом этаверди. Санобархон ижросидаги "Этмасмидим" қўшиғи бадиий кенгаш томонидан қизғин кутиб олинди. Ёш ижодкорнинг репертуари "Ёввойи ушоқ", "Гулжамол", "Хумо", "Санамо" қўшиқлари, янгидан-янги халқ термалари, ёр-ёрлари билан бойиб бораверди. Санобархон Каримова дилбар овози ва юксак ижроси билан мухлислар орттира бошлади.

– Мана буни тинмай изланиш ва изчил меҳнатнинг самараси дейдилар, – деди устоз бир куни. – Ёмон бўлмаяпсан. Шу зайлда ишлайвер... Тўғри, мен сенга бироз қаттиққўллик қилдим... Биласанми, нега?!

– Нега? – деди Санобар ҳайрон бўлиб.

– Негаки, сен буванг Жўрахон Султоновга муносиб набира бўлгин, дейман. У ёғини сўрасанг сенинг буванг менинг устозим бўлганлар. Кўраяпсанми, сенинг олдингда мен икки бора қарздорман. Ҳам устозлик, ҳам шогирдлик масъулиятим бор. Насиҳатим шуки, минг'та одамнинг орасига кирганингда ҳам санъаткорлигинг эсингдан чиқмасин. Ўз аксингни кўзгуда кўргандек кўриб тур. Кеккайма, изланишдан тўхтама, тўхтаган кунинг ижодинг ҳам сўнади... Энг муҳими, саҳнага – томошабин рўпарасига ёлғиз ўзинг чиқасан. Халқ кўзида ўзинг учун ўзинг жавоб берасан. Бу пайтда ҳеч ким жонингга оро кирмайди... Фақат олган билиминг, меҳнатинг, ўз талантинггина сени қўллайди.

– Устознинг олтинга тенг панд-насиҳатлари ҳамон бизга ижод мактаби бўлиб хизмат қилмоқда, – дейди Санобархон. – Ғанижон ота устозлари бўлмиш Жўрахон дадам, Юсуфжон қизиқни бир кунда уч, тўрт маротаба эслар эдилар. Баъзида уларни соғиниб кўзлари ёшланиб қоларди. Устоз бизга катта хазина қолдириб кетганлар. Бу – "Дуторчилар" дастаси. Уни оёққа қўйиш, ўз йўлини, ўз мақомини олиш осон кечмаган. Энг муҳими, даста халқимиз эътиборида. Вазифамиз ана шу эътибордан тушиб қолмаслик...

Санобархон ўз устози ҳақида тўлиб-тошиб сўзлайди. Ғанижон ота қизларга нафақат ижод бўйича, балки ҳаётда ҳам устоз бўлгани ҳақида меҳр билан гапириб берди:

– Қизларнинг кийиниши, одоб-ахлоқи ҳам домланинг эътиборидан четда қолмасди. Машқлар давомида кимки фаоллик кўрсатмаса устоз унинг ҳол-аҳволи, уй шароитлари билан қизиқа бошлар ва бунинг сабабини аниқлаб олардилар. Кимни кўйлагининг этаги сўкилган, кимни туфлисининг пошнаси қийшайган, ҳамма-ҳаммаси устознинг эътиборида бўларди. Кўпчилигимиз вилоятлардан келганмиз. Уй-жойдан қийналган пайтларимизда устоз ўз бағриларига олдилар. Ғанижон ота билан Ҳафизахон аянинг туз-ғонларини кўп еганмиз, бағри кенг хонадонда ойлаб яшаганмиз, улардан мурувват кўрганмиз. Дугонам Замирахон Раҳматуллаева устозга бағишлаб "Хотира" куйини яратди. Даста ҳар бир аъзосининг устоз хотирасига бағишланган ана шундай туҳфаси бўлиши керак.

– Санобархон, "Сайри гулзор ўлмаса" қўшиғини жуда бошқача ижро этасиз-да...

– Ҳабибий сўзи билан айтиладиган бу қўшиқни ҳам биринчи бўлиб Жўрахон дадам ижро этганлар. Қўшиққа менинг ҳам меҳрим тушиб қолди. Уни узоқ вақт хиргойи қилиб, қалбимда пишитиб юрганман. Охири қўшиқ етилгандай туюлди. Шунда бадиий жамоалар кенгаши директори Бозорбой ака Сафаровнинг олдига кириб, столини бақ-бақ, бум-бум дегандек чертиб-чертиб қўшиқни бошлаб юборганимни ўзим ҳам билмай қолибман.

Сайри гулзор истамам, ул сарви раъно
бўлмаса.

Базми суҳбат гулламас, то суҳбат оро бўлмаса.

Ишқи завқин ким билур, бир гулга шайдо бўлмаса,
Ё муҳаббат бодасидин, кайфи сахбо бўлмаса.

Ишқ аро лоф урмасун, бошида савдо бўлмаса...

Қўшиқдан Бозорбой ака ҳам илҳомланиб, менга жўр бўла бошлади. Икковимиз жўшиб куйладик. Бу менга қувват берди. Ўзимга ишончим ортди. Бир-икки машқдан сўнг, уни ҳам "Олтин фонд"га ёзиб олишди.

– Аксарият қўшиқларингиз муҳаббат хусусида, бунинг боиси нимада?

– Муҳаббатдан бошланур ҳаёт, деган гап бор. Муҳаббатсиз юрак йўқ. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Фахриддин Умаров концерт бераётганди, олдинги қаторда ўтирган мункиллаб қолган бир кампир ўрнидан туриб, хонандадан "Биринчи муҳаббат "қўшиғини ижро этиб беришини сўради. Кўряпсизки, муҳаббат ёш танламас экан. Муҳаббат қўшиқлари ёшларга бугундан ҳикоя қилса, кексаларга ўтган муҳаббатли умрини эслатади... Ансамблимиздаги аксарият қўшиқлар ҳам лирик мавзуда. Ҳурматой билан Мунирахонга "Ўлдирса, мени ёр ўлдурсин" деган қўшиқни ўргатдим. Дугоналарим бадиий кенгашдан муваффақиятли ўтдилар. Дастамиз аъзоларидан Мунаввара, Қурсия, Муҳаббатхон ва мен ҳамқорликда Жўрахон дадам ижро этган "Гулизорим қани" қўшиғини машқ этаяпмиз. Мени ана шундай умри боқий, муҳаббат қўшиқлари доимо ҳаяжонга солади.

– Жўрахон бувангизни эслай оласизми?

– Улар ҳаётдан ўтганларида мен жуда ёш эканман. Бобомни онам ва холамнинг гапларидан кўз олдимга келтира оламан. "Отамнинг хаёли ҳамма вақт қўшиқ билан банд эди", дея эслайдилар онам. Бобомнинг чўнтакларида доимо байт ёзилган қоғоз бўларкан. Биров билан гаплашиб туриб ҳам баъзида қоғозга қараб олиб, хиргойи қиларканлар. Шу кўйи қўшиқни пишитиб юрарканлар. Холамнинг ҳикоя қилишларича бобом ижро этган "Оҳ ким" катта ашуласи узоқ вақт ўз тингловчисини кутиб ётган. Уни Оллоҳга сиғиниш деб таъқиқлаб қўйишган экан. Бобом форс, араб матнларини бемалол ўқиганлар, маъносини тушунганлар. Мумтоз шоирларнинг шеърларини ёд билганлар. Бобомнинг отаси ҳам ниҳоятда билимдон одам бўлган эканлар.

– Агар Жўрахон дадамнинг ўзлари бир дунё бўлсалар, онам билан холамлар ҳам ўзига яраша.., – дейди Санобархон жилмайиб.

– Холам Оминахон Султонова, айниқса, санъатга яқинлар. Адабиётни яхши кўрадилар. Халқ лапарларини айтганларида оғзингиз очилиб қолади. Холам Тамарахоним билан биринчи бор Шоҳимардонда учрашишган экан. Ўшанда холам қуйидаги лапарни куйлаган эканлар:

Шоҳимардон тоғида эримайди қор,
эримайди қор,
Орқасидан чақирсам қарамайди ёр,
қарамайди ёр.
Қарамаса қарамасин на парвойим бор,
Ёшлигимда севишган вафодорим бор.

Лапар Тамарахонимга ёқиб қолибди. Ёзиб олибди. Шу-шу бу лапар санъаткорнинг энг машҳур ашулаларидан бирига айланиб кетган экан.

Ҳой-ҳой ўлан, жон ўлан,
Тўйга етказ ёр-ёр.
Юракдаги ғуборимни,
Ўзинг кетказ ёр-ёр,–

деб бошланадиган лапарни ҳам биринчи бор холамдан эшитганман. Шу-шу уни севиб ижро этаман. Марғилонга қачон бормайин хола-жиян бир-биримизга жўр бўлиб, куйлашамиз. Холам мўътабар саксон ёшга борсалар ҳам овозлари қўнғироқдай...

– Қандай қўшиқ устида ишлаяпсиз?

– Она ҳақида бир қўшиқ куйлагим бор. У мунгли бўлмаса, хотира бўлмаса, дейман. Балки қарсиллаган бир қўшиқ бўлсинки, бугунги ҳазрати аёл, она қиёфаси бутун гўзаллиги билан намоён бўлса... Биз – ёшлар оналар олдида қарздормиз. Менинг санъаткор бўлиб етишишимда онамнинг ҳиссалари кўп. "Марҳабо талантлар", турли кўрик-танловларда менинг чиқишим бўлса Марғилондан Тошкентга бошлашиб келардилар. Мен ашула айтаётганимда онам сахна орқасида дуо ўқиб турардилар. Худодан бойлик сўрамайман, онамнинг умрини, соғлиғини сўрайман...

– Кимга ўхшатингиз келади?

– Бу ҳақда бирор нарса дейиш қийин. Чунки суягимиз қотиб улгурди. Қариндошуруғларимиз мени кўпроқ онамга ўхшатишади. Агар онам билан холамга ўхшасам ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис этардим. Наинки, улар жуда ажойиб одамлар. Жўрахон дадамнинг камбағалпарварлиги, одамохунлиги, миллатпарварлиги ҳақида бизларга кўп ҳикоялар қилиб беришади. Аслида уларнинг ўзлари ҳам бувамдан қолишишмайди. Одамларни жуда яхши кўришади. Бир пиёла чойни меҳмонсиз ичишмайди. Марғилонга борсам ҳар жиҳатдан яйраб, кўнглим тоғдек кўтарилиб қайтаман. Қариндошларимиз, қадрдонларим, дугоналарим етти чақиримдан бўлса ҳам менга йўқлаб келишади. Ҳали униси, ҳали буниси меҳмонга таклиф қилишади. Мени боришимга тўйларини бошлаб юборадиганлари ҳам бўлиб туради...

– Холис хизмат қилганмисиз?!

– Марғилонга борганимда Увайсий номли кинотеатрда бир кунда икки марта хайрия концертлари берган пайтларим бўлган...

Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир куни бир аёл ўғлининг никоҳ тўйида хизмат қилиб беришимизни илтимос қилиб келди. Уйига бордик. Чорсуда тураркан. Турар-турмуши бир ҳол. Эри ҳаётдан ўтган экан. Бир уй бола. Қайнилари катта ҳовлини бўлиб олишибди. Унга товуқнинг катагидек ҳовли сахни қолибди... Амакилар тўйда қатнашишмади ҳам... Тўйни шунақаям қизитдикки... Ўртага тушган пулларни қийиқчага тугдимда чалғувчи укаларимнинг ризолиги билан "Биздан сизга тўёна" деб тўй эгасига бердим. У йиғлаб юборди. Шу-шу ўша аёл билан опа-сингил бўлиб кетганмиз. Болаларининг ҳамма тўйларида баҳоли қудрат хизмат қилиб берганман. Санъаткор ҳаётида бунақа воқеалар кўп бўлиб туради.

– Сиз кўпроқ нималардан таъсирланасиз?

– Санъаткор ҳам ҳамма одамлар сингари яхши гапдан кўнгли яйрайди, ёмонликдан чўчиб қолади. Ёмон қўшиқ эшитган куним кеч ўзимга келолмай юраман...

– "Ёмон" деганда қандай қўшиқларни кўзда тутаяпсиз?

– Тутантириқсиз қўшиқларни... Тандиргами ёки ўчоққа қанча ўтин қаламанг, агар унга тутантириқ қўйиб ёқмасангиз ёнмайди... Қўшиқчилигимиздаги тутантириқ бу миллий, мумтоз санъатимиздир. У сув ичиб турадиган қудуғимиз. Олтин сандиғимиз. Ҳар қанақа қўшиқ шу тутантириқдан озиқланмоғи керак, деб ўйлайман. На сўзи ва на мусиқасининг тайин-тутантириги бор, ижрочиси ҳам шунга яраша қўшиқларни эшитганимда заминдан узилиб, ҳеч кимсасиз сахрою кабирда адашиб юрган одамдай ўзимни ёлғиз ҳис эта бошлайман. Халқимдан, тилимдан, миллатимдан ажралиб қолгандай бўламан. Шундай кезларда Жўрахон дадам кўз олдимга келаверадилар. Кўзимга нақ Ҳизр бувам сиймосида кўринаверадилар. Узун-узун соқолларининг бир учи тоғларгамиев, яна бир учи қир-адиру водийларгамиев чўзилиб бориб, уларга туташиб кетгандай бўлади. Бу нуроний соч толаларининг ҳар учи яна дутор, чанг, торларга чирмашиб, юрагимнинг қон томирларига ашула бўлиб қуйилаверади.

– Нималар билан фахрланасиз?

– Аввало Жўрахон Султоновнинг набираси, Ғанижон ота Тошматовдек устознинг шогирди бўлганимдан бошим осмонда. Санъатсевар халқим билан фахрланаман. Ўзи гул, овози гул "Дуторчилар" дастаси билан ғурурланаман...

Биз ҳам Санобархон, сиздек ўктам хонандамиз билан фахрланамиз. Бахтингиз бор эканки, сиз Ўрта Осиё минтақасида ягона қўшиқчи аёллар ансамбли ҳисобланган "Дуторчилар" дастасининг етакчи хонандаларидан бирига айландингиз. Ансамбль ташкил топган йигирма йил мобайнида унинг ижрочилари неча бор ўзгарди, янгиланди, яшарди. Бахтингиз бор эканки, сиз дастанинг доимий, садоқатли аъзоларидан бири бўлиб, доимо ёниб куйламоқдасиз. Бу давр мобайнида даста аъзолари мингдан ортиқ қўшиқни ижро этдилар. Демак, сизнинг кўнгил тахтингизда ҳам шунча қўшиқ ўрин олди. Якка ижро этганларингиз қанча, чилдирмада жўр бўлганларингиз қанча...

Сизни бир эшитган, яна бир эшитсам дейди, сизни соғинади, сизни кўмсайди...





ОНАМГА

Босган изларингиз айласам тавоф,
Фарзандлик бурчларим бўлурми адо.
Ишқида ризо, ҳам кўзлари шаффоф,
Кезсам-да етмас умр бўлубон гадо.
Онажоним маҳзун кўзларингиздан,
Абадий қувончни топгум келади.
Меҳрга қонган бу юзларингиздан,
Абад ишқ самарин тотгум келади.
Сиз учун жонимни айлардим фидо,
Бахш этиб бўлганда умр махзанин.
Не қилсам кулгуси намли кўзингиз,
Не қилсам ёриттум фалагингизни.
Балки мен дунёда қувонч беролмам,
Балки мен ўйларман фақат ўзимни.
Балки мен сиз учун бахтлар теролмам,
Бўлурсиз-қувончли кўрмоқ кўзимни.
Онажон! Агар сиз менинг бахтимдан,
Бахт топсангизгина мен бахтли бўлгум.
Сиз шодлик топсангиз тожу-тахтимдан,
Бу бахтим татигай, ўйнагум, кулгум?
Мана мен-ризонгиз ошиқи Наргиз,
Тоабад майсалай эгилгум Сизга
Тангридан сўрагум, тирикман ҳаргиз,
Раҳматин бахш этсин йўлларингизга.

СУЮКЛИГИМ

Сувратингиз кўзларимга сурайинми,
Ёлғиз бошни азобларга уройинми,
Сизни энди самолардан сўройинми,
Суюклигим, суйиб-суйиб кетдингиз-ку.
Олдда энди азобларга ёр бу кўнгил,
Сизсиз ҳатто ўзига ҳам дор бу кўнгил.
Соғинч ичра қон ютади хор бу кўнгил,
Суюклигим, суйиб-суйиб кетдингиз-ку.
Сизим учун рози бўлдим азобларга,
Бегоналар бўлдим роҳату хобларга
Севгим ила қалқон бўлдим ул зарбларга,
Суюклигим, суйиб-суйиб кетдингиз-ку.
Наргис гулин тутқизойин қўлингизга,
Нурлар бўлсин музлим-музлим йўлингизга.
Оби ҳаёт бахш айласин чўлингизга,
Суюклигим, суйиб-суйиб кетдингиз-ку!

СИЗСИЗ

Оҳ қанчалар ғофил эдим, азизим, сизсиз,
Ва ишқимнинг боғчасида кезардим гумроҳ
Оқар эдим ёлғизликдан тўфонсиз, селсиз,
Чекар эдим-қайдасан – деб ишқим чун кўп оҳ
Мен ўшанда митти эдим, юрагим ҳиссиз,
Ўз ишқимни ўйлар эдим, ўзлан яшириб.
Кетар эди хаёлимда шаҳзодам изсиз,
Ва юрардим азобимни кўздан тошириб.
Сиз келдингиз, қалбим яна янги гул каби,
Ғунча очди, хаёллар-ла яшагум ҳаргиз
Фақат сиз чун асрагайман ўзни ҳур каби,
Сизсиз энди яшолмагай маҳбуба Наргиз.

АЗИЗИМ...

Азизим
Дунёда сиз бор учун яшайман.
Чунки...
Сиз менинг ҳақ йўлида
Ҳақдан топганим,
Сиз менинг ишқ чўлида
Излаб топганим -
Маҳбубимсиз!
Кечалар...
Кўринар бир нурли сиймо,
Биламан...
Бу – сизсиз!
Тонгда уйғонаман...
Бир ўзим – сизсиз
Лекин, умид ила, кўз тикаман
Йўлларингизга!
Бир кун сувлар қуяман
Қўлларингизга!
Лек, ҳозир ҳам мен билансиз
Тушларимда!
Ёдимдасиз, йўқ бўлсам-да
Ҳушларимда!

❁❁❁

Ошиқо, кўнгул розингни ҳар дам вафо аҳлига айт,
Аламларда дардкашингу, ҳар дам шифо аҳлига айт.
Собир ўлмак умидийла сабринг адо аҳлига айт,
Ишқ йўлинда гадолиғни ошиқ гадо аҳлига айт.

❁❁❁

Дил дардларим ҳалдин ошди, Ё раб манга сирдош берғил,
Бу фонийи қийноқларда ёрим манга бардош берғил.
Ўшал санинг дўстинг-дўстим, суюклигинг-суюклигим,
Қувончимдан қувонгувчи, дардларимга дарддош берғил.

Мустақиллик ва ганчкорлик санъати

Ганчкорлик қадимий санъат турларидан бўлиб, айниқса, ўзига хос бадиийлиги, композицияси ва ишланиш услуби билан фарқ қилади. Бир неча асрлар илгари ишланган ганчкорлик намуналари ҳозир ҳам кўпгина меъморий обидаларга гўзаллик бахш этиб турибди.

Мустақиллик туфайли аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо маънавий бойликлар хазинасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, келажак авлодларга етказишнинг кенг имкониятлари яратилди. Ўзбекистон Бадиий Академияси, ҳунармандчилик лицейлари, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти, Республика рассомлик коллежида ганчкорлик бўлимлари очилди.

Бу ўзгаришлар ганчкорлик санъатининг ривожланишига салмоқли таъсир этди. Қурилаётган барча миллий меъморчиликда ганч ўймакорлик ишлари бажарилмоқда. Чунончи "Туркистон" саройи (1992), Хорижий меҳмонларни қабул қилиш уйи (1993), Амир Темур музейи (1996), Олий Мажлис (1997), Тошкент ҳокимиятининг биноси (1997), Имом ал-Бухорий мақбара мажмуаси шулар жумласидандир.

1997 йил Ўзбекистон Бадиий Академиясига Маҳмуд Усмонов фахрий аъзоликка қабул қилинди.


Ганчкорликнинг ривожланишига ганч ўймакорларидан А.Султонов, Ҳ.Абдуллаев, З.Юсупов, У.Тоҳиров, А.Пўлатов, М.Муродов, А.Каримов, Х.Азизов, Х.Нуралиев каби усталар катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ганчкорлик санъатини ўзбек миллий анъаналаримизга асосланган ҳолда уста ва шогирд усулида ёшларга ўргатиш янада ривож топди. Уста ва шогирднинг шарқона одоби, ўрганиш мезонлари ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилмоқда. Ганчкорлик санъатини мактабларда меҳнат бўйича машғулотларда дарс сифатида ўргатилиши миллий ҳунармандчилигимиз ривожланишига олиб келди.

Ганчкорлик санъати бўйича "Ганчкорлик" (5-6-7 синфлар учун ўқув қўлланма, 1997), "Ўзбек халқ амалий санъати", 1992), "Ганчкорлик, наққошлик ва ёғоч ўймакорлигига оид атамалар изоҳлик луғати" (1992) каби китоблар нашр этилди.

Ўзбекистон мустақил бўлгач усталаримизга ҳам эркинлик берилиб, уста дунёнинг хоҳлаган мамлакатига бориб ўз санъатини амалда бажариб келиш имкониятига эга бўлди. Бу деган сўз ўзбек халқ амалий санъати дунёга тарқалиб, халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганидан дарак беради.

Абдунаби ОМОНУЛЛАЕВ.



ГАНЧДАГИ ГУЛЛАР БОҒБОНИ

Ганчкорликни ривожлантиришда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган Маҳмуд Усмоновнинг қобилиятли шогирдларидан бири Асрор Мухторовдир.

1960 йиллари Асрор амалий санъат турларига қизиқиб мактабдош дўстлари билан Республика ўқувчи ва ёшлар саройидаги ганчкорлик тўгарагига қатнаша бошлади. Ўшанда ганчкорлик тўгараги раҳбари Маҳмуд Усмонов эди. Устоз Асрорнинг эпчил, ҳаракатчан ва тиришқоқлигини кўриб, жуда хурсанд бўлди ва унга нақш гуллар намунасини альбомда чизишга ҳамда аста ўймшга ўргата бошлади.

Бир куни устоз Асрорга қадимий ривоятлардан – "Кўзадаги икки қурбақа"ни айтиб беради. Икки қурбақа сут солинган кўзага тушиб қоладилар. Улар кўзадан чиқа олмай бир қанча вақт суза-суза жуда чарчаб, толиқишади. Қурбақалардан бири "Умримиз шу кўзада тугар экан. Жонимизни бекорга қийнагандан не фойда?" дейди-да, сутга шўнғиб жон беради. Иккинчи қурбақа эса зўр бериб сузаверади, сузаверади. Ниҳоят сут сузмага айланиб, копток ҳолига келади. Шунда қурбақа сузманинг устига чиқиб олади ва кўзанинг ичидан сакраб чиқиб кетади. Бу ривоятда инсон ўз ҳаётида ҳар қанча қийинчиликларга бардош берса, сабр-қаноат билан ҳунар ўрганса албатта у ниятига эришади деган маъно ётади.

Асрор намоён, фута, кулча, қандил ва бошқа ўйма нақшлар ишлаб, кўргазмаларда қатнаша бошлайди. Унинг ўйма ишлари Германия, Польша, Москва ва бошқа хорижий давлатларда намойиш қилинади.

М.Усмонов ўз шогирдларига ганчкорлик сиру асрорларини ўргатар экан, жуда кўп насиҳатлар берарди:

– ҳунарни бойлик орттириш мақсадида эмас, балки жамият тараққиётига ҳисса қўшиш мақсадида ўрганиш лозим;

– устозлар анъанасига эҳтиромда бўлиши;

– ҳаётда лоқайд бўлмаслик;

– ҳалол меҳнат қилиш;

– интизомли бўлиши;

– муваффақиятсизликдан тушкунликка тушмаслик;

– ҳунарда ақлли, тадбиркор бўлиш;



Асрор МУХТОРОВ ва Мирвоҳид УСМОНОВ.

– рост сўзли, покиза бўлиш;

– бир ишни қиёмига етказмай иккинчи ишга ўтмаслик.

1966 йили Тошкент шаҳрида ер қимирлаши натижасида кўпгина уйлар вайрон бўлди, меъморчилик ёдгорликларига шикаст етди. Асрор Мухторов устози билан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги биноларини, Алишер Навоий номли Адабиёт музейини безашда қатнашади.

1975 йилдан бошлаб Асрор Мухторов Республика ўқувчи ва ёшлар саройида устози ишини давом эттириб, ганчкорлик тўгарагига раҳбарлик қилди.

Ниҳоят 1979 йилга келиб устоз шогирдининг етук уста бўлганини кўриб унга оқ фотиҳа берди.

Асрор Мухторов ганчкорлик, кулолчилик, наққошликни мукаммал эгаллай бошлади.

Тошкентда М.Усмонов таклифи билан "Усто" бирлашмаси ташкил этилди. Бирлашма қошида А.Мухторов мустақил ганчкорлик бригадасини тузди. Ганчкорлик гуруҳи билан Қашқадарёдаги "Салом" чойхонаси, Тошкентдаги "Дилором" кафеси ва бошқа жамоат биноларини безади.

1980 йилда Алоқа вазирлиги қошида янги ганчкорлик бригадаси очди. Бу бригада 1985 йилгача фаолият кўрсатиб, алоқа уйлари, бўлимлари, идоралари, Алоқа вазирлиги залларини ганчкорлик намуналари билан безади.

1986-1991 йиллари ганчкорлик бригадаси Тошкентда "Товус", ва "Чайка" кафелари, Ташқи ишлар вазирлиги биноси, Шаҳар ҳокимияти биноси, энергетика ва қишлоқ хўжалиги вазирликлари биноларида бир-бирига ўхшамас ўйма ганч намуналарини бажардилар.

1991-1998 йиллар давомида устанинг санъати янада тараққий этди. Ганчкорликда замонавий усуллардан фойдаланиш тамойили кучайди.

Янги изланишлар натижасида ўйма ва қўйма усулидан эркин фойдаланилди ва катта ютуққа эришилди. Айниқса, устанинг ишларида ганчкорлик, наққошлик, кулолчилик ва миниатюра санъатининг уйғунлиги кучайди. Бу нарса халқаро аэропортнинг янги биноси, Чирчиқ шаҳридаги Кимёгарлар санъат саройи, республика банкининг зали, Туркистон саройи, "Анҳор" кафе устунлари, Байналмилал маданий маркази биноси, Олий Мажлис биноси, А.Икромов туманидаги "Бахт уйи", Фарғонадаги "Ал Фарғоний" театри зали ва ҳоказоларда яққол кўзга ташланади.

Устанинг Маҳмуд Обидов, Исроил Ражабов, Азим Аҳроров, Олим Жабборов, Ҳикмат Азимов, Зафар Ибрагимов ва бошқа шогирдлари устозларидан оқ фотиҳа олиб дунёнинг турли чеккаларида ганч ўймакорлик ишларини амалда намойиш қилмоқдалар.

Устоз ўзининг тақдиридан мамнун, кўли ва қалби гул санъаткордир. У санъатимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Ҳозир янги орзулар ва изланишлар оғушида, санъатга бўлган меҳр-муҳаббати уни янги-янги ижодий уфқларга чорламоқда.

Усталар устози Асрор Мухторов ганчкорлик қасрини қурди, унинг атрофида ганчдан боғлар ва гулзорлар ҳамда унинг боғбонларини ҳам яратди.

Ганчдаги гуллар боғбонларининг устози Асрор Мухторовни 50 ёши билан қутлаб, унга сиҳат-саломатлик, ижодий зафарлар тилаймиз.

Саидахбор БУЛАТОВ,
Маъмиржон ФОЗИЛОВ.

Тақдирли санъат бағрида

Пойтахтимиздаги Амалий санъат музейида мамлакатимизда яшаб ижод этаётган ижодкорларнинг янги альбомлари тақдимоти бўлиб ўтди. Альбомлар Германиянинг Тошкентда фаолият юритаётган Сорес фонди ҳисобидан чоп этилган. Альбом полиграфик жиҳатдан жаҳон талабларига тўла жавоб беради.

"Риштон кулолчилиги" деб аталувчи альбомда машҳур риштонлик халқ усталари Ш.Юсупов, Иброҳим ва Исҳоқжон Комиловлар, Ҳ.Сатторов, А.Йўлдошев, Л.Исоқов, М.Саидов, Р.Усмонов, А.Назаров, М.Азимовлар ижоди ёритилади. Санъатшунос Л.Кодзаева ушбу альбомга сўзбоши ёзган. Таниқли мусаввир Акмал Нуриддинов ижоди ҳақидаги альбомни эса санъатшунос Акбар Ҳакимов тузган. Мусаввир, гобелен устаси ва дизайнерчи Вячеслав Усеинов ижодини шоир Шамшот Абдуллаев ёзган сўзбошидан билиб олиш мумкин. Мусаввир Ғайрат Бойматов ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи альбомни санъатшунос Н.Коблова тайёрлаган. Зикр этилган альбомлар рангли ва оқ-қора суратлар билан безатилган.

Ушбу тақдимотда Сорес фонди Тошкент филиали директори Аллан Делетроз ва кўплаб таниқли рассомлар, санъатшунослар, музей ходимлари иштирок этдилар. А.Делетроз фондниг яқин вақт ичидаги замонавий ва қадимий ўзбек маданиятини тарғиб қилиш ва таъминлаш режалари хусусида сўзлади. Анжуманни фонд ходими, санъатшунослик номзоди А.Жумаев олиб борди. Тақдимотда "Усто" бирлашмасидан ургутлик машҳур халқ устаси Облоқуловнинг ўғли сўзга чиқди.

Сўзга чиққанлар альбомни тайёрлашда қай тарзда иш олиб борганликларини айтиб, замонавий ўзбек маданияти тарғиботи ва ташвиқотида Сорес фонди юритаётган фаолият ниҳоятда катталигини таъкидладилар. Анжуманда академик Ш.Юсупов бошчилигидаги риштонлик халқ усталари иштирок этишди ва Риштон лаганларини тақдимот иштирокчиларига совға қилишди.

Тақдимот дўстона муносабат ва ўзаро бир-бирини тушуниш тарзида ўтди.

Рафаил ТОҚТОШ,
санъатшунослик номзоди,
Ўзбекистон Бадиий академиясининг
фахрий аъзоси.

Олимжон БЎРИЕВ

БЕҲЗОД ВА ШИРИН

Достондан парча

Шоир ва таржимон Олимжон Бўриевнинг “Аттоир”, “Илтифот”, “Замахшарийнома”, “Амир Темур”, “Ғурурли миллат тимсоли”, “Маънавият гултожи”, “Аҳмад ал-Фарғоний” китоблари, Абдураҳмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун”, “Саломон ва Абсол”, Насафийнинг “Ким зўр?”, Низомийнинг “Баққол ва тулки” ҳамда “Чор китоб” таржима асарлари китобхонларга тақдим этилган.

Қуйида шоирнинг буюк мусаввир, жаҳон тасвирий санъатида афсонани ҳақиқатга айлантириб, туб бурилиш ясаган, ўз мактабини яратиб, олам аҳлини лол қолдирган монийқалам рассом Камолиддин Беҳзод ҳазратлари ҳаёти тарихи ва ижодий фаолиятига доир “Беҳзод ва Ширин” лирик достонининг бошланиш лавҳалари муштарийлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

ЗОТИ ЯХШИЛАР КАМОЛОТИ ДАРАХТИ НИҲОЛИ, КАМОЛИДДИН БЕҲЗОДНИНГ ПАЙДОИШИ ЖАМОЛИ

Бу ёруғ оламда қадимул-айём,
Инсон сипқоради севинч ғамдан жом!
Баҳор келиб бўлса олам гулистон,
Ёзда пишиқлик, кузида хазон.
Қишнинг ҳам гарчи бор ўз хосияти,
Совуқ кимсаларга унинг нисбати.
Хулласки шод бўлиб қариндошу хеш,
Йил эди бир мингу тўрт юз эллик беш.
Бир фарзанд туғилди шаҳри Ҳиротда,
Ажойиб қисматли бу коинотда!
Ҳали бўстонларни тарк этмай булбул,
Ҳирот гулшанида очилди у гул!
Наврўзи Ажамдан ўтганда қирқ кун,
Оламга келганди бахти ҳумоюн, –
Дея, қайд этганди бахтли муаррих,
Беҳзоднинг ҳаёти ўзи бир тарих!
Қирқ бир ёшда эди ўшал пайт Жомий,
Навоий ўн тўртда соҳир каломи.
Тўрту бир биру тўрт ўхшаш рақамлар,
Бир буюк ҳикматни ўзида жамлар!
Бу улуғ зотларнинг шеърларин ўқиб,
Кўплар юрар эди фалсафа сўқиб.
Амир Ҳилолидин падари Беҳзод,
Ўғил кўрганидан бўлиб мамнун, шод!
Болам бўлсин дея улуғ аллома,
Шоирми, олимми соҳиби хома!
Мурғак фарзандини дарҳол кўтариб,
Ҳазрати Жомийга бориб ул ғариб,
Унга дуо бер, деб қилди илтижо,
То бўлса фарзандини комилу расо!
“Қулоғига айтинг азону тақбир,
Ўғлим бўлмаса-да, Сиздек доно, пир,
Жилла қурса бўлсин шоирми котиб,
Юрсин одамларда ҳавас уйғотиб.
Бекларга эш бўлиб яшаб аржуманд,
Кўрмасин оламда зиёну газанд.
Ҳазрати мавлоно улуғларга хос,
Бир исм қўйинг ҳам” – қилди илтимос!
Маҳдуми Жомийки эди камтар зот,
Бир дуо айлади уни шу заҳот:
“Аллоҳим камол бер, фарзанди муслим,
Етсин муродига”, ҳам қўйди исм.
Деди: “Камолиддин фарзанди Ҳилол,
Беҳзоди замона бўлсин бетимсол!”
Беҳзод номи ила сўнг бўлиб машҳур,
Ёритди бу гўдак йўлларини нур.
Бўлиб табиатан некликка мойил,
Беҳуда вақтини кетказмай зойил.
Эзгулик илмидан бўлди баҳравар,
Кимнинг қисматида не бўлса агар,
Ўша юз беради баҳона, сабаб,
Қанча ўртанмагил, бузмагил асаб.
Бировнинг бахтига кулса бу жаҳон,
Биров учун эрур Дониё зиндон.
Беҳзод болалиги ўтди шод, мамнун,
Бошланғич мактабда бўлди у мафтун,
Илоҳий сўзларнинг хуш оҳангига,
Аллоҳ каломининг бўю рангига,
Шарқда асир бўлган ҳар буюк даҳо,
Уни ёд олган ҳар соҳиби сахо.
Инсонга оламни этгай нурафшон,
Дилига жо бўлса муқаддас “Қуръон”.
Унга илк сабоқни бергач муаллим,
Беҳзод мадрасада сўнг олди таълим!
Фиқҳ, “Қуръон”, “Ҳадис”,
“Чор китоб”дан бас,
Савод чиқарди у қилгудай ҳавас!
Саъдий, Низомию ҳазрати Аттор,
Тасаввуф олами, сеҳрли ашъор,
Беҳзодни ўзига этарди мафтун,
Ҳазрат Жомий ёзган “Лайли ва Мажнун”.
Унга ўзгачароқ кўрсатиб таъсир,
Ўқигани сайин бўларди асир!
Низомий, Мир Хисрав ёзган ақида,
Мажозий муҳаббат севги ҳақида.
Ва лекин не сабаб ҳазрати Жомий,
Тасаввуфга оид сеҳри каломи,
Одамзод қалбини солгай туғёнга,
Ҳасрати сиғмагай еру осмонга.
Муроди не унинг, сўзларда сирлик,
Бўлмагай ўзича комилу пирлик.
Ўзинг мададкорим бўлиб эй Ҳудо,
Буюк хотиротдан айлама жудо!
Маҳзун таҳайюлга берилиб Беҳзод,
Жомий байтларини такрорларди ёд:
“Эй сенинг тупроғинг камолот тожи,
Жунунинг донолар ақли ривожи...
Кучли ва навқирон эдим бир чоғлар,
Қалбимда йўқ эди ҳасрату доғлар...
Йўлингга термулиб турибман бугун,
Ечиб дилимдаги гуноҳдан тугун.
Бу кўҳна дунёда яшаган одам –
Ҳаёти лаҳзада ёниб ўчган шам!
Борлиқни англаган мутафаккирлар,
Донолик илмида равшанзамирлар,
Англаб самовотнинг сирли хитоби,
Ўқигай дунёнинг чигал китобин.
Нури назарлари тушгани заҳот,
Шубҳасиз ечилар ҳар бир мушкулот.
Ақл кучи билан қилсалар таъсир,
Уларга аёндир ҳар муаммо – сир.
Қоғозда қандай из қолдирса қалам,
Улар маъносини англагай шу дам.
Ечилмай қолса гар ҳар қайда чигал,
Уларнинг чекига тушар ҳар маҳал.
Равона бўлишгай юксак самога,
Ва ундан юқори арши аълога.
Ўқишса қайдаки бир латиф калом,
Уни ёзган қўлга этиб эҳтиром,
Сидқу эътиқоддан келиб ҳар важда,
Қаламкаш қошида қилишар сажда!
Унинг жаҳонида не бўлса агар,
Жисмидан жонгача бўлар жилвагар.
Юз элат орага қўйса гар оёқ,
Барчаси бир жойда бўлар иттифоқ.
Доим эзгуликка интилса инсон,
Қадри кетиб бўлмас ҳаргиз пушаймон.
Эй, ёниб ўртаниш майлида юрган,
Ҳар икки жаҳондан юзин ўгирган.

Қуйидаги сатрлар муаллифи Ўктам Ҳакимали 60 ёшга тўлди. Одатда бу довонга етилганда тўхталади. Босиб ўтилган йўлга назар ташланади. Муаллиф бу довонга арзигулик умр совғалари билан келди.

"Ҳадемай баҳор келади", "Тонг", "Умидбахш тун", "Тўлин ой", "Нон таъми" "Ҳур чўққилар", "Қор қуюн", "Умр салтанати", "Бумажная птица" номли ўзбек ва рус тилидаги қисса ва хикоялар тўпламлари, "Покланиш соҳили", "Синов манзили" номли шеърий тўпламлар, шунингдек "Кичик хонадон", "Номаълум қуш" номли романлар ана шундай сермаҳсул умр тортиқларидир.



Ўктам ҲАКИМАЛИ

СОНЕТЛАР

Йигитлик томондан келадир фарёд,
Хўрланган дийдамни кўмадир ёшга.
Қуёвлик фаслини айладим барбод,
Қишлоқи қизларни ташлаб бардошга.

Хотирдан ўтади ҳайдаб подасин-
Тўпори қизалоқ - кўзлари тутқун.
Раҳмимга ташлайди сочлар шодасин,
Умр салтанатин айлабон маҳзун.

Тонг-саҳар чорлайди бошоқ термакка,
Маҳалла қизлари миниб эшакка.
Алдандим уларни севиб "эрмакка...",
Саждалар қиламан энди гўшакка.

Орзуга қонмаган қандайдир шарпа-
Юракда кезади туну кун бедор.
Ўрилмай сўлади қиз жкан арпа,
Умрин хазон этди ошиғин дилдор.

Дийдорин кўрмакка афсус кечикдим,
Соч атрин ичмакка беҳад ичкидим.

❀❀❀

Муҳаббат фаслига қиламан ҳижрат,
Салтанат кимсасиз, ўгирланган тож.
Саждага бош қўйиб, изламан зумрад,
Саройни ҳойнаҳой уриб кетган каж.

Кўк кийган нечундир мен билган қизлар,
Сочлари қолинган, тирланган кизи.
Нурланиб кўринар пинҳоний излар,
Бир-бирин овутар, ёлилидир кўзи.

Ноўхшов болалар сақларкан сукут –
Қайгули шигоҳ-ла боқарди менга.
Балки оналари этгандур унут –
Эҳтиёж сездирган – муҳтожлик шаънга.

Киприкдан аримас фарёд садоси,
Хира ой ёритар қуриган сойни.
Ҳижрат куни бўлдим ишқнинг адоси,
Бир қиз излаб юрар мен минган тойни.

Йилин бошлаб берди иккинчи ҳижрат,
Севги пайғамбарин қаршилар маъфират.

❀❀❀

Музаффар ҳурликнинг ҳар бир лаҳзасин –
Тафаккур қудрати сингдирса қонга,
Тириклик мулкининг қисқа лаззатин,
Улуг мотам билан етказар жонга.

Илоҳ томонлари ёришса сенга,
Омонат умрдан бўлурсан мамнун.
Илинж таъсирини ўтказса онга,
Зулмат чироқлари сўнадир маҳзун.

Қулликнинг даҳшатин меҳроб ногаҳон-
Сингдира ололса иймонга агар,
Авлод томонлари бўлмас заъфарон,
Ҳурлик дарёларин тўлдирар кавсар.

Кўзингни очган он чекасан фарёд,
Демакки, бошланди ҳақиқий қуллик.
Кўзингни юмган он қилмайдилар ёд,
Демакки, бошланди ҳақиқий ҳурлик.

Кундуз эрур сенга абадий қуллик,
Кеча эрур сенга азалий ҳурлик.

❀❀❀

Қайсидир манзилда бузилса мозор,
Тождори маҳкумдир ҳаққий газобга.
Қотил номин олгай бундай дилозор,
Икки дунё қолгай эли азобга.

Туққан мозорига қилсанг қотиллик,
Сенга ҳам тегишли бундайин қулфат.
Албат кўрсатгуси фарзанд ботиллик,
Авлоддан топмассан зарра илтифот.

Ер остидир асли Ҳаққий Салтанат,
У ерда гадо йўқ ва йўқдир Султон.
Инсоний қавмга шудир – илтифот,
Мозор бузилдими, бузилгай ризвон.

Эл устига ҳаргиз эрурмиз меҳмон,
Меҳмон мезбонини ўлдирмас асло.
Мозорин асрамоқ ҳаммага армон,
Бир зотга кафолат берилмас аммо.

Қотилга сўрайман илоҳдан одоб,
Уни сеҳрласин мозорий меҳроб.

❀❀❀

Маърифат тилайди улуг бир қайғу,
Омонат мулкида бўлолган йўлдош.
Ғафлат бандаларин элтади уйқу,
Зарофат кунлари тополмай сирдош.

Аввал шундай эди, охир ҳам шундай,
Ибодатсиз кечди тавба-тазарру.
У дунё азобин кечиргинг қандай?
Жодунинг тигига келсанг рўбарў...

Ҳақли бир азобни қилгуси ҳамдам,
Қайрагоч шоҳини тўлдирган алам.
Меҳробин излайди илинж дамба-дам,
Эркак динидан чиқарса санам.

Муҳтожлик сезади раҳмига аёл –
Қарамлик фаслида ганимин суйган.
Огир бир қулфатни тиклайдир хаёл,
Топилмас дунёда менчалик куйган.

Маърифат каъбага сезса эҳтиёж,
Қайгудан қутқаргай муборак меърож.

❀❀❀

Лаҳзалик манзилда дўзах даҳшатин –
Кўрқув таҳликага етказган лаҳза.
Илинж ёшартирар ўлим ваҳшатин,
Тириклик тириқдан бўлмайди изза.

Қаерда кўкарса олчоқ безавол,
Қотил тирикликка соладир таҳдид.
Мунофиқ отига минади аввал,
Дўзах изтиробин унутар бедид.

Мўминлик шафқати кучайган онда,
Дўзах ваҳимасин сўндирар жаннат.
Фароғат топади мусаффо танда –
Эътиқод талаби, наслий шажарат.

Юксакдан узилса маърифий кўнгил,
Ҳирснинг касофати қилгай тантана.
Енгинг муқаррардир оловда, билгил,
Жондан шафқат сўрар гуноҳкор тана.

Дўзахдан қўрқолсанг – шудир маърифат,
Оллоҳдан ёгилгай ҳаргиз илтифот.

Альбомга

Сукут, унут манзили аро –
Тўлганадур муштфиқ туморим.
Кўкин ечмас ул мотамсаро,
Ишққа муҳтож, толе-ҳуморим.

Муҳрланган улуг бир гусса,
Тафсилотин изоҳлар ризвон.
Қайси авлод ҳасратин тизса,
Ўша бўлар шарафга сарбон.

Менинг каби енгилмас бисёр,
Йиглаб ётар тополмай шаънин.
Қачон сирин қиладир ошкор –
Шунда топгай улар шавкатин.

Жонда йиглар содиқ бир аёл –
Қад кўтарган ёшимдан ҳаргиз.
Тожу тахтин тилкалар хаёл,
Ичиктирар ҳажрига денгиз...

Янграб турар қайгули оҳанг-
Шоир чеккан адоқсиз фарёд.
Ўгирланган альбом – лоларанг,
Сени ҳамон этолмайман ёд.

Сен тикларсан шаънй ҳайкалим,
Ва бетакрор шеърий сайқалим.

Тилаб МАҲМУДОВ

САМАРҚАНДДА БИР ТАБИБ БОР...

Одамзод дардига даво берувчилар ҳар хил бўлишади: кимдир ширин сўзи, кимдир моддий ёрдами, кимдир дори-дармон, кимдир панду насиҳат ила хаста кўнгилларга малҳам, ноумид бандаларга куч ва ишонч бағишлайди.

Инсонни ҳаётга қайтармоқ, ҳаётдек улуғ неъматдан баҳраманд бўлиб яшамоққа ундамоқдан кўра буюк ҳикмат ва савоб бўлмаса керак. Шунинг учун муаллимлар, табиблар ва санъаткорлар доимо халқ эъзозида, муҳаббат қучоғида бўладилар. Уларнинг вазифалари ҳар хил бўлсада, бир нарсага – инсон танаси ва руҳиятини поклантириш, соғайтириш ва ўктамлаштиришга қаратилгани сабабли халқ меҳридан алоҳида ўрин эгаллайдилар. Ана шундай одамлар дардини енгиллатиб, қанчадан-қанча беморларни оёққа турғизиб юборган шифокор-табиблардан бири Муродқул Истомқулов Самарқандда яшайди.

...Муродқул 1947 йили Самарқанд тумани, Самарқанд жамоа хўжалигида туғилган. Отаси оддий колхозчи, уруш қатнашчиси, 14 жойидан ярадор бўлиб уйига қайтади ва 1953 йили вафот этади. Отаси уруш жароҳатларидан қийналиб кетган чоғларида "Болам, катта бўлсанг, дўхтир бўлгин, одамларга нафинг тегади", деб васият қилган эдилар.

Отасининг сўзлари юрагига муҳрланиб қолган Муродқул ўрта мактабни тамомлаб, 1964 йили Самарқанд тиббиёт билим юртига ўқишга киради. Уни битириб, II Баллаорол совхозида ўз меҳнат фаолиятини бошлайди.

Муродқул иш жараёнида турли-туман беморлар билан мулоқотда бўлар экан, билим юртида олган билимининг озлигини, ҳаётда кутилмаган ва тасаввур этиб бўлмайдиган касаллар кўплигидан таажжубга тушади, ўқишини давом эттиргиси келади.

1967 йили Муродқул Самарқанд медицина институтига ўқишга киради. 1973 йили уни муваффақиятли тамомлайди.

Муродқул институтда ўқиб юрар экан, аксарият талабалар сингари бирор аниқ аъзо ёки касаллик билан машғул бўлмади, у иложи борича ҳамма ички касалликлар, тери касалликлари бўйича билимини кенгайтиришга, ўқиб-ўрганишга ҳаракат қилди.

Институтни тамомлаб, дўхтир



Суратда: Муродқул ИСТОМҚУЛОВ

сифатида мустақил ишлай бошлаганидан кейин унинг умуман инсон саломатлиги ва организмига бўлган қизиқиши янада кучайди, кенгайди ва илмий-амалий тус ола бошлади. У Москва, Киев, Ленинград, Душанбе, Минск, Новосибирск шаҳарларига бориб, у ерларда тажриба алмашув ва назарий-амалий жараёнларни бошидан кечириб қайтди.

– Бизнинг соҳамизда, – дейди Муродқул, – гарчи тор мутахассислик зарур бўлса-да, беморлар бирор аниқ жойидан шикоят қилиб келсалар-да, ҳақиқий дўхтир, умуман инсон танаси ва руҳиятини яхши билиши керак. Оғриқ ёки беморлик сабаби аксарият ҳолларда жуда кўп нарса, жараёнларнинг қўшилиб кетишидан, бири иккинчисини туғдиришидан келиб чиқади. Аниқ диагноз бергандан сўнг биринчи галда даволаш керак бўлган, сўнгра шикоят қилинаётган жойга, касаллик "ўчоғи"га диққатни жалб этмоқ жоиз.

Муродқул кенг кўламли шифокор сифатида фаолият бошлади. Институтдан кейин вилоят ўпкасил касалликлари шифохонасида ишлади, Самарқанд билим юртида дарс берди.

1975 йилдан 1979 йилгача Душанбедаги III клиник касалхонада қон касаллиги бўйича катта мутахассис бўлиб ишлади. 1979-1982 йиллар давомида Душанбе ошқозон-ичак касалликлари институтида сиртдан аспирант бўлиб ўқиди. Унинг илмий ишига профессор Амриддин Жалолов раҳбарлик қилди. Биохимия бўйича профессор Ирина Мансурова раҳнамолик кўрсатди.

Муродқул Истомқулов 1987 йили "Ичкиликнинг жигар ва овқат ҳазм қилиш органларига таъсири" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1985 йили Самарқандга қайтиб келган Муродқул профессор Амриддин Жалолов кафедрасида ўқитувчилик қила бошлади, ўз устида ишлашни янада давом эттирди. Муолажа ва даволаш ишларини илмий тадқиқотлар билан биргаликда олиб борди, 12 дан зиёд мақолалар эълон қилди.

– Қанчалик кўп беморлар билан мулоқотда бўлар эканман, – дейди Муродқул, – бир нарсага амин бўлдимки, инсоннинг соғлиғи унинг ўз қўлида. Ҳаётни тўғри ташкил қилиш – саломатлик белгиси. Бундан ташқари, ота-боболаримиздан мерос қолган шундай нарсалар борки, агар шуларга амал қилсак, дўхтирларга ҳожат қолмайди. Мен тасодифий ҳолатлар ёки айрим кутилмаган касалликларни кўзда тутаётганим йўқ. Мураккаб ҳаётда мураккаб жараёнлар бўлади. Уларни дўхтирларнинг ёрдамисиз тузатиб бўлмайди. Мен бошқа нарсани кўзда тутаяпман: ким табиб – бошидан ўтган табиб, ўзини ўзи эҳтиёт қилиб, маромли ва меъ

ёрли ҳаёт кечириш саломатлик гаровидир, демоқчиман. Ўзим диссертация ёзиш даврида палапартиш овқатланиб соғлиғимни йўқотиб қўйган эканман. Соғлиғим шундай аҳволга тушиб қолдики, ҳатто умидсизлик аломатларини дўстларимнинг кўзларидан уқиб оладиган бўлдим. Ўзимни қўлга олдим. Халқ табобатига доир қаерда китоб бўлса барчасини тўплаб, ўқий бошладим. Хотинимга мана шу ўтни топиб кел, дедим, топиб келди, энди бунисини олиб кел, десам унисини етказди. Қарабсизки, бир ойга етар-етмас "иложсиз бемор" эдим, аста-секин ўрнимдан туриб, юриб кетдим...

Республикамиз тоғу чўлларида ўсадиган минглаб гиёҳлар биринкетин Муродқул учун жумбоқ эмас, шифо гулларига айланди. У териб келадиган ўтларни аввал ўзи синаб кўрадиган, китобларда баён этилган даволаш хусусиятларини лабораторияда синаб-ўрганиб кўрадиган, сўнгра аста-секин одамларни даволайдиган бўлди.

Муродқулни Ургутда очилган Диагностика марказига таклиф қилишади. Қўли енгил дўхтирдан шифо топганлар сони тобора кўпая бошлади.

Муродқулнинг шифокор ва табиб сифатидаги афзаллиги шундаки, у халқ табобатини замонавий медицина илми билан қўшиб олиб боради. Ҳозирги замон медицина илми эргашган барча муваффақиятларни яхши эгаллаган Муродқул асрлар мобайнида халқнинг ўзини ўзи табиблар ва гиёҳлар ёрдамида даволаб келганини яхши билади. У Ҳиндистон, Россия, Болгария, Руминия, Тожикистон ва кўплаб бошқа мамлакатларда чоп этилган гиёҳ билан даволашга доир китобларни тўплади, ўрганди, ўзаро муқояса қилди. Ана шулар асосида ўзи дорилар тайёрлашга тушди.

Муродқулнинг талабчанлиги ва беморларга нисбатан эътибори шунда кўринадики, у ўзига мурожаат этган беморни "Мен бугундан бошлаб сизни тузатаман, у қиламан, бу қиламан" деган ваъдаларни бермайди. У биринчи навбатда анализларни синчиклаб ўрганади, фақат томир ушлаб кўриш билан иш битмаслигини яхши билади. Анализлар ўткинчи, ё "ёлғончи", ё "доимий", сакровчан ва ҳоказо бўлиши, қайта текширувни талаб қилиши мумкин. Диагноз аниқлангач, қайси гиёҳ ва дорилар билан муолажа қилиш белгиланган, даволаш ўртасида яна анализ олинади, ўрганилади, таққосланади. Бемор соғлиғининг тузалиш жараёни кўрилади, соғайиш йўналиши ва даражаси аниқланади, шунга биноан кейинги дори-дармон билан муолажа давом эттирилади. Бир даволаш мавсумидан сўнг яна анализ олиниб, дастлабки ва охирги кўрсаткичлар таққосланади. Ана шунда дори-дармон ҳамда муолажа натижалари кўзга яққол ташланади.

– Бизни ўраган табиат, тоғу тошлар, боғу хиёбонларда шундай гиёҳлар мўлки, уларнинг қайси бири нимага даво эканлигини кўпинча билмаймиз, – дейди Муродқул. – Лекин билишимиз шарт. Шунда оёқларимиз билан ердаги гиёҳларни пала-партиш босиб ўтмаймиз. Ҳа, деса шифокор қидириб юрмаймиз. Айрим касалликларни икки-уч кунда оддий ўтлар, мағиз ва ўсимлик ёғи билан даволаса бўлади. Бир мисол келтирай. Уйимизда ит бўларди. У касал бўлиб қолди. Аввал бир неча кун ер тишлаб ётди. Ўлиб қолса керак, деб ўйладим. Қарасам, ўрнидан секин туриб, ҳовлининг четидаги ўтларни искаб-искаб аллақандай бир алифни чимтиб-чимтиб ея бошлади. Эртаси куни орқасидан эргашиб бордим. У яна кечаги ўтни қидириб топиб, шундан егандай бўлди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб ит тузалиб кетди. Ўйлаб қолдим, ахир ит-ку касал бўлса ўзига керакли ўтни қидириб топиб есаю, биз одамлар ўзимизга керакли гиёҳларни билмасак?! Масалан, болаларда ҳам, катталарда ҳам кўз оғриб қолади, ундан сув келиб одамнинг ғашига тегади, кўз ичи қизариб кетади. Сумбул ўсимлигини янчиб унинг суви томизилса, тузалади-қолади. Қулоқ оғирлашса, арча уруғининг ёғи томизилади ва эшитиш яхшиланиб кетади. Худди шундай, ёш болаларнинг грижасини, ўт халта тошларини гиёҳлар ёрдамида майдалаб туширса бўлади.

XX асрнинг энг даҳшатли касалликларидан бири – рак. Ҳозиргача уни батамом даволаш мумкин эмас, аммо олдини олса бўлади. Шундай гиёҳлар, дорилар борки, агар рак касаллиги олдинроқ аниқланса, ўша аниқланган пайтда томирчалар ёйилиб кетишига йўл қўймасдан, ўша ҳолатда тўхтатиб қўйиш мумкин.

Муродқул гиёҳлар оламига кириб борган сари уларнинг ёрдамида даволаш имконияти ҳам кенгайди. У замонавий медицинани халқ табобати билан боғловчи йўлларни тадқиқ этувчи докторлик диссертацияси устида ишлай бошлади. Бир томонда, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, унга керакли асбоб-ускуналар топиш, шахсий лабораториясини йўлга қўйиш. Бу соҳада унга умр йўлдоши катта ёрдам бера бошлади.

– Умр йўлдошим яхшигина лаборант бўлиб қолди, – дейди Муродқул, – мен унга дори тайёрлашнинг мураккаб жараёнларини ишонаман. Ёзда тоғ ёнбағирларида мен билан гиёҳ йиғади, асалари боқади, болаларга қарайди, шаҳарга қайтгач, лаборатория ишлари ҳам у кишининг зиммасида.

Муродқул фикрига қараганда, жуда кўп касалликлар сабаби йўғон ичакни бир йилда бир марта яхшилаб ювиб, тозалаб турмасликда. Инсон агар ўқтин-ўқтин ичини тозалаб турса, унинг руҳи ҳам, танаси ҳам енгил бўлади. Шунинг учун ҳар қандай муолажа олдидан Муродқул беморни уч кун ўрганади, ичини тозалайди, сўнгра дори-дармон беради. Қулоғи оқиб юрган одамни Муродқул беш кунда касалдан бутунлай фориғ этади; ҳатто инсульт келиб чиқишининг олдини олади; сийдик йўллари шамоллашини операциясиз даволайди; гангрена касаллигига ҳам даво топгани аниқ; аёл касалликларининг бир нечасини ҳам гиёҳлар орқали тузатади.

Муродқулдан даво истаб келаётган беморларнинг кети узилмайди: асосан, ошқозон, ичак, жигар касалликлари, тери касаллиги, буйрак, ўт халтаси касаллиги, асаб касалликлари, болаларнинг пешоб тута олмаслиги; йўғон ичак яллиғланиши, қулоқ оқиши, бурун шамоллаши, аёлларнинг бачадон яллиғланишлари; ўпка касалликлари, юрак хасталиклари, туз йиғилиши, қанд касаллиги, ўн икки бармоқ ичак яраси, аёлларнинг юзларидаги доғлар, инсультдан кейинги аҳволни тузатиш ва ҳоказолар.

Муродқулнинг қўлидан даво топувчилар сони тобора кўпая

бошлади. У камтарин ва олижаноб инсон, билимдон табиб ва шифокор сифатида эл орасида шуҳрат топди.

Яқинда ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги унга 2554 рақамли лицензия берди. Унда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июль 378 рақамли қарорига ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1994 йил 11 август 374 рақамли буйруғига асосан Истомқулов Муродқулга терапевт ихтисослиги бўйича 2004 йил 5 февралгача "хусусий врачлик амалиёти билан шуғулланиш ҳуқуқи берилди" дейилган.

– Мана энди ишим яна кўпаядиган бўлди, – дейди Муродқул, – одамларга мен докторлик диссертациямни ҳимоя қилиб олай, касал бўлмай туринглар, дея олмасам, иккинчидан, беморларни ўрганиб уларни даволамагунча ўзим бемор бўлиб қоламан. Мустақиллик менинг барча ниятларимни амалга ошишига имкон берди. Миллий табобатимизга доир анъаналаримизни тиклашга, тоғлардаги гиёҳларни асраб-авайлашга, одамлар дардига малҳам тайёрлашга, умумбашарий шифокорлик санъатини ҳам чуқур эгаллайдиган замон келди. Одамларни даволаганим сари, ётиб қолган беморларнинг кўзида ҳаётга, яшашга ва меҳнатга қувонч алангаси порлаган сари мен ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Уларга қарата: "Қачон, қай маҳал мен сизга керак бўлсам, эшигим очиқ, марҳамат, манзилим аниқ" дегим келади.

Эшагимни миниб, тоғу тошлар орасида гиёҳ қидириб ёки асалари боқиб дала-даштларда қолиб кетмасам, бошқа пайтларда доимо Самарқанд тумани, Сулфа-каутак қишлоғи, Қумзор кўчасидаги 168-уйимда бўламан".

Муродқулнинг яна бир ажойиб одати бор. Унинг уйига келган бемор, ё таниш-нотаниш одам аввал жонон косадаги асалдан бир татиб кўради-да, сўнгра ўз дард дастурхонини очади. Хонанинг ичида асал ҳидиданми, ё турли гиёҳлардан таралган муаттар хушбўй исларданми ажиб бир тароват пайдо бўлади. Бемор изига қайтганда унинг касал дастурхони турли гиёҳлардан битган нажот кулчалари билан тўлган бўлади.

Она қалбининг майин садоси

Ривоят қилишларича қадим замонларда ўзга юртнинг шаҳзодаси шикорни ихтиёр этиб йигитлари билан йўлга чиқибди. Йўлда шаҳзода йигитларидан адашиб узоқ бир ўлкага бориб қолади. Бу юрт подшосининг ой деса ой, кун деса кун дегулик қизи бор экан. Шаҳзода қизни бир кўрибдию ишқ дардига мубтало бўлибди. Қиз ҳам йигитга кўнгил қўйибди.

Дастлаб қизнинг ота-онаси норози бўлибдилар. Сабаби йигитнинг юрти шунчалар узоқ бўлиб, у ерга бориш учун қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўлу биёбонлардан, улкан тоғлардан ўтиш керак экан.

Тақдири азалга биноан тўй-томоша бўлибди. Қизини узатаётган она кўзида ёш билан дебди:

– Қизим, бегона юртни ўзинг ихтиёр этдинг. Ёдингда бўлсин вақти-соати етиб фарзанд кўрсанг алла айтмагин.

Орадан ойлар ўтиб фарзанд туғилибди. Аммо гўдак бир ёшга ҳам етмасдан нобуд бўлибди. Иккинчи, учинчи фарзанд ҳам узоқ яшамабди. Шунда шаҳзода юрт кезган донишмандниг олдига бориб бўлаётган воқеани айтиб маслаҳат сўрабди. Донишманд:

– Аёлинг фарзандларига алла айтмас экан. Алла айтсин, – дебди. Уйига қайтган шаҳзода:

– Эй, нодон хотин, нега алла айтмайсан? Шунчалар бағринг тошми? – дея дўқ урибди.

Шунда аёл гўдагига алла айта бошлабди:

Алла десам бўларми, аллаё, алла,
Жонинг ором оларми, аллаё, алла.
Мен бу ерга келмас эдим, аллаё, алла,
Ёра келтирди мени, алла болам, алла
Ўтга солса куймас эдим, алла бўлгин, алла.
Ёра куйдирди мени, аллаё, алла...

Аёл йиғлаб-йиғлаб, бўзлаб-бўзлаб алла айтибди. Алла айтармишу кўз олдида юртининг сўлим боғлари, ортидан йиғлаб қолган онаси, қон-қариндошлари, дугоналари бир-бир гавдаланаверибди. Онасининг "Зинҳор ва зинҳор алла айтмагин" деган сўзларининг маъносини англаб кўзларидан дув-дув ёш тўкибди.

Мўъжизани қарангки алла эшитган бола соатма-соат, оймаой, кунма-кун соғлом, бақувват бўлиб ўса бошлабди. Аёл эса кузги хазондек сўлибди...

Албатта бу ривоят. Лекин ҳар қандай ривоят заминида ҳақиқат ётади.

Она алла айтаяпти:

Алла айтиб садосин саболардан сўрайман,
Ўз халқига содиқ бўлган боболардан сўрайман.
Паҳлавон бўл Рустамдай, элим севган достондай,
Ватанига керагим, аллаё, алла...

Алла йиллар силсиласини елкасида кўтарган момоларимизнинг айтган қўшиғидир; алла фидойи оналаримиз қалбидан отилиб чиққан сеҳрли садодир; алла айтаётган онанинг овози мудраб ётган ёруғ хаёлларни уйғотади.



Ватан бешиклан бошланади...

Ота-боболаримиздан ўтиб келаётган удумларимизга кўра болани пиру бадавлат нуроний онахон бешикка белайди. Гўдакни кўркмас, соғлом, ризқ-насибали, мартабали, ота-онасига меҳрибон бўлсин деган ниятда ёстиқчаси остига нон, пичоқ, қуръон, ойна, тароқ қўйиб бешикка белаб алла айтилади.

Етмиш йиллик истибдод натижасида "бешик бола соғлиғига зарар" деган ақида ҳаётга татбиқ этилди. Келинларимиз алла айтишни унутдилар. Республика миқёсида анъанавий "Алла" танловининг ўтказилиши савоб ишларга қўйилган биринчи қадамлардан десак адашмаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази томонидан 1991 йил "Алла" ижрочиларининг I анъанавий республика кўрик-танлови Тошкент шаҳрида, 1993 йил II анъанавий танлов ҳам Тошкент шаҳрининг Абулқосим мадрасасида ўтказилди. Ўзбекистонимизнинг гўзал воҳаларидан бири Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида III республика кўрик-танлови ўтказилиб унда вилоятлардан келган 400 га яқин бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўзаро беллашдилар. Кўрик-танлов ўтказиш анъанасини давом эттириб, ўтган йилнинг охирида Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрида "Алла" ижрочиларининг IV анъанавий республика кўрик-танлови ўтказилди. Танловга Қорақалпоғистон Республикаси ва ўнта вилоятдан келган бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва фольклор-этнографик ансамблар қатнашдилар. Ҳар бир вилоятдан келган қатнашчилар ўз воҳаларининг удумлари, бешик тўйларини қисқа кўринишда намойиш қилиб алла айтдилар. Ҳакамлар ҳайъати Ўзбекистон халқ артисти Тилаш Хўжамбердиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Қаҳрамон Комилов, Гулбаҳор Эрқулова, Замира Миролимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Деҳқонбой Ҳусанов, Сирғали туман "Маънавият" бўлими бошлиғи, шоира Зулфия Мўминова, санъатшунослик доктори Рустам Абдуллаевлардан ташкил топди. Голиблик шоҳсупасининг биринчи ўрнини Самарқанд вилояти, Сиёб туман маданият уйи бадиий жамоаси ва Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар "Моҳиситора" ва Пешку туман маданият уйи "Афшона" фольклор-этнографик ансамблари эгаллади.

Иккинчи ўрин Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий вилоятларидан келган бадиий жамоаларга насиб қилган бўлса, учинчи ўрин Жиззах, Сирдарё, Фарғона вилоятларидан келган бадиий жамоаларга берилди. Афсуски, Сурхондарё ва Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармалари маблағ йўқлигини рўкач қилиб вилоят ғолиб жамоаларини ушбу кўрик-танловга юбормадилар.

Алла арабча "ал илоҳий" деган сўз бўлиб, "бу Оллоҳга" деган маънони билдиради. Айтиш қийин бўлгани учун "Оллоҳ" деб, узоқ вақт ўтиши билан "Аллоҳ", кейинчалик "алла" деб аталган.

Тун... Ой ҳам она алласидан маст бўлган гўдакдек уфққа бош қўяди.

Тун ўрнини аста-секин ёришиб келаётган тонг эгаллайди. Майин, сеҳрли овозда таралаётган она алласи дунёни уйғотади.

Алла айтай тонг палла, аллаё, алла,
Борлигинг менга далда, аллаё, алла...

Гулноза ҚОДИРОВА,
Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ,
Халқ ижодиёти
ва маданий-маърифий ишлар
республика маркази
ходимлари.

ИСТЕЪДОДНИ КАШФ ЭТИШ САНЪАТИ

(Танқидчи Умарали Норматов билан мулоқот)

– Домла, ҳозирги давр ёш танқидчиларидан кўнглингиз тўладими? Улардан кимларни фаол деб ўрнак қилиб кўрсатасиз?

– Аввалари ҳам айтганман, 90-йиллари бизда танқидчиларнинг янги бир авлоди шакллана бошлади. Бу авлоднинг бахти, омади шундаки, улар узоқ йиллар танқид соҳасида не-не ноёб истеъдод эгалари оёғида тушов бўлган, онгини-қарашларини заҳарлаб келган мустабид мафкура ва адабий сиёсат асоратларидан холисдирлар. Бунинг устига улар жаҳондаги хилма-хил адабий-танқидий мактаблардан яхши хабардор, ўз миллий адабий меросимиз, анъаналаримизни яхши эгаллаган, манбаларни ўқий ва ўқий оладиган, ўтмиш билан ҳозирги адабий жараён орасидаги робиталарни нозик ҳис эта биладиган истеъдод соҳибларидир. Энг муҳими, улар адабиётни биринчи галда санъат ҳодисаси сифатида ҳис этишга, англашга, англатишга мойил шахслардир. Ҳамидулло Болтабоев, Шуҳрат Ризаев, Раҳмон Қўчқоров, Дилмурод Қуронов, Бахтиёр Каримов, Юсуфжон Ҳамдамов, Мухтор Қаршибой, Аҳмад Отабой, айрим зиддиятли жиҳатларига қарамай Сувон Мели, Яшар Қосимов, Абдулла Улуғовлар айни шу авлоднинг забардаст вакилларидир. Бугун матбуотда уларнинг ўнлаб издошларини учратишингиз мумкин. Мен уларнинг китобларини, мақолаларини ўқиб, радио, телевидениеда чиқишларини тинглаб, томоша қилиб, очиғи яйрайман, уларга ҳавасим келади.

Танқидчиликдаги бу янги авлоднинг илк тажрибалари яна бир бор шундан далолат берадики, адабий танқид бу аввало истеъдодни, у яратган бадиий мўъжизаларни кашф этиш санъатидир. Тўғри, адабий танқид – фан, бироқ у ўзига хос фан; у санъат асарини, санъат сирини, санъаткор қалбини ҳис этиш, англаш ҳақидаги фан; танқидчиликка даъвогар одам табиатида санъаткорлик, санъатни ҳис этиш туйғуси бўлмаса, яхшиси, бу соҳада аралашмагани маъқул. Бошқа фанларга кўра адабий танқидчиликда чинакам истеъдодларнинг камлиги шунда. Адабиёт фани бўйича фан номзоди, доктори илмий даражасини олганларнинг ҳаммаси ҳам чин танқидчи ёки адабиётшунос бўлавермайди-да, ахир!

– Бирорта шоир-ёзувчининг янги китоби чиқса маълум даражада шов-шув бўлади. Бунда сиз – танқидчиларнинг ҳам ҳиссаларингиз борми?

– Адабиётда пайдо бўлган ёрқин истеъдодларни, янги асарларни эл-юртга танитиш, улар атрофида яхши маънода "шов-шувлар"нинг кўтарилишида адабий танқиднинг хизмати нақадар катта экани тарихдан маълум. Узоққа бормайликда, яқин ўтмишни эслайлик. Адабиёт осмонида Абдулла Орипов деб аталган митти юлдуз пайдо бўлганида, уни илк бор "Шарқ юлдузи" орқали элга танитган, сўнг кетма-кет чиқишлари билан шоирнинг ижодий изланишларини мунтазам қўллаб-қувватлаб, уни замонавий шеъриятимизнинг ёрқин юлдузи даражасига кўтарилишида бениҳоя катта ҳисса қўшган мунаққид Озод Шарафиддиновнинг савоб ишларини бир эсга олайлик. Ёки шу мунаққиднинг Эркин Воҳидов илк шеърлар китоби – "Тонг нафаси" ҳақидаги "Ўзбекистон маданияти"даги мақоласи шоир ижодий тақдирида қанчалар ҳаётбахш бўлганлигини, бундай хайрли ишлар қадрини нима билан ўлчаш, баҳолаш мумкин?! Ёдимда, ўша мақола чиққан кундан бошлаб "Тонг нафаси"ни, унинг муаллифини суриштириб юрганлар ададсиз тус олган эди. Ёки Абдулла Қаҳҳорнинг Учқун Назаров, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаевлар ҳақидаги илиқ сўзлари матбуотда чиққанида бу ёш истеъдодларга қизиқувчилар бениҳоя кўпайганига шахсан ўзим шоҳидман... Афсус, шу мўътабар анъана сўнгги йилларда бир оз сусайиб қолди. Танқидчи ва ёзувчилар (ёзувчиларнинг танқидчиликдаги хизмати профессионал танқидчиларникидан кам эмас!) истеъдодни, яхши асарни кашф этиш, вақтида элга танитиш бобида сустқашлик қилаётирлар.

Яна бир ҳолни унутмаслик даркор: шўролар даври танқидчилигининг аччиқ сабоқларидан бири шуки, мустабид мафкура, хато адабий сиёсат оқибати ўлароқ адабий танқид кўплаб ёрқин истеъдодларни, адабий асарларни бадном қилиш ва маҳв этиш, аксинча мафкуравий жиҳатдан "соғлом", аммо бадиий қиммати сариқ чақага арзимайдиган "асарлар"ни кўкларга кўтариш, эталон-намуна қилиб кўрсатиш бобидаги "муносиб хизматлари"ни асло унутиш мумкин эмас. Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби алломалар ижоди, улар яратган шоҳ асарларни ўшандай маломатлардан халос этиш қанақа машаққатлар ичида кечди. Бугина эмас, "Навоий", "Жалолиддин Мангуберди", "Тобутдан товуш", "Юлдузли тунлар" бошига шу хил танқид туфайли не-не савдолар тушгани кўпчиликка маълум.

Шундай аччиқ ҳақиқатлар сабоғи бизни яна бир нарсадан огоҳ этади: танқидчи учун санъатни нозик ҳис этишдек ноёб истеъдод билан баробар, унда виждон, адолат, инсоф, иймон туйғуси ҳам юксак бўлиши керак. Шўро даврида яшаб, ижод этган мунаққидларнинг ҳаммаси ҳам "вульгар социологизм" оғуси билан заҳарланган, жоҳил, истеъдодсиз кимсалар эди, деган фикрдан узоқман. Улар истеъдодсизлиги, билимсизлиги туфайли эмас, кўпинча замонасозлиги, вазиятга қараб товланиши оқибатида қалби буюрмаган ишларни адо этиб гуноҳларга ботган. Абдулла Қаҳҳор бир суҳбатда ана шундай машҳур бир танқидчи ҳақида: "Ақлли, билимдон, аммо ҳар қадамда виждонига хиёнат қиладиган сотқин" деган эди. Мана шунақа сотқинлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин...

– Истиқлолдан аввалги даврда баъзи асарларда Ватанимиз тарихидаги буюк шахслар сиймоси бузиб берилар эди. Истиқлол даврида тарихий далиллар бундай бузилишларга чек қўйдими?

– Дарҳақиқат, шўро даврида яратилган бир қатор бадиий асарларда Ватанимиз тарихидаги буюк шахслар сиймоси бузиб берилган. Бу ҳол айниқса Темур сиймоси талқинида юз берди. Бироқ ўша йиллари ёзилган тарихий мавзудаги барча асарларда буюк шахслар сиймоси ёппасига бузиб берилган, дея қатъий ҳукм чиқариш адолатдан эмас. "Ўткан кунлар", "Мехробдан чаён", "Абулфайзхон" каби асарларни қўя турайлик, тоталитар адабий сиёсат авжига чиққан йилларда яратилган "Навоий", "Маҳмуд Торобий", "Жалолиддин Мангуберди" каби асарларда етакчи қаҳрамон – тарихий шахслар ҳаққоний кўрсатилганлигини бугун ким инкор эта олади! "Муқанна", "Алишер Навоий", "Улуғбек хазинаси", "Кўҳна дунё", "Юлдузли тунлар", "Темур Малик" сингари драма ва романлардаги айрим персонажлар талқини билан алоқадор зиддиятли, мунозарали жиҳатларни мустасно этганда уларда тарихий ҳақиқатга садоқат туйғуси устувор.

Истиқлол туфайли адибларимиз тарихга яккаҳоким мафкура асосида тор синфий ёндашиш балосидан халос бўлди. Тарихий ҳақиқатни тиклаш бобида катта хайрли ишлар бошланди. Бу ҳол бадиий ижодда кўп яхши самаралар беражагига шубҳа йўқ. Бироқ тарихий ҳақиқат билан бадиий ҳақиқат орасидаги нозик масалаларга ўта эҳтиёткорлик ва билимдонлик билан ёндашмоқ даркор. Акс ҳолда бу борада ҳар қадамда қовун тушириб қўйиш ҳеч гап эмас.

Аввало тарихий ҳақиқат дегани нима ўзи? Манбалардаги маълумотларни буюк тарихий шахсларга оид замондошларининг хотира-мулоҳазаларини тарихий ҳақиқат деб талқин этувчилар бор. Манбалардаги бир тарихий воқеа, шахслар хусусида неча ўнлаб талқинлар мавжудлигини ҳам унутмайлик.Чунончи, Ленин, Ста



Умарали НОРМАТОВ дўсти, ёзувчи Ўткир ҲОШИМОВ билан.

лин ҳақида танқидий фикрлар билан баробар замондошлар, ҳатто XX асрнинг нени буюк алломалари қаламига мансуб бир неча жилдларга жо бўлгудек ҳамду санолардан иборат хотира, маълумот, мулоҳазалар мавжуд, уларнинг кўпчилиги китоб бўлиб ҳам чиққан. Шуларни бугун ҳақиқат деб бўладими?!

Фан бир жойда тўриб қололмайди, эҳтимол эртага жиддий илмий кашфиётлар яратилиб, бугунги қарашлар бутунлай ўзгариб кетиши ҳам мумкин. Айни пайтда тарих фанининг ҳозирги тараққиёти эндиликда асло барча бир хил қўшиқни айтиши шарт, деган маънони англатмайди. Муҳим тарихий ҳодисаларга, шахсларга илмий асосланган, ўй-мушоҳадаларга ундовчи хилма-хил қарашлар қанча кўп бўлса – шунчалик яхши. Бу фикр, айниқса, тарихий мавзудаги бадиий асарларга дахлдордир. Жаҳон адабиёти тарихидан маълумки, буюк тарихий воқелар, шахсларнинг улуғ, даҳо адиблар томонидан хилма-хил, ҳатто, бир-бирларининкига зид ҳолда талқин этилиши нормал, табиий бир ҳолдир. Биламизки, ҳазрат Навоий достонидаги Искандар образи тарихий шахс Александр Македонскийдан кескин фарқ қилади. Мария Стюартни Ф.Шиллер ўзгача, С.Цвейг бошқача, В.Скотт яна ўзгача талқин этган. Клеопатранинг В.Шекспир, А.Пушкин, Шоу ва Чўлпон асарларидаги, шунингдек, 60-йиллари Америка санъаткорлари яратган фильмдаги талқинлари нақадар хилма-хил.

Миллий адабиётимизнинг яқин кечмишидан бир мисол. Одил Ёқубов "Кўҳна дунё" романида сарой муҳити, салтанат ичидаги зиддиятлар, Султон Маҳмуд Ғазнавий руҳий драмаси ифодаси кенг ўрин олган. Роман тарихга синфий ёндашиш талаби устувор бўлган, жаҳонгир шоҳу султонлар ҳақида ижобий гап айтиш ман этилган, жумладан Ғазнавийга салбий муносабат авж паллага кўтарилган кезларда дунёга келгани туфайли, бу образ талқинида давр руҳи асотирлари маълум даражада ўз муҳрини қолдирган. Асар муаллифи Султон Маҳмудни кўпроқ мустабид ҳукмдор сифатида кўрсатишга жазм этади; Султоннинг эзгу ишлари, қурган қасрлари, яратган гўзалликда беназир жаннатмонанд боғлари, барпо қилган масжид ва мадрасалари, илм-фан кишиларига кўрсатган саховатларини, жанглардаги жасорати ва мардлигини қамроқ тасвирлаб, унинг хаётда йўл қўйган хатолари, адолатсизликлари, гуноҳлари учун умри сўнггида чеккан рухий қийноқларига кенг ўрин беради. Шуларга асосланиб сўнгги пайтларда роман муаллифи шаънига гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона имо-ишоралар орқали баъзи таъна, дашномлар билдирилмоқда. Эҳтимол, бирор ўзбек адиби бугунги кунда Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳаётига мурожаат этиб тамомила бошқача, яъни унинг кўпроқ хайрли ишларини, ижобий хислатларини кўрсатишга жазм қилиб, бу ишни қойил қилиб адо этса, марҳамат, бундай ижодий жасоратни фақат табриклаш мумкин. "Кўҳна дунё"да Султон кўпроқ мустабид сифатида гавдалантирилган экан, бу ҳам умуман олганда тарихий ҳақиқатга зид эмас, бу мураккаб улуғ тарихий сиймо ҳаёти ва шахсиятида бунинг учун етарли асослар бор, ёзувчи шундай йўл тутишга ҳақли.

– Мустақиллик даврида ижодкорларга диний мавзуларни ёритиш учун кенг майдон очилди. Улар истиқлол берган бу имкониятдан қандай фойдаланишмоқда?

– Динга, адабиётдаги дин билан боғлиқ масалаларга муносабат бобида узоқ эмас, ўн-ўн беш йил бурун юз берган воқеа, ҳодисаларни бугунги талабаларга сўзлаб берсангиз ишонишмайди. Университет талабаларидан бири Яссавий ҳақида савол бергани учун ўша талаба ва аудиториядаги муаллим (Ботирхон Акрамов) бошига не-не савдолар тушгани, махсус комиссия тарқатган анкетанинг никоҳ ўқитиш хусусидаги саволига икки талаба ижобий муносабат билдиргани учун филология факультети атрофида қанақа шов-шувлар кўтарилгани; диний мавзуда ижобий гап айтиш, ёзиш ман этилгани, ҳатто мумтоз шоирларимиз, В.Шекспир асарларидаги диний сўзлар таҳрир этилгани – бу латифанома воқеа-ҳодисалар чиндан бўлиб ўтганига гувоҳмиз-ку, ахир! Халқда "ношукур банда" деган гап бор. Рости, динга, исломга муносабат бобида сўнгги йилларда содир бўлган буюк ўзгаришларнинг қадрига етганимизча йўқ.

Кейинги ўн йил ичида миллий адабиётимизда бутун бошли диний йўналиш туғилиб шаклланишга улгурди. Бироқ бу йўналишда ёрқин бадиий кашфиётлар борми, деган саволга дадил ижобий жавоб беришга қийналасан, киши. Ҳозир диний мавзуда асар ёзмаган ёхуд Оллоҳ номини зикр этмаган асар, шоир ёки носирни тополмайсиз. Узоқ йиллик илоҳга чанқоқлик ҳамма қаламкашни ёппасига руҳониятга юз буришга олиб келди. Куни кеча даҳрий мавзуларда қалам тебратиб, "партия-совет қўшиқлари"ни куйлаб юрган шоирлар ҳам илоҳий мавзуларда, жумладан, ҳадис йўлларида шеърлар бита бошлади. Ҳазрат Навоий бутун ижоди давомида устози Жомий тажрибасига таяниб, бор-йўғи қирқта ҳадис асосида тўртликлар яратиш билан чекланган эди. Қаранг, даҳо шоир бу борада қанчалар масъулият билан иш тутган-а! Бугунги шоирларимиз шеърий ҳадислар ёзиш

да аллақачон ҳазратни, "йўлда қолдириб" кетдилар. Ёки тасаввуфий йўлларда яратилаётган шеърларни эслайлик. Бу йўлда ҳам қалам чекмаган шоир қолмади, десам янглишмайман. Абдували Қутбиддин, Асқар Маҳкам, Ҳалима Ахмедова изланишларини мустасно этганда, ҳозирча бу йўлда жиддийроқ бадиий кашфиёт дейишга арзигулик асарлар яратилганлигини эслай олмайман. XX аср адабиётида кўп мавзулар модага айлантирилди. Бироқ диний-исломий, тасаввуфий мавзуларни модага айлантиришга ҳаққимиз йўқ. Бу гуноҳи азим! Тасаввуфий йўлда асар ёзиш учун, менимча, мутасаввуф бўлиб туғилиш керак; минг йиллик адабиётимиз тарихига назар ташлайлик. Мутасаввуф шоир бўлиб танилганлар бармоқ билан санарли: Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр, Машраб, Ҳувайдо... Мундоқ мақом ҳаммага ҳам насиб этавермас экан-да! Айниқса бизнинг замонимизда.

– Айни кунларда адабиётшуносларимиз олдида турган долзарб вазифалар нималардан иборат. Бу соҳада сизни қувонтирадиган ва қийнаётган муаммолар ҳақида гапирсангиз.

– Бу саволингизнинг иккинчи қисмига юқорида ҳозирги ёш танқидчилар фаолияти хусусида гап кетганда қисман жавоб бердим. Айни кунларда адабиётшуносларимиз олдида турган долзарб масалалар беҳад кўп. Мумтоз адабиёт, халқ оғзаки поэтик ижоди бўйича кўндаланг бўлиб турган муаммолар бевосита шу соҳаларнинг мутахассисларига яхши аён. Мен кўпроқ XX аср янги ўзбек адабиёт тарихи билан шуғулланганлигим учун бу борадаги энг жиддий вазифа – янги ўзбек адабиёти тарихини жаҳон адабиёти фани ютуқлари асосида янгича идрок ва танқид этишдан иборат деб биламан.

Ҳеч қанақа тарафкашликка берилмасдан, юксак адабий-эстетик мезонлар асосида миллий адабиётимизнинг бир аср давомида босиб ўтган ўта мураккаб, зиддиятли, фожеий ҳамда шонли йўлини ҳаққоний ёритиш, унинг чинакам илмий тарихини яратиш шу соҳа нонини ейдиганларнинг бурчидир.

Хабарингиз бор, 6-7 йилдан бери ўрта мактаб янги адабиёт дастури ва дарсликлари бўйича иш олиб бораяпти. Шу кунларда V-IX синфлар учун тубдан янгиланган янги дастур ва дарсликлар яратишга киришилди. Афсус, олий ўқув юртлари бу сохада анча ортда қолди. Маълумки, филология факультетларида адабиёт бўйича ўндан ортиқ фан ўрганилади. Шу фанларнинг бирортасида ҳам ҳозирча бугунги талабларга жавоб берадиган ўқув қўлланмаси-дарслиги йўқ. Айрим фанлар бўйича яратилган янги дарсликлар нашри турли баҳоналар билан ортга сурилиб келинмоқда. Энг оқсоқ соҳа адабиёт назариясига оид замонавий қўлланмаларнинг, ҳатто, дастурнинг йўқлигидир. Мавжуд дастур, қўлланмаларни, замонавий жаҳон эстетикаси, адабиёт назарияси фани даражаси, мезонлари билан ўлчанадиган бўлса, бу соҳа бизда камида ярим аср орқада қолиб кетганлиги аён бўлади. Назарияни эгалламай, бугунги жаҳон адабий-танқидий тафаккури даражасига кўтармай туриб, бошқа кўплаб долзарб масалаларни ҳал этиш асло мумкин эмас.

– Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Маҳмуда АБДУЛЛАЁРОВА
суҳбатлашди.

Форс ҳикоятлари

Чироқ

Кўзи кўр одам қоронғу кечада қўлида чироқ, елкасида кўза кўтариб бозорга борарди. Уни бир одам тўхтатиб сўрабди: "Эй, нодон, кўзинг кўр бўлса, сенга кеча билан кундузнинг фарқи йўқ-ку! Нега чироқ кўтариб юрибсан?" Шунда кўр кулиб: "Бу чироқ мен учун эмас, балки сен учун, қоронғуда кўрмай қолиб елкамдаги кўзани синдириб юбормагил", дебди.

Ўғирланган от

Бир одам деҳқоннинг уйидан отини ўғирлаб кетибди. Деҳқон излаб юрса, бегона киши унинг отини миниб кетаётган эмиш. Деҳқон дарҳол отнинг жиловидан ушлаб: "Бу менинг отим, уни ўғирлашганди", деб фарёд солибди. Шу заҳоти одамлар тўпланишибди: "От кимники?" деб, сўрашибди. Шунда отда ўтирган одам: "От меники", деб жавоб берибди. Деҳқон дарҳол чакмонини ечиб отнинг бошига ташлабди ва сўрабди: "От сеники бўлса айтчи, отнинг қайси кўзи кўр?" От минган одам ўйлаб туриб: "Отимнинг чап кўзи кўр эди", деб жавоб қилибди. Деҳқон: "Йўқ, отнинг чап кўзи кўр эмас", дебди. Шунда у: "Кечирасизлар, адашиб кетдим, отнинг ўнг кўзи кўр эди", дебди. Деҳқон чакмонини отнинг бошидан олиб: "Эй, халойиқ, кўринглар, отнинг икки кўзи ҳам соппасоғ, кўр эмас", дебди. Маълум бўлибдики, от минган одам ўғри экан. Халойиқ отни эгасига қайтариб, ўғрини эса зиндонга жўнатишибди.

Ҳамён

Бир киши уй ичида пул тўла ҳамёнини йўқотиб қўйибди ва қозининг олдига келиб, арз қилади. Қози шу куни уйда у билан бирга бўлган барча одамларни тўплаб, ҳар биттасига узунлиги бир хил чўплардан тарқатиб беради ва "Ким пулни ўғирлаган бўлса, ушбу қўлидаги сеҳрли чўп эртагача бир бармоқ узунлигида ўсади", дебди. Пулни ўғирлаган одам кўрққанидан уйига бориб, чўпни бир бармоқ узунлигида кесиб ташлабди. Эртасига қози ҳамманинг қўлидаги чўпларни йиғиб олиб, ўлчаб кўрибди ва ўғрини топиб жазолабди.

Гувоҳ

Бир йигит бир чолга юз динор пул бериб, сафардан қайтиб келгунига қадар сақлаб туришни илтимос қилиб жўнаб кетибди. Йигит сафардан қайтиб келгач чолнинг олдига бориб ташлаб кетган омонатини қайтаришни сўрабди. Чол йигитдан пул олганини инкор қилибди. Йигит йиғлаб қозининг олдига борибди. Қози чолни чақиртириб: "Бу йигитдан пул олганмидинг?" деб сўрабди. Чол яна инкор қилибди. Шунда қози чолга қасам ичишни буюрибди. Чол қасам ичибди. Йигит: "Бу чол қасамдан ҳам қўрқмайди", деб, йиғлабди. Қози йигитдан: "Пул берганингда қаерда ўтиргандинг?" деб сўрабди. Йигит: "Дарахтнинг тагида", деб жавоб берибди. Шунда қози: "Нега, гувоҳим йўқ, дейсан?" дебди ва йигитга ўз мухрини бериб: "Бориб дарахтга айт бу ерга келсин", дебди. Йигит ҳайрон бўлиб, қозига қараб: "Дарахт сизнинг ҳукмингизга бўйсунмас деб қўрқаман", дебди. Қози: "Мухрни олиб бориб дарахтга кўрсат ва бу қозининг муҳри, десанг албатта келади", деб жўнатиб юборибди. Бир пастдан кейин қози чолга юзланиб: "Йигит дарахтнинг олдига етиб бордими?" деб сўрабди. Чол: "Йўқ ҳали", деб жавоб берибди. Йигит анча вақтдан кейин ғамгин бўлиб, қайтиб келибди. Йигит дарахтнинг олдига бориб, мухрни кўрсатиб қози чақираётганини, аммо дарахтдан ҳеч қандай садо чиқмаганини айтибди. Шунда қози: "Дарахт келиб, гувоҳлик бериб кетди", дебди. Чол қозига қараб, таажжубланиб: "Эй қози, нега ёлғон гапирасан, ҳеч қандай дарахт келгани йўқку", дебди. Қози: "Тўғри айтасан, ҳеч қандай дарахт келгани йўқ, бироқ, мен сендан йигит дарахтнинг олдига етиб бордими, деб сўраганимда, йўқ деб жавоб бердинг, агар дарахтнинг тагида пули олмаган бўлсанг, қайси дарахт деб сўрамадинг?!" дебди. Бундан кўринадики, йигит рост гапирган экан, шундан сўнг чол айбига икрор бўлиб, пулни қайтариб берибди.

Форс тилидан
Баҳром ЖУМАНИЁЗОВ
таржима қилган.

КУТУБХОНА — ИККИНЧИ УЙ

"Кутубхона ўз уйимдек бўлиб қолган", дейди Шовот тумани марказий кутубхона директори Иброҳим Хажиев.

Ҳақиқатан ҳам шундай. У Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика институтининг кутубхоначилик факультетини тугатганидан буён кутубхоначилик соҳасида ишлаб келмоқда.

Иброҳим кутубхонага болаликдан қатнай бошлаган. У қишлоғидаги мактабда бошланғич синфда ўқиб юрган пайтидаёқ қишлоқ кутубхонасига тез-тез кириб, у ердаги болалар учун нашр қилинган газета-журналларни, эртакларни, қиссаларни мутолаа қиларди.

Иброҳимнинг кутубхонада узоқ ўтириб мутолаа қилиши, китобга муҳаббати мактабда яхши баҳолар билан ўқишига катта ёрдам берди. Шунинг учунми, у бутун умрини китоблар орасида ўтказишга аҳд қилди ва мактабни тугатганидан сўнг кутубхоначиликка ўқишга аҳд қилди.

Олийгоҳни тугаллаган Иброҳим меҳнат фаолиятини оддий кутубхоначиликдан бошлади, кейинчалик ўзининг она қишлоғи Ижтимоётдаги кутубхонада мудир бўлиб қолди.

Қачонки ўз касбингни севсанг, унга ҳаётингни бағишласанг, камолотга интилсанг, шундагина яхши натижаларга эришасан. Иброҳим бошчилик қилаётган кутубхона кўп марта барча кўрсаткичлар бўйича, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига ва ўқувчиларга хизмат кўрсатишда тумандаги энг яхши қишлоқ кутубхонаси деб топилган.

Иброҳим узоқ йиллардан буён маълум сабаблар билан ёки касаллиги туфайли кутубхонага келолмайдиган уруш фахрийларига, нафақахўрларга, қарияларга, ногиронларга китоб, газета ва журналларни уйларига олиб бориб, хизмат кўрсатади.

Юқадан берилиб ишлагани учун у 1974 йилда Шовот тумани кутубхонасига директор қилиб тайинланди. Кутубхона ўша кезларда эски бинода жойлашган эди. Иброҳимнинг елиб-югуришлари, жонкуярлиги, туман раҳбарларининг ёрдами туфайли икки қаватли махсус бино қурилди ва кутубхона шу янги бинога кўчирилди.

1978 йилдан бошлаб мамлакатда кутубхоналарни марказлаштириш тизими бошланди. Туман марказий кутубхонасига марказлашган кутубхона тизимига (МКТ) барча қишлоқ кутубхоналари бирлаштирилди. Ана шунда Иброҳимни МКТга директор қилиб тайинлашди. 1978 йилда ҳозиргига қараганда тармоқлар (филиаллар) анча кам эди.

Ҳозирги кунда Шовот МКТсида 1 та марказий, 3 та болалар, 42 та қишлоқ кутубхоналари бор. МКТ жамғармасида 400 мингга яқин адабиёт ва брошюралар мавжуд. Кутубхоначилар йилига 34 мингга яқин китобхонларга 590 мингдан ортиқ адабиётлар билан хизмат кўрсатадилар. Бу дегани туманнинг 35 фоиз аҳолиси китоб ўқиди, илм олди демакдир.

Болалар ва ўсмирларга кутубхона хизмати кўрсатиш етакчи ўринда туради. Кутубхонада "Мустақиллик, оила ва миллий анъаналар", "Кутубхона ва оила" мавзуларида китоб кўргазмалари, турли тадбирлар ўтказилади.

Мустақиллик кунига бағишлаб, Президентимизнинг асарларини ўрганиш, адабиёт кечалари, китобхонлар анжумани, китоб ҳақида суҳбат ва мушоира кечаларига бағишланган тадбирлар барчада катта қизиқиш уйғотмоқда.

Китобхонлар учун хоразмлик ўзбек шоир, ёзувчи ижодларига ва мамлакатимиз машҳур давлат арбобларига бағишланган расмли китоб кўргазмалари очилган. Бу йил Аёллар йилида Шовот тумани кутубхоналарида оналаримизга, опаларимизга, севимли мураббийларимизга, меҳнат фахрийларига бағишланган қизиқарли тадбирлар ўтказиш мўлжалланмоқда. "Аёл ва жамият" номли ҳаракатдаги кўргазма тузилди. "Аёл борки олам мунаввар", "Тумандаги раҳбар ва тадбиркор аёллар" деган мавзуда адабий-мусиқали кечалар ўтказиш мўлжалланди.


Ўзининг йигирма етти йиллик умрини севимли касбига бағишлаган Иброҳим аканинг раҳбарлиги остида ана шундай оммавий тадбирлар ўтказилаётир.

– Кутубхона – менинг иккинчи уйим, – дейди Иброҳим ака. – Ўзим китоб ва газетасиз туролмайман. Эрталабдан янги келган газеталарни кўздан кечираман. Бизнинг асримиз – ахборот асри. Мамлакатимизда ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиш учун кўп нарсаларни билиш керак. Ўқиганларимни китобхонларга етказиш учун ходимларга гапириб бераман. Кутубхонамизда "Ўқинг, бу қизиқарли" мавзусида стенд бор, бу стенд ҳар доим янги мақолалар билан тўлдириб борилади. Бирор кунимни кутубхонасиз тасаввур қилолмайман.

Ўз касбига ҳалол муносабати, янги адабиётлар тарғиботини яхши йўлга қўйганлиги учун республика ва вилоят маданият муассасалари томонидан Хажиев бир неча марта фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Камтар ва меҳнаткаш, юртдошларига зиё тарқатувчи, адабиёт тарғиботчиси бу йил 50 ёшга тўлди. У муаллима турмуш ўртоғи билан етти фарзандни тарбиялаб ўстирмоқда. Уни чин кўнгилдан табриклаб, сиҳат-саломатлик, ишларига муваффақиятлар тилаб, "Ҳорманг, Иброҳим ака!" деймиз.

Гулистон ҚАЛАНДАРОВА,
Хоразм вилояти К.Исмоилов номли илмий универсал кутубхона директори.





Тасаввуф чорраҳасида

МАЛОМАТИЯ СУЛУКИ

Маълумки, тасаввуф таълимоти ҳар хил йўналишга (зеро, ҳаммасида мақсад битта – Комил инсонни тарбиялаш, аммо бу ўринда улардаги қонун-қоидаларнинг ҳар хиллиги назарда тутилмоқда) эга бўлган сулук ва маслакларни ўз ичига олади. Тасаввуфнинг маломатия маслаги ҳам ўз фаолияти давомида қаландарлик, риндлик каби маслакларнинг вужудга келишига замин яратди.

IX асрда Хуросонда пайдо бўлган маломатия маслагининг асосчиси Ҳамдуна Кассар (ваф. 884) бўлиб, ўша вақтларда "кассария" ёки "ҳамдуния" деб ҳам юритилган. ("Маломатия" дегани одамлар ҳар қанча маломат қилсалар ҳам хурсанд бўлиш, маломат орқали Илоҳ назидда улуғлик топиш демакдир). Улар зоҳидлар ва сўфийлардан кескин фарқ қилиб, оддий одамлар каби либос кийганлар. Шунинг учун ҳам маломатийлар ислом дини ва тасаввуфнинг баъзи сулуклари билан бу қарашларда келиша олмаганлар. Баъзи бир шайх ва сўфийлар ҳирқа кийиб юришни, доимий тоат-ибодатда бўлиб, авом халқдан ажралиб туришни тарғиб этишган. Биз бу ерда икки тоифа – ҳақиқий сўфийлар ҳамда молу дунёга ҳирс қўйган риёкор шайхларни назарда тутмоқдамиз. Чунки улар орасида ҳам зоҳиран, ҳам ботинан Аллоҳга ўзини бахшида этган сўфийлар, аксинча, зоҳиран тақводор кўринсалар-да, ботинида риёкор ва мол-мулкка руҳу қўйган шайхлар ҳам бўлганлигини унутмаслигимиз лозим. Маломатийларнинг сўфийлардан фарқли томони шундаки, уларнинг ақидаларига кўра тоат-ибодат ўзгалардан сир тутилиши керак, улар кашфу каромат кўрсатишни куфр санаганлар.

Тожик олими А.Муҳаммадхўжаев "Маломатия" китобида уларга қуйидагича таъриф беради: "Бу таълимот тариқат йўлига кирган соликдан маърифатни мукаммал эгаллашни талаб қилади. Бунинг учун эса соликда ботиний ва зоҳирий дунёқараш пок бўлиши, дунё ғаму ташвишларидан озод ҳамда исломий суннат қонун-қоидаларига амал қилишлари лозим бўлган. Маломатийларнинг ботиний ниятларидан ҳеч ким огоҳ бўлмаслиги, зоҳирий ва ботиний кечинмалари бир-бирининг акси бўлиши талаб қилинган. Шунинг учун ҳам баъзан улар шариат қонун-қоидаларини қасддан бузиб, одамларнинг таъна-дашномларига мубтало бўлишган, кўп ҳолларда гадойлик, мешкобчилик, ўтин сотувчилик, пичоқчилик ва бошқа жисмоний меҳнат билан шуғулланганлар. Чунки уларнинг наздида кибру ҳаво, манманлик соликнинг камолоти ва маърифатга эришишига тўсқинлик қилади".

Машҳур сўфийлар Боязид Бистомий (ваф. 691), Абдусаид Ҳаддод (ваф. 687), Абу Усмон Ҳирий (ваф. 910), Абу Саид Шиблий ва Абдулқодир Гелоний ана шундай сифатларга эга бўлганлар.

Эрон олими Манучеҳр Муртазо ёзади: "Маломатий маслагининг машҳур шайхларидан бири бўлган Боязид Бистомий рамазон ойи рўза кунларида сафарга отланадилар. Қишлоқ аҳли эса кутиб олиш учун шайхга пешвоз чиқади, аммо у бутун халойиқ олдида рўзасини очиб юборади. Бундан дарғазаб бўлган халойиқ шайхга нафрат кўзи билан қарайди".

Абу Абдураҳмон Сулламий (ваф. 1021) "Рисолаи маломатия" рисоласида бу маслак ҳақида муфассал маълумотлар келтиради. Сулламий ирфоний билимларга қизиқиш кучайган бир муҳитда яшади, тасаввуф ва ҳадис илмини мукаммал эгаллади. Машҳур машойихлар Абулаббос Исм, Аҳмад Ҳуснавия Макрий, Аҳмад Муҳаммад Абдусидий, Муҳаммад Саид Розийлар Сулламийнинг замондошлари эдилар. Сулламийнинг шуҳрати ҳали у тириклигидаёқ ёйилган эди. Ҳужривий "Кашф ул маҳжуб" асарида ёзади: "Сулламий машойихлар, уларнинг ҳаётий саргузаштлари, ҳикоя қилинган ривоятлари, сулукларининг одоб-ахлоқлари, қонун-қоидалари ҳақида суҳбатлар, баҳсли мунозаралар қилиб, кейинчалик далиллар, маълумотлар асосида махсус рисола яратди".

Сулламий мазкур рисоласида маломатийликнинг 45 қоида ва усулларини санаб ўтади. Айрим қоидалар бир-бирини такрорлаб келгани учун тожик олими Курбон Восеъ уни "Ойини риндӣ ё маслаки Ҳофиз" китобида 40 тага қисқартириб келтиради.

Биз ушбу манбалардан фойдаланиб, маломатия хусусиятларининг қисқача таҳлилини келтирмоқчимиз.

Маломатия маслаги ўзига хос усулларга эгадир.

Биринчидан, бу маслакка эргашувчилар зоҳирда ибодат қилишни ширк, яъни гуноҳ деб билиб, ботин аҳволининг аён бўлишини маъқуллайдилар.

Иккинчи – иззат қўлга киритиладиган фатҳу нусратни (ғалабани) қабул қилмаслар. Маломатийлар ҳамиша ўз нафслари билан зиддиятда бўлиб, иззат талабликдан йирокда бўлиш учун хабис (ёвуз, бузуқ) нафсни йўқотиш чораларини излаганлар.

Учинчи – ўзгалар ҳуқуқини (ҳақ манфаатларини) адо (яъни, ўзгалар учун хизмат этурлар), аммо ўзгалардан ўз ҳақларини талаб қилмаслар.

Тўртинчи – ҳар қандай қийинчиликлар бўлмасин, дилларидан мол-дунё муҳаббатини чиқариш учун ҳаракат қилурлар.

Бешинчи – ғафлат шундай бир нарсадирки, маломатийларнинг аҳвол ва афъолига назар солиш учун кишиларга эркинлик бахш этади. Қачонким бу тоифа яратувчидан лутфу омонлик кўрадилар, улар (яъни маломатийлар) томонидан юз берадиган ҳар бир ҳолатни (амални) таҳқир этурлар ва манфаатларни зарарлар ёнида кўзга илмаслар.

Олтинчи – улар жафо кўрсатганларга мулойимлик, сабр-тоқат, ҳоксорлигу узрхоҳлик билан жавоб берурлар ва ҳеч қачон ёмонликка ёмонлик билан жавоб бермаслар, "ёмонликни яхшилик билан қайтар" деган оятга амал қиладилар.

Еттинчи – ҳамма ҳолатда, хоҳ иқбол (бахтли) ҳолатида бўлсин, хоҳ идбор (бахтсиз) ҳолатида, нафсни итҳом этмоқ (нафсни бадном қилмоқ).

Саккизинчи – бошда руҳ аҳволидан пайдо бўладиган нарса риёга айланади. Қалбда зоҳир бўладиган нарса бошда ширк бўлур ва нафсда зоҳир бўлиб инсонга ўз таъсирини кўрсатадиган нарса табънинг бузилиши ва шайтон ўйинидир. Ҳар кимки нафсни таҳқир этса зиёдат бўлгай ва тараққий топгай, бошнинг аҳволи руҳ ҳолидан устун бўлса ва қалб ундан огоҳ бўлмаса қалб ҳоли бош ҳолига тараққий этгай. Бундай пайтда у бирон кашфиётга қодир бўлиб, истаган нарсасини ўз кўзи билан кўргай, ўзи бўлган жойларни мушоҳада қилгай ва ўз қалби билан кўриб, ғойибдан хабар бергай. Руҳ ва бошда мушоҳада ҳосил бўлгач, қалб ва нафсдан қайтмаслар. Шу билан бирга унинг зоҳири илмга муҳтож бўлиб, нафс бадномлигидан (яъни, нафсни таҳқир этмоқ) тўхтамас.

Тўққизинчи – маломатия маслагида тўрт хил зикр бор: тил зикри, дил зикри, бош зикри ва руҳ зикри. Буларнинг ҳар бири бошқасига офат келадир. Масалан, агар руҳ зикр қилса, қўл ва қалб зикрдан

тўхтайдилар – буни зикри мушоҳада дейдилар. Агар бош билан кўл зикри этса, қалб ва руҳ зикр этишдан тўхтайдилар ва буни зикри ҳайбат дейдилар. Зикри қалб ҳақиқат пайдо қилгач, тил зикридан сокин бўлгайким, бу зикри олоий ва неъмат зикри деърлар. Қалб зикридан ғофил бўлгач, тил зикр этгайким уни зикри одат дерлар.

Ўнинчи – маломатийлар зоҳирий лаззатларнинг ашаддий ва устивор мухолифидирлар.

Ўн биринчи – ҳамиша ботинни мустаҳкамлаш пайида бўлгайлар.

Ўн иккинчи – қавм имомларидан биридан адаб ва расму русумни ўрганмоқ ва барча илмларга ружуъ этмоқ, яъни ҳар кимки устозидан адаб ўрганмаган бўлса у маломатийлик маслагида баттолдир.

Ўн учинчи – агар маломатиянинг эргашувчиси бирор амал ва тоатга майл этиб, уни устунроқ деб билса, баттол бўлгай.

Ўн тўртинчи – маломатийлар вақтни азизу шариф билгайлар. "Вақт сен учун азиз неъматлардандир, шундай экан, уни ўзинг учун энг азиз бўлган нарсалар учун сарф этгил".

Ўн бешинчи – инсон ўз нафсининг душмани бўлмоғи лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ахволидан рози бўлмасин, чунки бир лаҳза рози бўлмоқ уни йўлдан адаштиради.

Ўн олтинчи – амални назарда тутиб, у билан фахрланмоқ ақлсизлик ва ақл ҳамоқатидир. Фахр ва манманлик қилувчи шахсга теккан амал халққа бахтсизликдан бошқа нарсани келтирмагай. Бинобарин, "Қилаётган ишига лаёқати йўқлигини билиб туриб, ўз амалидан қандай хурсанд бўлиш мумкин?"

Ўн еттинчи – илм тўғрисида сўзлашдан ўзини тиймоқ ва унга муҳаббат қилмаслик ва маломатий сир-асрорини ўзгаларга (бегоналарга) изҳор этмаслик.

Ўн саккизинчи – симоъ. Бошқаларни ҳайбати кучи ила ҳаракатдан тўхтатувчи ва мартабали бўлган бирон шахс ҳузурида ижро бўлгай. Зеро, унинг ҳайбати кучи ўзгаларни бошқаради. Ҳақиқатан мусоҳабати симоъ шуки, шахс атрофидагилар вақтини бошқариб, улар устидан ҳукмронлик қилса ва ҳаммани итоат эттириб уларга қаҳру ғазабини сочади.

Ўн тўққизинчи – фақирлик маломатийлар учун сирдир. Демак, ҳар кимки фақирликни кўрсатса, ўз ҳаддидан қайтгай (яъни, мартабасини йўқотгай). Бу гуруҳ учун фақир ўша киши бўла оладики, фақирликни фақирлардан ўзга бирор кимса билмаса. Агар биров унинг фақирлигидан огоҳ бўлса, у фақрини йўқотади ва муҳтож киши саналади, яъни муҳтожлар кўп, аммо фақирлар оздир. Агар маломат аҳли ўз сирини пинҳон тутолмаса фақирлик ундан ботил бўлгай.

Йигирманчи – либосни алмаштирмаслик ва ҳаётда халқ қандай вазиятда бўлса ўшандай яшамоқ.

Йигирма биринчи – одамлардан айб қидирмаслик ва халқ айбини яшириш учун ҳаракат қилмоқ.

Йигирма иккинчи – бировга бирон нарса бахшида этган киши нарсасига баҳо бермаслиги лозим. Зеро, ҳар кимки бировга бирон нарса ҳадя этса насиба эрур. Мана шу тариқа нарса ўз эгасига етади.

Йигирма учинчи – ҳар кимки тоат-ибодат билан парвардигор марҳаматига эришиш мумкин деб ўйласа энг маърифатсиз бандадир, зеро, марҳамат истамоқ нафснинг бир туридир.

Йигирма тўртинчи – инсон ўз биродаридан айб изласа, ўзи ҳам айбдордир.

Йигирма бешинчи – лойиқ бўлмасдан дуо қилмаслик.

Йигирма олтинчи – ишларда кўп ҳаракат қилмоқ бахтсизлик аломатидир, виқор ва осойишталик саодат нишонасидир. Шу сабабдан ишларнинг охиригача сабр қилмоқ энг катта бахтдир.

Йигирма еттинчи – хизмат қилиб ҳурматли бўлиш ва халқ диққатини ўзларини жалб этишдан парҳез қилурлар ва айтурлар: бандани бундай ишлардан не мурод, буларнинг ҳаммаси олижаноблларга хосдир. Улар бу ҳақда Муҳаммад Бинни Аҳмад Фарри Яминийнинг ҳамдун тилидан айтган сўзини далил келтирадилар: "Банда кимдир? Деди: улким ибодат қилади, аммо ибодат бўлмоқни ёқтирмайди".

Йигирма саккизинчи – инсон ўз фаросатидан парҳез қилмоғи ва ўз нафсига фаросат даъво қилинмаслиги керак.

Йигирма тўққизинчи – мўмин ўз биродарига кечаси чироқ, кундузи ҳасса бўлмоғи лозим, бунинг маъноси шуки, маломатий бошқалар ишига кўмак ва мадад беради.

Ўттизинчи – Абу Усмон Бўҳифисдан нақл қилади: "Билимли кишида амал (мансаб) ози бўлади, амали бор кишида билим андак". Бу сўзнинг маъносини ундан сўраганларида шундай жавоб берди: "Кишини билими зиёда бўлса, кўп ҳолатда илми билан озод бўлади, зеро ундаги қусурни билиб олади. Билими оз бўлган киши ўзининг андаккина амалини ҳам бисёр деб билади, зеро, ўзидаги айбу қусурини жуда кам кўради".

Ўттиз биринчи – эшитмоқ кўрмоқдан ғолиб келмаслиги, қулоқ кўздан устун бўлмаслиги лозим. Яъни, эшитган нарсаси унинг нафсига кўп таъсир этса нафс балоси ва мушоҳадани эсдан чиқаради.

Ўттиз иккинчи – дақиқ илмлар ва тахминлар тўғрисида гапирмаслик ва уларни кўп ўзлаштирмаслик, фақат амру наҳй (Аллоҳнинг буюрган ва буюрмаган нарсалари)ни назарда тутмоқ. Абу Залил Иброҳим дейдики: "Отам Абу Аёздан эшитган эди: "Инсон ботинидан яхшиликлар кетса, унинг тили буюк даъволар ва дақиқ илмлардан сўзлайди".

Ўттиз учинчи – маломат аҳли таваккулга ишонади.

Ўттиз тўртинчи – каромат ва мўъжизаларни пинҳон тутмоқ ва уларни истидрож (аста-секин яқинлаштирмоқ), кўз билан кўрмоқ ва Ҳақ йўлидан йироқда тутмоқ.

Ўттиз бешинчи – симоъ, зикр ва илм олиш вақтида йиғламаслик. Андуҳни яширмоқ, зеро у бадан (жисм) учун лозимдир.

Ўттиз олтинчи – уйинг сен ҳаётдан кўз юмган кунингда воиз ва насиҳатгўй бўлсин. Шунда ҳаёт пайтингдаги фақирлигинг зоҳир бўлади. Оламдан ўтсанг, уйинг зодагонлар уйига ўхшасин. Шунда айтсинлар: ҳаётда мана шундай муҳтож бўлмасдан яшагин, ўлганингда уйинг сени фақирлигингни кўрсатади. Шунда сени ўлиминг ўтганларга роҳат ва тирикларга яхшилигу азамат бахш этади: бу ҳақда Абўҳифс бинни Абдулло Ҳажжож қавли бор: "Агар жавонмард бўлсанг, уйинг ўлимингда жавонмардлар кунида маъвоси бўлур".

Ўттиз еттинчи – бирон яратилган (нарса ё кимса)га муҳтож бўлмаслик ва ундан ёрдам сўрамаслик. Зеро, сен муҳтож ва бечора бўлганингдагина бировдан ёрдам сўрайсан. Ҳолбуки, сен ёрдам сўраган кишинг сендан ҳам бечорароқ ва муҳтожроқ бўлиши ва сен бундан бехабар бўлишинг мумкин.

Ўттиз саккизинчи – дуолар мустажоб бўлишидан даҳшатга тушадилар ва маҳзун бўладилар. Абу Усмон Нишопурийнинг бир нақли бор: "бир куни Бўҳифс билан тоққа бордилар ва тоғ этагида ўтирдилар. Шу пайт бир кийик келиб, Бўҳифс олдида тўхтади. Бўҳифс зорзор йиғлади. Ундан сабабини сўраганларида жавоб берди: Сиз билан суҳбат қилаётган пайтимда кўнглимдан ўтдики, агар қўйимиз бўлганда эди, унинг атрофида бирга ўтирар эдик. Шу хаёлни кўнглимдан ўтказганим боис, кўраётганингиздек шу кийик келиб қолди. Фиръавн бўлмасам деб қўрқаман".

Ўттиз тўққизинчи – азобу уқубат келтирадиган ризқни қабул қилмоқ ва иззат-обрў келтирадиган ризқни рад этмоқ.

Қирқинчи – суҳбат ҳусни. Кўриниши шундадирки, ўз молингни биродарингдан дариғ тутмасанг ва унинг молига тамаъ қилмасанг. Унга инсоф қилсанг, аммо ундан инсоф тиламасанг. Унга эргашсанг, аммо у сенга эргашмаса. Унинг жафосига чидасанг, аммо унга жафо қилмасанг. Унинг озгина яхшилигини кўп, аммо ўзингникини оз деб билсанг.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, маломатийликнинг мазкур қонун-қоидалари ўзбек ва форс-тожик мумтоз адабиёти ғазалиётида ҳам кенг тараннум этилган. Хусусан, бу ғоялар Фариддин Аттор, Саноий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Атоий ва Ҳофиз Хоразмий ижодида кўринади. Демак, сўфий шоирлар ҳам қисман бўлса-да, мазкур қоидаларга амал қилганлар. Бу фикрларни исботи учун эса жиддий тадқиқотлар зарур.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси аспиранти.


ЎЙҒУР ЎН ИККИ МУҚОМИ

Ўйғур халқ мусиқаси тарихида XX асрнинг 70-йиллари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу йилларда "уйғур ўн икки муқоми" ҳақида Ўзбекистонда дастлабки тиклаш ва илмий тадқиқот ишлари изчил олиб борилди.

Маълумки, уйғур халқининг оғзаки мусиқа намуналари – Муқом, Достон, Санам, Ноҳшо ҳамда ривожланган шакл ва куйга эга бўлган чолғу асарлар. Муқомларнинг айрим қисмлари ва Санамга тақлид шаклидаги туркумлашган асарлар мавжуд бўлса ҳам, улар шу кунгача тадқиқ қилинмади. Дарҳақиқат, Қашқарияда XVI асрда Ёркент шаҳрини пойтахт қилган ва 150 йил мобайнида ҳукм сурган Саидия уйғур хонлиги даврида, унинг асосчиси султон Абдурашитхон ва унинг хониши (рафиқаси), машҳур муқомшунос олима ва муқом ижрочиси Омонниссохонлар тарафидан уйғур муқомларига катта эътибор берилиб, натижада муқомлар тартибга туширилган эди. XIX асрнинг охирида хўтанлик олим Мулла Исматилло Неъматилло тарафидан яратилган "Таворихи мусиқийун" асарида муқомларнинг номлари, машҳур муқомчи устозлар ва алломалар ҳақида маълумотлар берилган. Булардан ташқари Қашқар, Или каби шаҳарларда созанда ва хонанда устозларнинг шахсий ташаббуси билан ва айрим ҳолларда ерлик ҳукумат амалдорларининг ёрдами билан қисқа курслар ташкил қилиниб юқорида номи тилга олинган мусиқа турларини ўрганиш ишлари олиб борилган.

XX асрнинг 50-йиллари илғор фикрлик уйғур зиёлиларининг ташаббускорлиги билан Урумчи шаҳрида уйғур ўн икки муқомини тиклаш ишлари олиб борилди. Бу ерга машҳур устозлар таклиф этилди. Улар орасида қашқарлик машҳур муқомчи Турди охун ал нағма, хўтанлик Сулаймон охун ал нағма, Или вилоятидан Рўзи тамбур ва Абдували Жаруллаев сингари устозлар бор эди. Ушбу муқом ижрочиларидан ёзиб олинган материаллар асосида муқомларни хитой мусиқашуноси Ван Тунг Шу ноталаштириб, икки жилдлик китоб қилиб 1960 йили Пекинда нашрдан чиқарди. Афсуски, бу нашр ўз олдига қўйган мақсадларини тўлалигича ҳал қила олмаган, яъни, нота ёзуви муқомларнинг амалий ижросини ифодалаб бера олмади. Шундан сўнг кўп вақт ўтмай муқомлар ҳақидаги тадқиқот ва тиклаш ишлари бутунлай тўхтатилди. Ана шундай бир вазиятда Ўзбекистонда ташаббускорлик натижасида уйғур ўн икки муқомини тиклаш ва тадқиқот қилиш ишлари бошланиб кетди. 1967 йили Тошкент радиоси қошида уйғур ансамбли ташкил этилиб, ўн икки муқом ва бошқа мусиқа турларини тарғиб қилиш ишлари амалга оширилди. Ансамблга Қозоғистон ва Қирғизистонда истиқомат қилувчи, Или водийсидан кўчиб келган муқомчи устозлар таклиф этилди. Бу устозлар Или муқомчиларининг йирик намоёндаларидан бўлиб, ўз даврида машҳур муқом билимдонлари ва ижрочилари Рўзи тамбур, Зикри Алпатто ва бошқалар билан кўп йиллар биргаликда бўлиб ижрочилик маҳоратларини оширганлар. Бу муқомчилар орасида Маттойир Ҳасан, Нурмуҳаммад Носир, Ғофур Қодирхожи, Қодир Рози ва Султонмурод Разамовлар бор эди. Булар ансамблга таклиф этилган вақтда Или муқомларини тиклаш асосий вазифа бўлиб, улар муқом гуруҳи шаклида иш олиб бордилар. Аммо муқомчиларнинг ёшлари кексайиб қолганлиги сабабли, муқомларнинг баъзи қисмлари уларнинг хотирасидан кўтарилиб кетган эди. Шунинг учун ансамбл иштирокчилари муқомларни қайтадан ўрганиб, магнит тасмасига туширганда кўпинча бошқа мусиқа турлари муқом қисмларига аралашиб кетган эди. Мисол учун "Ажам" муқомининг достон нағма ва достон марғул қисмлари "Ажам"га алоқадор бўлмаган куйлар ҳам кириб кетган эди.

Маълумки, муқомларнинг матнида диний мазмундаги шеърлар бўлиб, улар анъанавий муқом ижрочилигида қадимдан ижро этиб келиняпти. Аммо ансамблда ёзилган муқомларда ушбу матнлар тамоман олиб ташланиб, уларнинг ўрнига шу ишга масъул бўлган шоирларнинг бармоқ ҳамда мумтоз шоирларнинг ғазаллари киритил



Ҳар гал Алишер Навоийнинг ўз қўли билан чизган "Занжирбанд шер" суратини кўздан кечирганда чуқур ўй-мулоҳазаларга чўмади киши. Улуғ шоир ва мутафаккир ана шу ўлмас сурат билан ўз аҳволи руҳиясига ишора қилмаганмикан? Шоирнинг кичик замондошларидан бири бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърларидан бирида айтадики:

Шоҳмен элга, вале сенга қулдурмен.

Ушбу мисра муаллифи икки томонлама ҳақ эди. Биринчидан, унинг лирик қаҳрамони элни ўзига бўйсундиргани билан, кўнглининг амрига қарши боролмайди. Иккинчи томон – ижтимоий-сиёсий томондан қараладиган бўлса, шеър муаллифи ҳақиқатан ҳам жамиятнинг олий табақасига мансуб бўлиб, уни таъқиқлайдиган, эътироз билдирадиган кучлар деярли йўқ эди. "Бобурнома" характерининг ва услубининг шу даражада очиқ, айрим ўринларда ғоят кескин бўлишига, баъзан эса бетакаллуфлик билан ёзилишига ҳам шу ҳол сабаб бўлиши мумкин.

Бобурдан фарқли равишда, Алишер Навоий ўзи яшаётган давр, мафкура ва муҳит билан ҳисоблашишга қай даражада бўлмасин мажбур эди.

Унинг кескин фикрлари, исёнкор туйғулари, фош этувчи пафоси баъзан мажоз либосида, баъзан эса пардаланган ҳолда берилишига ҳам, услубининг нисбатан мураккаблашувига ҳам сабаб шунда эди, деган хулосага келиш мумкин. Шоир ўзи истаган тақдирда ҳам юрт ҳукмдорининг энг яқин дўсти, муқарраби ҳамда йирик давлат арбоби сифатида ижодий тамойили, ғоявий йўналишлари, орзу-истаклари ифодасига тўла эрк бера олмасди.

Шоир бир ўринда ёзади:

Навоий, асрабон тамкин,
кишидан истама таҳсин,
Чу шаҳ кўргузди истеҳсон
кўриб назмингни мустаҳсан.

Юқоридаги байтни фахриянинг ажойиб намунаси сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Аммо байт замирида

ди. Муқомларни тиклаш борасидаги юқорида қилинган ўзгартиришлардан қатъи назар, халқ ичида муқомлар анъанавий куй ва шеър матнлари билан ижро этиларди.

Ана шу вақтда, яъни 1970 йилларнинг бошларида Ўзбекистон мусиқа ҳаётида энг муҳим воқеалардан бири Тошкент давлат консерваториясида Шарқ мусиқаси кафедрасининг ташкил этилиши бўлди. Файзулла Мўзаффарович Каромотовнинг кўп йиллик ҳаракати билан ташкил қилинган бу кафедранинг олдига қўйилган вазифаси Шарқ халқларининг мусиқа меросини ўрганишдан иборат эди. Ана шу муносабат билан уйғур мусиқа тарихида халқ мусиқа мероси планлик ва узлуксиз равишда ўрганила бошланди. Тошкент радиосида уйғур муқомларининг тикланиш ишлари олиб борилаётган вақтда, Шарқ мусиқаси кафедрасида унинг назарий тарафларининг тадқиқот ишлари олиб борилди.

Кафедрада олиб борилаётган муқомлар устидаги тадқиқот ишлари мустақил хусусиятга эга бўлиб, бу ерда илмий мақсадни нишонга олган ҳолда муқомларнинг ҳар тарафлама ўрганишни, анъанавий асосга ва ижрочиликка эътибор бериш муҳим ўрин эгаллади.

Кафедрада уйғур ўн икки муқомининг дастлабки классификацияси ишлаб чиқилди, мавжуд манбалар асосида муқомларнинг бир неча локал турлари, яъни, Қашқар, Или, Хўтан, Турфон, Кумул ва Дўлон қаторлик муқом турлари аниқланди. Ана шу муқом турларининг ичида Или муқомлари бизга кўпгина жиҳатларидан яқин бўлганлиги сабабли тадқиқот нишони қилиб "Или ўн икки муқоми" олинган эди. Или муқомларининг шеърий асоси анъанавий ижрочилик асосида сақланиб қолинди. Муқомларни ўрганиш мақсадида кафедра Қозоғистоннинг Панфилов (Ёркент) районига экспедиция уюштирди. Бу ерда яшовчи машҳур Или муқом ижрочилари Нурмуҳаммад Носир ва Сейитжон Ҳамроевлардан ёзиб олинган Или муқомлари ҳақидаги маълумотлар мавжуд маълумотлар билан таққосланиб, унинг натижасида биринчи муқом "Рок" муқоми ноталаштирилди ва шу асосда илмий иш ёзилди. Марҳум олим Исҳоқ Ражабий раҳбарлигида Или муқомлари мавзусида илк бор диплом иши ёзилган эди. Шундан кейин бу соҳадаги тадқиқотлар ривож олди. Бирин-кетин Қозоғистон ва Қирғизистон бўйлаб уюштирилган экспедициялар натижасида уйғур халқи орасида кенг тарқалган муқомлар ҳақида тўпланган қимматбаҳо маълумотлар йиғилди. Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти ана шундай халқ дурдонаси бўлган уйғур ўн икки муқомининг классификациялаштириш ва муқомларнинг бир тури бўлган Или муқомларини тадқиқ қилиш ишларининг асосчиси бўлиб қолди.

Маълумки, уйғур муқомлари ҳақида ўтмишда бундай оламшумул тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги муносабати билан бу тадқиқот кўплаб муқом шайдолари орасида катта қизиқиш уйғотди. Лекин баъзилари муқомларнинг классификацияга бўлиш ишларига қатъий қарши бўлдилар. Айниқса филолог, тарихчи ва бошқа соҳадаги олимларнинг назарича бир бутун уйғур ўн икки муқоми парчаланиб кетиш хавфи борлигини таъкидламоқдалар. Шарқ мусиқаси кафедрасидаги устозларнинг кўрсатган тўғри йўли туфайли уйғур муқомларининг классификациялаш ишлари муваффақиятли якунланди. Натижада, юқорида таъкидлаб ўтилган уйғур муқомларининг бир тури бўлган Или муқомлари устида илмий ва амалий тадқиқот ишлари бошланиб кетди.

Или муқомлари Ўрта Осиё республикаларининг деярли барчасида яшовчи уйғурлар орасида кенг тарқалган бўлиб, у муқом шайдолари орасида кўп ижро этилар эди. Бу муқом турининг ўрганишга яна бир сабаб шуки, у уйғур муқом системасида энг кейин вужудга келгани учун бошқа муқом турларини ўрганишда маълум даражада кириш вазифасини эгаллайди. Мана шундай шароитда Тошкентда уйғур муқомларининг бир тури бўлмиш Или муқомларини тўлиғи билан ўрганиш, тиклаш ва тадқиқот қилиш имконияти вужудга келди. Или муқомларининг ҳаммаси нотага олинди.

Тошкент давлат консерваторияси ва Санъатшунослик илмий тадқиқот институти тарафидан уюштирилган ўндан ортиқ илмий экспедициялар жараёнида тўпланган материаллар мавжуд материаллар билан таққосланиб, институт студиясида қайтадан магнит тасмасига ёзилди ва шунинг асосида Ф.М.Карометов раҳбарлигида нотага олинди. Қисқа давр мобайнида, яъни 1977-1981 йиллар ичида Или муқомлари тўлиқ нотага олиниб, 2 жилддан иборат муқомлар тўплами нашрга топширилди.

Хуллас, Ўзбекистонда уйғур муқомлари устида олиб борилган ишлар тўплами баъзи бир нуқсонлардан қатъи назар салмоқли натижаларни қўлга киритди. Навбатдаги масала йўл қўйилган камчиликларни тузатишдан иборатдир.

Абдулазиз ҲОШИМОВ.

ги маъноларга чуқурроқ разм солинса, унда бир оз киноя ва истеҳзо ҳам йўқ эмаслигини тушуниш мумкин. Шоир ҳатто Астроболддалигида туркум шеърларини Ҳусайн Бойқаро назаридан ўтказиш учун юбориб турганлиги шубҳамизни далиллаётгандек туюлади.

Алишер Навоий "Садди Искандарий" достонида иниси Дарвешалига махсус қисм ажратади. Бу қисмда шоир ўз укасига насиҳат қилар экан, Ҳусайн Бойқаро амрларини сўзсиз бажаришга, уни Оллоҳ ва пайғамбардан кейинги зот деб билишга, ҳамиша адаб шартини сақлашга даъват этади. Акс ҳолда ўз оёғига ўзи болта уришидан огоҳ этади:

... Худову Расул амри топқач камол,
Валинеъмат амриға қил иштиғол.

Не ҳукм айласа қилмоғин фарз бил,
Агар шубҳаси бор эса арз қил.

Вале арзда асра шарти адаб,
Ки тарки адаб баҳра берур тааб.

Менга сўз ёзардек анга ёзмагил,
Нишотинг биносин тубин қозмоғил.

Ки ҳақ гарчи исминг тараб айламиш,
Бу жонингға ани сабаб айламиш...

Алишер Навоий мактублари мажмуаси бўлган "Муншаот"ни кўздан кечирганимизда ҳам айтилганларнинг шоҳиди бўламиз. Унинг шоҳга йўллаган мактублари услубида тобеълик руҳи ва тавозе сезилса, Абдураҳмон Жомийга ёзилган хатларида содиқ шогирд, мушфиқ дўстнинг чексиз эҳтироми ва меҳр-муҳаббати кўзга ташланади ва ҳоказо.

Аммо қайд этилган мулоҳазалардан Алишер Навоий маълум маънода замонасоз бўлган, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ўз замонасининг ҳамда келгуси даврларнинг буюк сиймоларидан бири бўлиб қолган Алишер Навоий сўзда ҳам, амалий фаолиятда ҳам ҳақ ва ҳақиқат учун курашганлиги, жамият ва давлат ишларига наф келтирмайдиган қадам қўйганда Ҳусайн Бойқарога тўққиз мартагача эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлганлиги, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам, адабий масалаларда ҳам камчилик ва нуқсонларга ғоят кескин ва муросасиз бўлганлиги манбалардан маълум. Келгусида улуғ шоир ва мутафаккирлардан бири бўлиб етишиши мумкин бўлган Мўмин Мирзонинг ўз бобоси Ҳусайн Бойқаро фармони билан қатл этилганлигини эшитган Навоий ғоят таъсирланиб, ҳатто ўзи бутун умр равнақи учун хизмат қилган мазкур салтанатнинг тез орада таназзулга учрашини башорат қилганлигини ҳам замондошлари ёзиб кетганлар.

Шоирнинг ўз даври ва муҳити билан муносабати ҳақидаги ушбу мулоҳазалар эса шоир дунёқарашидаги бир оз қоронғу жиҳатларини ёритишда, услубидаги ўзига хос хусусиятларнинг юзага келиш сабабларини ўрганишда қўл келади.

Ҳабибулло ЖЎРАЕВ,
Фарғона давлат университети.



“Шоҳнома” — театр кўрки

Театр санъати кишиларнинг маънавий ҳаётида салмоқли ўрин тутиб, ўзининг пайдо бўлиш замони – энг қадимги даврлардан бошлаб инсоннинг бой ички кечинмаларини, қалб изтиробларини, руҳий ғалаён ва туғёнларини кўрсатиш мақсадида ҳақиқий адабиёт намуналарига юз тутди. Адабиётнинг бой тажрибасидан бахраманд бўлиш, унинг турли жанрларига мурожаат этишнинг яна бир афзал томони шундаки, бундай муносабат театр санъатини бадиий ва эстетик жиҳатдан шакллантириш ва ривожлантиришда катта имкониятлар яратди.

Адабиётнинг эсда қоларлик образлари халқ ақл-заковати, топқирлиги ва донишмандлигини тажассум этар экан, умумбашарий масалаларни ўртага қўйиб ҳал этишда муҳим воситалардан бирига айланди. Ана шунга кўра санъатда мумтоз адабиётнинг турли образлари тасвир объекти қилиб олингани ўз-ўзидан маълум бўлади.


Минг йилдан ошиқроқ тарихга молик Шарқ адабиётининг, айниқса поэтик полотноларининг гўзал намуналари турли давр ва замонларда кишиларнинг маънавий камолотида, эзгу мақсадлар сари интилишида улкан вазифани бажариб келди.

Ўзбекистон адабиётшунослари Фирдавсий ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида салмоқли илмий изланишлар олиб бордилар. Жумладан, профессор Ҳ.Ҳомидовнинг кўп йиллик илмий изланишларидан маълум бўлишича, ўзбеклар ичида “Шоҳнома”нинг насрий баёни кенг тарқалган. Буни олимнинг “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” мавзуида ёқлаган докторлик диссертациясидан ҳам билиш мумкин. “Шоҳнома” достонларининг сюжети турли даврларда санъатнинг турли кўринишларида жилоланиб, инсон ҳис-туйғуларини ўзига хос тарзда ифода этиб келмоқда, миллий ва умуминсоний ғояларни, қадриятларни равшанроқ кўрсатмоқда.

“Шоҳнома” образларида фалсафий ва умумбашарий хулосалар, назарий умумлашмалар ўзига хос, миллий рухда манзур этилади. “Шоҳнома” достонлари ўзларининг драматик йўналишига кўра киши диққатини ўзига тортади, унинг талайгина образлари, жумладан, Суҳроб, Сиёвуш ва бошқа образларда шекспирона талқин, ҳиссиёт ҳаяжон, драматик ҳолатларга йўғрилган жиҳатларни учратамиз.

Фирдавсийнинг савол-жавоблари, диалоглари кўп ҳолда персонажнинг ўзгармас, унинг айнан нутқидир ва улар драмалардаги шиддатли, виқор ва тамкинли диалогларни эслатади. Жумладан, “Рустам ва Суҳроб” достонидан олинган қуйидаги парчага эътибор беринг:

Лабида табассум (Сухроб) Рустамдан
суол айлади,
(Аслида унинг кўнгли тимқоронғу кечадай
ғамгин эди)
Кеча-кечқурун сенинг аҳволинг не кечди,
кундузи қай ҳолатдадир?
Уруш майдони – жанггоҳда бўлиб,
кўнглингни нима билан хушнуд этдинг?
Уруш яроғи бўлмиш ўқ ва кину адоват
қиличини улоқтиргил,
Хонумонсўз уруш баҳридан воз кечгил....
Жаҳондор – подшоҳ олдида онт ичайлик,
Уруш баҳридан воз кечиб, кўнгилни
афсусу надоматга қолдирмайлик...
Рустам унга айтди: “Эй ор-номуси бор
инсон
Биз бу ҳақда сира ҳам сўз очишга
улгурганимиз йўқ,
Ўтган кунлар сўз кушти, яъни курашга
тушишдан борарди,
Мен сенинг тузоғингга илинмокчи
эмасмен, бехуда уринма.
Агар сен ёш-яланг бўлсангда, мен ҳам
бола эмасмен,
Мен ҳам курашмоққа камарбастамен.
Биз саъй-ҳаракат қилиб ишнинг
оқибатини яхши томонларини
ўйлашимиз керак.



Жаҳонбин-подшоҳ фармони ва хоҳиши не бўлса, шунга эришмоғимиз даркор.

Ушбу савол-жавобларда достон персонажларининг қалб изтироби ва ҳис-ҳаяжони, унинг ўйлари ва андишалари ўз-ўзидан аёндир, бинобарин, келтирилган диалогни бирор ўзгаришсиз саҳнага олиб чиқиш мумкин.

Фирдавсий достонларидаги ҳайратомуз тасвирлар, мароқли сюжет, воқеалар шиддати драматург учун яхши материал бера олади ва шоир асарини саҳналаштиришни анча осонлаштиради.

"Шоҳнома"нинг ўзига хос хусусиятлари, умумбашарий ғоялари, юксак пафоси туфайли унинг заминида қатор драма асарлари яратилиб, улар жаҳон театр саҳналарида намойиш қилинди.

1910 йилда озарбойжон мумтоз мусиқасининг асосчиси, машҳур бастакор Узеир Ҳожибеков "Рустам ва Зоҳраб" операсини яратиб, ватандошлари олқишига сазовор бўлди. 1936 йили Эрон драматурги Фикрий "Рустам ва Суҳроб" достонининг саҳналаштирган вариантини юзага келтирди.

Мазкур фожеа тожик драматурглари диққатини ҳам ўзига тортади. Дафъатан, 1936 йили Ғани Абдулло ва Абдушукур Пирмуҳаммадзода "Рустам ва Суҳроб" саҳнавий асарини яратдилар.


Гарчи Ғани Абдулло ва Абдушукур Пирмуҳаммадзодаларнинг "Рустам ва Суҳроб" асари саҳна юзини кўрмаган бўлса-да, ушбу ҳол мумтоз асарни саҳналаштириш борасида ташланган илк қадам, деб қаралмоғи керак.

Орадан тўрт йил ўтгач, 1940 йили А.Пирмуҳаммадзода "Рустам ва Суҳроб" достонига қайта мурожаат этиб, В.Волькенштейн ҳамкорлигида саҳна асарининг янги вариантини яратди. Драматурглар бу дафъа Фирдавсий достонига ижодий муносабатда бўлиб, асарнинг ғоясини, унинг умумбашарий жиҳатларини томошабинга етказишга муваффақ бўлдилар.

А.Пирмуҳаммадзода ва В.Волькенштейннинг "Рустам ва Суҳроб" драмаси 1941 йили режиссёрлар Е.И.Мительман ва А.Саидовлар томонидан А.Лоҳутий номидаги академик драма театри саҳнасида қўйилди. Ушбу асар 1941 йилнинг апрелида Москвада бўлиб ўтган тожик санъати Декадаси кунлари Сотим Улуғзоданинг "Қизил таёқлилар" ва Шекспирнинг "Отелло" трагедияси қатори москваликларда илиқ таассурот қолдирди.

Ғани Абдуллонинг "Рустам ва Суҳроб" фожеаси (янги варианти) ўзининг ажойиб мазмуни ва мундарижаси, ўтмиш воқеаларининг томошабин диди ва завқшавқига мос талқин этиши билан тожик театри санъати тарихида арзигулик ҳодиса бўлди. Мазкур саҳна асарида Фирдавсий достонининг психологик жиҳатлари, руҳий ҳолати анча кучайтириб, шунинг билан баробар драматург шоирона ва ҳис-ҳаяжонга тўла романтик образ яратишга эришди.

Фирдавсий достонларининг инсонпарварлик ғоялари қаҳрамонларнинг ҳис-ҳаяжонга тўла хатти-ҳаракати, бой маънавий олами туфайли диққатга сазовордир.



"Рустам ва Суҳроб" саҳна асарида (Лоҳутий театри, саҳналаштирувчи Ф. Александрин ва Ҳ. Абдураззоқов) уруш ва тинчлик муаммоси Рустам образи орқали акс эттирилди.

"Рустам ва Суҳроб" саҳна асари миллий анъаналар, ижодий изланишлар эвазига ўзгача салоҳият-у шукуҳ касб этган актёрлар маҳорати туфайли халқнинг севимли қаҳрамонларига айланди.

Фирдавсийнинг оламшумул поэзияси драматург изланишлари учун кенг йўл очади. Шунингдек, шеърият мағзини чақа билиш, ундан керакли ғоя ва образларни илғаб олиш санъаткор маҳоратига, асарни саҳналаштирувчи ижодкор диди ва завқига боғликдир.

Шунга ўхшаш шеър гўзаллигини Ҳамза Фатҳий Хушкинобийнинг "Сиёвуш" ва "Бежан ва Манижа" пьесаларида яққол кўриш мумкин. Тилга олинган асарлар Рудакий номидаги Хоруғ (Бадахшон) мусиқали комедия театрида (режиссёр М. Мамадазизов) ва Лоҳутий театрида (режиссёр Ш.Қиёмов) муваффақият билан саҳналаштирилди.

Фирдавсий қаҳрамонларини биз Тошкент ва Ленинобод театр саҳналарида ҳам учратамиз, жумладан Аброр Ҳидоятов номидаги Ёшлар театри "Фаридун" (муаллиф ва режиссёр М. Ҳайдаров) ва Ленинобод мусиқали комедия театри "Зол ва Рудоба" асарларини (Мастон Шерали ва Шамси Қиёмовнинг мусиқали драмаси, режиссёр С.Қурбоналиев) саҳнага қўйдилар. Таъкидлаш жоизки, "Аҳорун" театрининг "Исфандиёр" пьесаси Фирдавсий достонлари мавзуида ижод қилинган бўлиб, уни истеъдодли режиссёр Фарруҳ Қосимов замон руҳига мос саҳналаштириб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ушбу асарнинг саҳна тажассуми шуни исботладики, "Шоҳнома" эпопеяси, унинг туркум достонлари театр санъати учун бадиий сарчашма, қайнар булоқ ҳукмидадир ва ҳар бир саҳналаштирувчи режиссёр драматургнинг ёрдамисиз ҳам ундан саҳнавий асар ярата олади.

Баҳора ХУРРАМОВА,
санъатшунослик фанлари номзоди.

Дўстмурод НОРҚУЛОВ

ВАҚТДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ



Вақт – кенг жабҳали муаммо. Вақтнинг ижтимоий моҳияти инсон фаолияти орқали жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти билан ўзаро боғлиқ бўлиб, ундан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Шунга биноан "вақтдан оқилона фойдаланиш", "оқилона фойдаланмаслик", "вақтни қадрлаш", "вақтни қадрламаслик", "вақтни ҳис этиш ёки этмаслик" каби тушунчалар кенг ишлатилади.

Вақтдан фойдаланишда қуйидаги жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади: вақтнинг объектив жараён эканлиги; вақтдан қандай фойдаланишнинг инсонга боғлиқлиги; инсон орқали вақт ижтимоий моҳиятининг намоён бўлиши; инсон хоҳишидан ташқари унга бевосита ва билвосита таъсир этадиган "шарт-шароитлар" ёки "омил"лар.

Вақтдан оқилона фойдаланишда "хоҳиш-истак" билан бирга "шарт-шароит", "имконият" ўртасидаги монандлик ёки монандсизлик ҳолатлари ҳам катта аҳамият касб этади.

Маълумки, мамлакатимиз олдида улкан иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий, маданий вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли бажариш инсонлар томонидан вақтдан имкони борича унумли фойдаланишга боғлиқ.

Вақт инсоннинг маънавий дунёсини бойитиш, билим савиясини ошириш, ҳар томонлама камол топишида муҳим ижтимоий муаммо ҳисобланади.

Жамият тарихида вақт мазмуни ва характерига таъсир қилувчи омиллар ижтимоий ишлаб чиқариш ўзгариши билан, техника ва маданият тараққиёти натижасида такомиллашиб, ўзгариб боради.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш саноат ҳамда қишлоқ хўжалигининг айрим соҳаларида илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга шароит яратади. Бу жараён албатта, аҳолининг турли гуруҳлари вақт фондига таъсир қилмай қолмайди. Биринчи босқичда қишлоқ хўжалигида жисмоний меҳнат билан банд бўлган шахсларнинг бўш вақт фонди қисқаради. Бунга янги мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши ва ўрнатилиши, меҳнат жараёнининг интенсивлашуви, айрим ҳолларда эса зарурий-ижтимоий вақтнинг узайиши таъсир кўрсатиши мумкин.

Аста-секин қишлоқ аҳолисининг вақт бюджети маълум даражада барқарорлаша боради. Бунга иш вақтининг барқарорлашуви ва ишдан ташқари меҳнат соҳасида кераксиз меҳнат сарфларининг қисқаруви таъсир қилади. Қишлоқдаги ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаларининг жадал суръатлар билан ривожланиши бунга шароит яратиб беради.

Қишлоқ аҳолиси вақтини шакллантиришнинг асосий объектив ва субъектив омиллари қуйидагиларда кўринади:

– қишлоқ аҳолисининг асосий ижтимоий-ихтисослашган гуруҳлари вақтининг рационализация қилиниши ва қисқариши уларнинг вақти умумий фондини шакллантиришнинг омилидир;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнатни ташкил этиш шакллари ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг янгидан жорий этилаётган кўринишлари қишлоқ аҳолисининг вақт фонди, тизими ва мазмунига таъсир қилиш характерига эга;

– аҳоли вақт бюджетининг шаклланишига Ўзбекистоннинг ҳозирги ижтимоий-маданий соҳасидаги ривожи, ундаги ўзгаришлар ҳам таъсир ўтказади.

Шунингдек, бўш вақтнинг асосий характеристикаси қишлоқ меҳнаткашларининг қайси тоифа ижтимоий касб-ҳунар гуруҳларига қарашли эканлиги билан боғлиқ. Бунда:

– ишдан ташқари вақтнинг умумий таркиби ва хусусиятларини инобатга олиш керак;

– вақт соҳасидаги истеъмол ва манфаатларнинг умумий диапазони билан ҳисоблашиш зарур:

– вақт мазмунининг тўлалигига эътибор берилиши зарур.

Маълумки, илмий-техника тараққиёти жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилишида миқдорий ва сифат ўзгаришлари содир қилади. Қўл меҳнати қисқаради, инсонларнинг билим савияси ва малакасига талабни оширади; ишлаб чиқаришдаги меҳнатлари ҳисобига уларнинг моддий фаровонлиги ошишига шароит туғдирилади. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг, жумладан, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш меҳнат кишилари вақтининг ҳажми ва мазмунига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мустақил республикамиз сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланиб, иқтисодиёт бўйича оёққа мустаҳкам турар экан, қишлоқ хўжалик фани ва техникаси тараққий этган сари деҳқонларнинг меҳнати енгиллашиб боради. Жамиятда вужудга келган бундай буюк имкониятлардан ҳамда вақтдан оқилона фойдаланиш юксак интеллектуал ва бой маънавий баркамол шахсларнинг шаклланишига шароит яратилади.

Ўзбекистон Конституциясининг 38-моддасида ёзилганидек, "Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади". Бу ҳуқуқ ишчи, хизматчи, деҳқонлар учун бир қатор касб ва ишлаб чиқаришлар учун қисқартирилган иш куни, тунги пайтларда қисқартирилган иш вақтини таъминлайди. Шу билан бирга меҳнаткашлар учун маданий-маиший ва соғломлаштириш муассасалари шохобчаларини кенгайтириш, оммавий спортни, физкультура ва туризмни ривожлантириш, истиқомат жойларида дам олиш учун қулай имкониятлар яратиш, уларнинг вақтларини оқилона уюштириш ва ундан самарали фойдаланиш учун реал имкониятлар яратади.

Вақтдан унумли фойдаланиш фан,

техника, адабиёт ва санъат соҳаларида қобилият ва истеъдодларнинг ривожланишига имконият яратади. Кишилар вақтларини ижтимоий фаолиятга, маданий алоқага, ақлий ва жисмоний жиҳатдан ўсишга ва бадиий ижодиётга кўпроқ бағишлайдиган бўладилар.

Қишлоқ меҳнаткашларининг вақт бюджети йил сайин ўзгариб бораяпти. Агар шу вақт билим олиш учун, ўз идрокини ривожлантириш учун, ижтимоий вазифаларни бажариш учун, жисмоний ва ақлий кучлардан эркин фойдаланиш учун сарфланса, у ҳақиқий бойликка айланади.

Вақтдан инсонни ҳар томонлама баркамол этиш, унинг қобилиятларини ривожлантириш манфаатлари йўлида ва шу тариқа жамиятнинг моддий ва маънавий салоҳиятини кўпайтириш учун фойдаланилган тақдирдагина у жамиятнинг ҳақиқий моддий ва маънавий бойлиги ҳисобланиши мумкин.

Иш вақтини моддий ва маънавий бойлик яратувчи омил сифатида олиб қаралса, вақтнинг қолган қисмини эса киши ўз хоҳишига кўра фойдаланадиган шахсий бойлик деб аташ мумкин.

Вақт ижодий яратувчилик вазифасини бажаради. У фақат меҳнатни ташкил этиб, ижтимоий фаолликни юксалтириб қолмай, балки ижтимоий ва фуқаролик бурчини онгли равишда адо этадиган кишиларни ҳам шакллантиради.

"Кейинги ўн йилликлар мобайнида, – деб ёзади И.А.Каримов, – маълум қадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий онги шаклланганлигини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас.., бу ижтимоий тенгликка, кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқига, ялпи бепул таълим ва тиббий хизматга қатъий тарафдорликка интилишида намоён бўлмоқда".

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, ҳозирги мураккаб иқтисодий ислоҳотлар даврида иш билан банд бўлмаган вақтлар кўпаймоқдаки, ундан самарали фойдаланиш ҳар бир кишининг уддабуронлиги ва ташаббускорлиги, ўз қобилиятларини тўла намоён қилиши, ўз устида ишлай олишига боғлиқ бўлмоқда.

Иккинчидан, халқнинг умумий ва махсус маълумотларини ошириш, меҳнат малакасини кўтариш, маданий савиясини ўстиришда вақтнинг самарадорлигини ошириш, ундан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Учинчидан, вақтдан оқилона фойдаланишга салбий таъсир этадиган омиллар ҳар бир жойда аниқ ҳисобга олиниши, вақт қадрини оширишга йўналтирилган тадбирлар мунтазам равишда қўллаб-қувватланиши керак.

Тўртинчидан, мамлакатда вақтнинг қадрини умумхалқ даражасида идрок этиш ҳисси, маданиятига эга бўлиш ва уни тарбиялаш жамият ривожида муҳим роль ўйнайди.

ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИДА ТАРИХИЙ МАВЗУ

Ўзбек драматургияси ва театр санъатида тарихий мавзу авлодлар ҳаётини ўрганишнинг туғилиши, халқнинг илғор намоёндалари ўтмишда яратган маънавий бойликларнинг ҳақиқий меросхўри сифатида ҳис қилиш ҳамда ижтимоий ҳаётдаги, жамият тараққиётидаги туб бурилиш даври талаби тарзида дунёга келди. Туркистонда ижтимоий уйғониш талабларидан келиб чиққан ҳолда асосан мустамлакачиликнинг чиркин, қора томонларини акс эттиришни мақсад қилиб қўйди.

Бу даврда яратилган драматик асарларни кўздан кечирар эканмиз, тарихий мавзу у ёки бу кўринишда ривожланишига гувоҳ бўламиз. Асосийси шуки, тарихий мавзу замонавий воқеликни теранроқ ва кенгроқ тарғиб қилишга, унинг туб моҳиятини очишга бўйсундирилди. Шу маънода қатор драматурглар тарихий ўтмишни замон талабларига хизмат қилдиришга бел боғладилар. Натижада узоқ ўтмиш ҳақидаги драматик асарлар бирин-кетин сахна юзини кўра бошлади.

Тарихий мавзудаги драматургия ва тарихий асарлар бир текис ривожланмади. Маълум даврларда ижтимоий ўзгаришлар туфайли гоҳ ривожланиб, гоҳ сўнишни бошдан кечирди. Шу боис унинг тараққиётини даврларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча тарихий драматургиянинг биринчи даври жадидлар драматургиясини ўз ичига олади. Маданий-маърифий инқилоб орқали халқ ҳаётини яхшилаш ниятида саҳна санъатидан оқилона фойдаланиш зарурлигини энг аввал жадидлар тушуниб етиб, тарихий мавзуга биринчилардан бўлиб мурожаат этдилар. Хусусан, Абдулла Қодирий "Намоз ўғри" драмасини, Абдурауф Фитрат тарихий мавзуда "Темур сағанаси", "Абу Муслим", "Чин севиш", "Ҳинд ихтилолчилари", "Абулфайзхон" сингари асарларни яратди. Бу асарлар энди қад кўтараётган ўзбек драматургиясида янги ғоявий-тематик оқимнинг пайдо бўлганлигини, бадиий ижод рихий мавзудаги асарлардан воқеаларни танлаб олиб, шулар асосида драмалар яратган бу ижодкорлар фаолиятини ўтмиш билан ҳозирги замон ўртасидаги алоқадорликни аниқлашга интилишларида деб баҳолаш лозимлигини уқтиради.

Шу нарсани ҳам эсдан чиқармаслик лозимки, 20-йилларда маданий меросга бир ёқлама қараш, баъзи ҳолларда уни бутунлай инкор этиш сиёсати ҳукмрон бўлган пайтда тарихни замонга хизмат қилдиришдек оғир вазифани зиммасига олиш катта жасорат эди.

Ўзбек драматургиясининг дастлабки қадамларига назар ташлар эканмиз, бу даврда тарихий мавзу етакчилик қилган деган, хулосага келамиз. Ушбу фикрни 20-йиллар ўзбек театри репертуари ҳам тасдиқлайди.

20-йиллар ўзбек драматургиясида эскилик билан янгилик ўртасидаги кураш масаласи жуда катта ўринни эгаллайди. Бу кураш янги тузум билан енгилган тузум ўртасидаги зиддият тарзида давом этди. Баъзи драматурглар ўз асарларида янги давр ғалабаларини сақлаб қолиш, уни мустаҳкамлаш, кишилар ҳаётида тутган ўрни, халққа берган фойдасини кўрсатган бўлсалар, бошқалар драмаларга ўтмиш воқеаларини асос қилиб олиб, уни замонавий воқеаларига муносабат сифатида талқин қилдилар. 20-йилларда та

рихий мавзудаги драматургия тезкор ва шахдамлик билан бадиий ижодда ўз ўрнини эгаллай борди. Бунинг асосий сабаби драматик асарларнинг саҳнавий талқини орқали ҳар қандай ғояни кенг халқ оммаси онгига етказиш қулай эди. Бироқ, 20-йиллар охири ва 30-йилларда ҳукмрон сиёсат тазйиқи остида бўлган адабий танқидчилик ҳамиша ҳам тарихий мавзудаги асарларни тўғри баҳолайвермади. Мавзуга замонавийликдан қочиш, ўтмишни қўмсаш деб қаралди. Қўйилган ижтимоий-сиёсий талаблар натижасида халқнинг ҳақиқатга ва адолатга асосланган янги ҳаёт қуриш йўлидаги ҳаракатларини кўрсатиш ўрнига синфий кураш ва байналмиллалликни тасвирлашга эътибор кучайтирилди. Шунинг учун ҳам бу даврда яратилган У.Исломовнинг "Рустам", А.Ҳидоятовнинг "Аваз", А.Исмоилзоданинг "Темур", Н.Сафаровнинг "Уйғониш" ва бошқа қатор драмаларга сиёсат талабига кўра албатта, рус революционерлари образлари киритилди. Шуни таъкидлаш керакки, замонавий драмаларда революцион жўшқинликни ифодалашга, чизиқбозликка ва соддийликка йўл қўйилди. Драматурглар кўпроқ сиёсий талабларга бўйсуниб, саҳна томошалари воситасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар.

40-йилларга келиб, ўзбек драматургиясида тарихий мавзу янги босқичга кўтарилди. Фикримизча, тарихий драматургиянинг учинчи босқичи Иккинчи Жаҳон уруши йилларида яратилган драмаларни ўз ичига олади. Чунки тўсатдан бошланган уруш адабиёт ва санъатнинг етакчи кучларини тарихий ўтмишга мурожаат қилишга ундади. Зеро, ота-боболар жасоратини, уларнинг эзгулик, халқ бахт-саодати, озодлиги йўлидаги курашларини бадиий эмоционал ифодалаб, ана шу шонли анъаналарни ибрат қилиш кун тартибида турарди. Даврнинг ўзи драматургияга ва театр саҳнасига янги мавзу ва қаҳрамонлар олиб кирди. 1941-1945 йиллар давомида ёзилган ва Ҳамза театрида саҳналаштирилган Ҳ.Олимжоннинг "Муқанна", М.Шайхзоданинг "Жалолиддин Мангуберди", Уйғун ва Иззат Султоннинг "Алишер Навоий" каби асарлари ўз моҳияти билан тарихий мавзуда яратилган бўлса-да замон нафаси билан йўғрилган эди. Бу асарлар муаллифлари тарихий ҳақиқатга оқилона муносабатда бўлиб, уни санъат асарлари имкониятларига мувофиқ бадиий тўқима билан бойитдилар, тарихий шахслар характерини, саҳна имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бир образда жамлаб тасвирлашга бўйсундирилди.

Ушбу йиллар драматургиясининг новаторлик хусусиятларидан яна бири шундаки, халқ йўлбошчилари образлари бош ғоявий йўналишни белгилаб берди, улар тарих ғилдирагини айлантирувчи халқпарвар шахслар сифатида талқин қилинди.

Миллий-тарихий драмалардаги қўлга киритилган ижобий ғмдалар (принциплар) урушдан кейинги йилларда ижодий давом эттирилмади. Ўзбек драматургияси ва театрида тарихий мавзу турғунликка юз тутди. Бунинг асосий сабаби тарихга тор коммунистик мафкура талабидан келиб чиқиб жўн ва субъектив ёндашув ва уни етарли талқин қилмаслик эди. Шундай ривожланиб турган драматургиянинг бирдан оқсашига объектив ва субъектив сабаблар ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Урушдан кейинги тинч қурилиш даврида замонавий мавзу ҳал қилувчи мавзу деган янглиш қараш етакчилик қилгани, тарихий мавзуда қалам тебратган адибларга "ҳаётдан ортда қолган", "халқ манфаати билан яшамайди", "ҳаётий ҳақиқатдан четда" деган сиёсий айблар ёпиштирилиб, қатор партиявий ҳужжатларда театрлар репертуарида феодал ўтмишни идеаллаштириш тенденцияси кучайиб кетаётганлиги уқтирилгани сабаб эди.

Тарихий мавзу драматургия ва театр санъатида ўз ўрнига эга эканлигини ҳаёт исботлади. Айниқса, 50-60-йиллардаги ижтимоий-сиёсий туб ўзгаришлар ўзбек тарихий драматургияси ривожига янги куч бағишлади. Тарихий драматургия бутун адабиёт ва санъатда бўлгани каби ғоявий ва бадиий эволюцияни бошидан ўтказди. Романтизм ўрнини аста-секинлик билан реализм эгаллай бошлади. Драматурглар романтик образларга нисбатан ўзида янги дунёқарашни ёрқин акс эттирувчи реалистик образларни тарихий асарларга олиб кира бошладилар. Бу ўз-ўзидан конфликтсизлик, чизиқбозлик, безакбозлик тасвирини четга суриб чиқарди. 60-80-йиллар ўзбек тарихий драматургияси тараққиётида алоҳида аҳамият касб этади. Тарихий мавзуда яратилган драмаларга хос қаҳрамонлик, кўтаринки романтик руҳ, қаҳрамонлар ички драматизми, психологик таҳлил, фалсафий умумлашмалар билан бойитилди. Бу даврда яратилган "Мирзо Улуғбек", "Абу Райҳон Беруний", "Абу Али ибн Сино", "Донишмандниг ёшлиги", "Қувваи қаҳқаҳа", "Зебуннисо" сингари драмаларда воқеаларнинг кенг қамрови, асарларда драматик сюжет ва композицияларнинг кескин курашига аҳамият берилди.

90-йилларга келиб, айниқса мустақиллик эълон қилингач мамлакатимиз тарихида янгиланиш даври бошланди. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар драматургия ва театрга ўз таъсирини кўрсатди. Қатағонга учраган қатор адибларимизнинг бой мероси, жумладан, Фитрат асарлари қайта саҳна юзини кўрди. Бугунги кунда буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ва мумтоз шоир Чўлпон ҳақида саҳна асари яратилди. Шуни таъкидлаш лозимки, муаллифлар ҳозирча тарихий драматургияда шаклланган ижодий принципларга таянганлари учун драматик асарлар бадиятига айтарлик янгилик олиб кирилгани йўқ.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
санъатшунослик фанлари номзоди.

90-йилларнинг ўртасида ойнаи жаҳон орқали "Чанашик гиламлари" деган реклама берилган ва хилма-хил, бир-биридан чиройли гиламлар аста-аста кўрсатилиб, томошабинларда ҳавас уйғотганди. Кейин дугонам магазиндан бориб харид қилганди ва анчагача ҳамма таниш-билишларига "телевизорда кўрсатилган анув гиламдан олдим, юр, бир кўргин, гуллари, нақшлари бирам чиройли!" деб юрганди.

Таҳририятдан "Чанашик" ишлаб чиқариш ва тижорат хусусий фирмаси тўғрисида лавҳа тайёрлаш топшириғини олганимда ёдимга ўша дугонам келди. Орадан кўп фурсат ўтмади, бу вақт мобайнида кўплаб корхоналар синди, бозор иқтисодиёти шароитида ўз қаддини тиклаш учун бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашди. Шу йиллар орасида бу корхонада қандай ўзгаришлар бўлдийкин, у ҳануз ўзининг маҳсулотлари билан одамлар эътиборидамикин деган ўйлар билан улар ҳузурига йўл олдим.

"Чанашик" фирмаси 1991 йил Хоразм вилоятининг Хива туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалигидаги Чанашик қишлоғида кичик корхона шаклида ташкил қилинган. Фирма ўз фаолиятини дастлаб иккита дастгоҳда 20 та ишчи билан бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб юздан зиёд одам бешта цех (йигирув, тўқув, тайёрлов, расмли гилам ишлаб чиқариш цехлари ва тайёр маҳсулотлар омбори)да ишламоқда. Корхона 1993 йилда хусусийлаштирилган.

Корхонада бир ойда уч минг беш квадрат метр турли хил ҳажмдаги гиламлар тайёрланмоқда. Тайёрланаётган маҳсулотлар учун хом ашё Навоий-азот ишлаб чиқариш бирлашмасидан олинади ва унинг таннархига қараб тайёр маҳсулотга баҳо белгиланади.

Айни кунда корхонага Шуҳрат Бойжонович Абдуллаев бошчилик қилмоқда. У Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини битирган. Унинг ихтисослик касби агроном бўлса-да, у ўрта мактабни тугаллагач, Хива гилам фабрикасида таъмирловчи бўлиб ишлаган. Ўша йилларда Шуҳрат гилам тайёрлаш жараёнини яхши ўрганиб, малака ҳосил қилган эди. Вақти келиб, ўша ўрганганларини амалда асқотди.

Назаримда дунёда мукаммал нарсанинг ўзи йўқ. Ҳаммасига аста-секинлик билан эришилади. Дастлаб корхона иш бошлаган кезларда анчагина муаммолар бор эди. Улар вақти-соати билан бартараф этилди.

Бугунги кунга келиб "Чанашик" ишлаб чиқариш ва тижорат хусусий фир



ЧАНАШИНИК ГИЛАМЛАРИ

маси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар – гиламлар, гилам поёндозлар, жойнамоз гиламлар, жун ип калавалар, ишчиларга пахталик кийимлар, қўлқоплар, кўйлаклар, пахта момиғи, тиббиёт момиғи кабилар талабга жавоб берадиган даражада ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада ишчиларнинг унумли меҳнатлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Спорт билан шуғулланишга, дам олиш ва тиббиёт кўриги учун махсус хоналар мавжуд.

Биз дам олиш хонасида ўтирган қизларни суҳбатга тортдик.


– Булар илғор ишчиларимиз – Абдуллаева Раҳима, Матчонова Раънохон, Матчонова Гулхумор, – дея таништиради иқтисодчи Отназар Раҳимов.

– Бизга маълумки, Хоразмда халқ ҳунармандлари азалдан уйларида гиламлар тўқишган. Сизлар бу ерда ишламасдан ҳам уйда гилам тўқишингиз мумкинми? – сўрадим Раҳимахондан.

– Энг, аввало, шуни айтишим керакки, – деди Раҳимахон, – корхонамизда ишлашни хоҳловчилар жуда кўп. Лекин устозларимиз аввал синаб кўриб кейин ишга олишади. Гилам тўқиш анча мураккаб жараён. Унинг нозик гулларини, нақшларини кўнгилдагидек, меъёрида тайёрлаш кишидан қобилият талаб қилади. Бизнинг ишимизда рассомнинг кўзлари керак. Ҳаётга ҳайрат билан боқиб, унинг гўзаллигини ўз гиламларимизда тасвирлай билишимиз лозим.

Фирманинг келажакдаги режалари жуда улкан. Улар чет эл инвестрлари билан қўшма корхона тузиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни чет эл бозорларига олиб чиқиш ҳамда ҳудуддаги бор хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилишни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шуҳратнинг отаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Бойжон Абдуллаев ҳар доим ўғлига "Болам, инсон ер билан тирик. Ердан узилмагин. Оёғинг остидаги ерни, атрофингда одамлар борлигини унутган кунинг Оллоҳнинг назаридан қоласан. Элни ўйлагин, элнинг ғамини егин ва ана ўшанда кўкариб, қанот ёзасан!" дея насиҳат қилади. Қобил фарзандлар ота ўгитларини юракларига ёздилар. Юракка ёзилган сўзлар эса ҳеч қачон ўчмасдир. Шуҳрат ана шундай инсонлар, раҳбарлар сирасидан. У ҳам уч фарзанднинг отаси. Орадан йиллар ўтиб, у ҳам фарзандларига "ерни ардоқланг, одамларни ўз жигаргўшангиздек, ўз қондошингиздек суйинг!" дейиши аниқ. Чунки унинг ўзи ҳар доим – ғамли кунда ҳам, қувончли тўй-тантаналарда ҳам одамлар орасида, эл ишига камарбаста. Эр бўлмоқчи бўлсанг, элдан ажралма, дейди халқимиз.



Маликахон ДАВЛАТОВА.

Қонуни ёшлар сиймоси



Ўтган йил октябрь ойида буюк қомусий олим, Аҳмад ал-Фарғоний таваллудига 1200 йил тўлиши кенг нишонланди. Тўйга тўёна билан келиш ўзбекларда азалий удум. Саҳна ижодкорлари ҳам бу тўйга ўз совғалари билан келдилар. Хусусан Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри "Аҳмад ал-Фарғоний" (Ж.Жабборов либреттоси, М.Бафоев мусиқаси) опера-балетини, Фарғона рус ёшлар театри "Фарғона фарзанди" (Йўлдош Сулаймон асари), Ҳамза номидаги Академик драма театри "Пири коинот" (Ҳ.Расул асари) драмаларини саҳнага олиб чиқди.

Мустақиллик йилларида драматургларимиз томонидан тарихий шахсларга бағишланган бир қатор янги асарлар яратилди. Тарихий шахслар ҳақида ёзиш ҳам қийин, ҳам нисбатан осон. Осонлиги шундаки, драматург ўтмишни ёритишда ўзини жуда эркин сезади, маълумотлар таъсирига тушиб қолмайди, ўз тасаввурини бемалол ишга сола олади. Қийинлиги шундаки, тарихий шахс ҳақида манбалар, маълумотлар етарли бўлмаса, драматург фақат ўз шахсий иқтидорига суяниб иш кўради. Шу боисдан кўп ҳолларда янглишиши ҳам мумкин. Шоир ва шоиралар ҳақида саҳнавий асар яратиш нисбатан осонроқ кечади. Сабаби, улардан авлодларга мерос бўлиб девонлар, тўпламлар сақланиб қолган бўлади. Оддий китобхондан тортиб, адабиётшуносгача шу мерос асосида муаллиф қиёфасини тасаввур қилишлари мумкин.

Бироқ аниқ-аниқ фанлар, хусусан физика, математика, илму нужум, тиббиёт билан шуғулланган олиму фузалолар ҳақида асар ёзиш, уни саҳнага олиб чиқиш машаққатли. Сабаби, бу соҳаларни аввалambor, оз бўлса-да, билиш керак, иккинчидан, танланган шахс ҳақидаги ёзма манбалардан хабардор бўлмоқ ва уларга таянмоқ лозим.

Ҳайитмат Расул қаламига мансуб "Пири коинот" драмаси буюк олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Драматург олдида анча мушкул вазифа турган. Зеро, Аҳмад ал-Фарғоний ҳақида манбалар жуда оз. Унинг Фарғонадан чиққанлигини, Боғдодда ҳалифа ал-Маъмун қошидаги академия – "Байтул ҳикма"да хизмат қилганлигини, ернинг думалоқ шаклда эканлигини исботлаганини, Нил дарёси сувини ўлчовчи асбоб яратганини биламиз, холос. Аммо шахсий ҳаётига оид маълумотлар деярли йўқ. Мана шу ғоятда чекланган маълумотларга таянса-да, драматург олимнинг инсоний қиёфасини гавдалантира олган.

Одатда тарихий шахслар ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар кўпинчи руҳда ёзиларди. Бош қаҳрамон, атрофини қуршаган одамлардан ажратилган ҳолда бир поғона баландроқ қилиб кўрсатиларди. Қаҳрамон муаллифнинг яловбардорига айланиб, чиройли ва доно сўзлардан сўйлар ёки бўлмаса баҳодирлик намунасини намойиш қилар, кўп ҳолларда оддий инсоний фазилатлардан узоқ бўларди. "Пири коинот" драмаси ва спектаклида Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва фаолиятини ёритишга янгича ёндашилганини кўрамиз. Аҳмад ал-Фарғоний нафақат олим, у ўз қисмати, зиддиятларига эга бўлган инсон сифатида гавдаланади. У ҳам оддий инсонлардай севади, қайғуради, изтироб чекади, хаёлотга берилади, янглишади. Мана шундай одмилик ҳамда буюкликни кўрсатиш, саҳнавий ечимни топишда режиссёр Валижон Умаров, бастакор А.Эргашев, рассом Б.Тўраев бир ёқадан бош чиқариб ишлаганлар. Натижада спектаклда бадиий яхлитлик мужассам, ягона ансамбль ҳосил бўлган. Томошабин бу маҳобатли, ҳашаматли безаклар, нур ва шуълалар жилосида конструктив қурилмаларда ҳаракат қилувчи актёрларнинг ижросига мафтун бўлар экан, вақт қандай ўтганлигини сезмай қолади.



Аҳмад ал-Фарғоний ролида Ғайбулла ХОЖИЕВ.

Спектаклда бирон-бир ортиқча ҳаракат, лавҳа йўқ деса бўлади. Айтилган ҳар бир сўз, хатти-ҳаракат пухта ўйланган ва муайян мақсадга хизмат қилади. Парда очилгач, томошабин кўз ўнгида бутун улуғворлиги билан сирли коинот намоён бўлади. Саҳнанинг икки ёнидан кўкка қараб зинапоялар кўтарилган, кўкда ой, пастда сув юзасида эса ойнинг акси, ўртадаги супа гўё, олимнинг ижодхонаси, чироқлар шуъласи ажиб бир мўъжизакор муҳитни юзага келтиради. Бу қурилмалар актёрларнинг ҳаракат қилишига анча қийинчилик туғдиради. Қурилма-тасвирларда ҳам, ижроларда ҳам кескинлик, ички тўлқин сезилиб туради. Рассом Б.Тўраев тасвирлари шунчаки ҳашаматли безак эмас, балки улуғворлик ва сокинлик ҳукм сурган коинот тимсолидир. Спектакль бе

закларининг бундай ечими режиссёр В.Умаров талқинидан келиб чиққан, албатта.

Валижон Умаров режиссурасига оид кўзга яққол ташланадиган бир хусусият шуки, у аввало рассом билан ҳамкорликда асар моҳиятини очишга қаратилган маҳобатли бадиий ечим топишга ҳаракат қилади. "Пири коинот" спектакли ҳам ана шундай ҳал қилинган. Шу боис, режиссёрларнинг аввалги саҳна асарлари каби томошабинни бефарқ қолдирмайди, балки қаҳрамонга қўшилиб изтироб чекишга, қайғуришга ёки хурсанд бўлишга ундайди.

Ушбу томошада фақатгина бош қаҳрамон эмас, балки эпизодик образнинг ҳам ўз ҳаёти, бир лаҳза бўлса-да, томошабин эътиборини тортадиган дарди бор. Режиссёр нафақат ал-Фарғоний ҳақида, балки уни ўраб турган одамлар, муҳит ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Мусиқа эса муҳит, воқеалар, қаҳрамон ҳолатларини, актёр изҳор этолмаган кечинмаларини ифодалайди. (Шуни айтиб ўтиш лозимки, бастакор А.Эргашев билан режиссёр В.Умаров анчадан бери ҳамкорликда ижод қилишади. Бу икки ижодкор бир-бирларини тўлдиришади.)

Ал-Фарғоний Ғайбулла Ҳожиев ижросида Фарғона фарзанди, давр тақозоси билан Боғдодга бориб қолган. У ташвишли ва қувончли дақиқаларда хаёлан онасини, туғилган юрти Фарғонани кўмсайди. Актёр талқинида ал-Фарғоний ташқи жиҳатдан бошқалардан фарқ қилмайди, кўп ҳолларда қаҳрамон эканлигини унутасиз ҳам. Ал-Фарғоний – Ғ.Ҳожиев доимо ҳаракатда, илмий кашфиётлар жамият тараққиётига ёрдам бериши, оддий кишиларнинг оғирини енгил қилишини ўйлайди. Унинг халқпарвар ва адолатпарвар фазилатлари ҳаракатларида яққол сезилади. Актёр баъзи-баъзида Ал-Фарғонийга муҳаббат, Ватан соғинчи каби инсоний туйғулар бегона эмаслигини, кечаю кундуз илм билан машғул бўлса-да, бироқ ҳаётий муаммолардан йироқ эмаслигини таъкидлайди, қаҳрамоннинг бегоналар орасида яшаш ниҳоятда оғир кечганини маҳорат билан ифодалайди.

Спектаклда қаҳрамон ўз тарихий муҳитида гавдалантирилади. Режиссёр В.Умаров бошқа образлар ечимига ҳам жиддий эътибор беради. Хусусан, илму ирфонга қарши гуруҳлар бошлиғи ал-Зокир – Э.Комилов, зиёлилар раҳнамоси ҳалифа Маъмун – Т.Мўминов талқинида ишончли гавдалантирилган.

Ал-Зокир – Э.Комилов ҳам олим. У илмни севади, бироқ Ал-Фарғоний каби ёркин истеъдод эгаси эмас. Шундай бўлса-да, у биринчиликни қўлдан бергиси келмайди. Мақсадга эришмоқ учун ҳатто қотилликдан ҳам қайтмайди. Ал-Зокир ичичидан эзилган, ғаразгўйликдан қон ютган, лекин сирини сиртига чиқазмайдиган бир шахс эканлиги унинг либосида ҳам кўринади. Қора ва қизил (қон ва қора ният) рангли тунда кўршапалакдек ўлжасини қидириб изғиши ифодаланган саҳна одамни сескантириб юборади.

Т.Мўминов – Маъмуннинг бош қаҳрамонга нисбатан юки оғирроқ экани кўп ўринларда сезилиб қолади. Халифа Маъмун ҳаётда кўпгина олимларга мурувват кўрсатган, илм-маърифат тараққиёти ҳомийси ва ўзи ҳам фан ривожига катта ҳисса қўшган. У ўз академияси – "Байт ул-ҳикма"га бутун дунёдан олимларни тўплаган, қўлидан келганича уларга илм қилиш, ижод билан машғул бўлиш учун шароитлар яратган. Актёр ижросида Маъмун зиддиятли замоннинг юки остида бироз толиққан, маъюс кўринади. Унинг ҳаракатлари оғир, вазмин, ўйлаб сўйлайди. Ал-Фарғонийни ҳаёт ташвишлари, зарбаларидан асрашни истар экан, бошқаларга ортиқча зиён етказмаслик пайида бўлади.

Тарихий асарларга одатда, томошабинни толиқтирмаслик учун романтик саҳналар, мелодрамага мойил кўринишлар киритилади. Бу кўп ҳолларда ўзини оқлайди. Мазкур спектаклда ҳам шундай. Ал-Фарғоний билан гўзал Фирдавс муҳаббати кўрсатилган келин салом саҳнаси бор. Ҳарир оқ кўйлак ва оқ рўмолда келин (С.Юнусова) томоша залига қараб салом беради. Ал-Фарғоний (Ғ.Ҳожиев) ўзида йўқ хурсанд, ўйинга тушмоқда. Бу икки ёшга бахт тилагандай уларнинг устидан юлдузларнинг нурлари тўкилади.


Спектакль тарихий драма бўлишига қарамай, қатнашувчилар сони чекланган. Хусусан, аёллар, улар иккита, холос. Улардан бири Ал-Фарғонийнинг севгилиси Фирдавс – С. Юнусова муҳаббат асири. Аммо у насроний, ундаги ўз динига бўлган эътиқод, ёрига бўлган муҳаббатдан устун. Иқтидорли актриса мана шундай ички изтиробни таъсирли ифода қилади.

Саҳна имкониятларидан келиб чиққан ҳолда буюк олимнинг кашфиётларини кўрсатишга ҳам уриниш бўлган. Курраи арз тимсолида ер думалоқ экани, унинг доимо тўхтамай айланиши, ҳаёт эса шу алфозда давом этиши мажозий кўрсатилган.

Ал-Фарғоний билан Фирдавс муҳаббатига параллел равишда Дилмурод ва Гуҳар муҳаббати берилади. Дилмурод – Ф.Маъсудов садоқатли шогирд. Қаллоб Ал-Зокир фитнасига қарамай, устозига хиёнат қилмайди, у ўз эътиқодига содиқ қолиб, ўлимни афзал кўради. Актриса Н.Маҳмудова Гуҳарнинг қайноқ муҳаббатини кўрсатиш билан чекланмайди, топталган муҳаббати учун ўч олишга қодир жасур аёл сифатида ҳам гавдалантиради. Актёр А.Абдувоҳобов ижросидаги Ал-Ёқуб образини олиб қаранг. Уни девона қилиб қўйишди. Актёр ўта садоқатли шогирд қиёфасини яратар экан, девоналик саҳналарида маҳорат кўрсатган. Спектаклда ҳар бир образда драматург ва саҳна ижодкорлари инсон тақдирини кўрсатишни мақсад қилганлар.

Ҳамза номидаги Академик драма театри ҳамиша янги асарларни биринчи бўлиб саҳналаштириб, янги талқинлар топиб, бошқа театрларга ибрат бўлиб келган. Бу гал ҳам театр ўз анъаналарига содиқ ҳолда ажойиб спектакль яратди.

Сарвиноз КОДИРОВА,
санъатшунослик номзоди.



"Пири коинот" спектаклидан кўриниш.

АВЕСТО

12

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким қўл қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Олти юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, олти юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

13

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким қўй қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Етти юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етти юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

14

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким сигир қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Саккиз юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, саккиз юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

15

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким одам қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Тўққиз юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, тўққиз юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

16

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким экин қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Минг қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, минг қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи бўлим

17

Кимда-ким бировни урмоқ қасдида отланса, унинг гуноҳи "оширипта"дир.[61]

Кимда-ким бировнинг боши устига урмоқ қасдида бостириб кирса, унинг гуноҳи "авауйрайшта"дир.[62]

Кимда-ким ғараз билан бировни урмоққа қасд қилса, унинг гуноҳи "аридуш"дир.[63]

Кимда-ким беш марта ушбу гуноҳга қўл урса у "пишавтану"[64] бўлади.

18

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким "оширипта" гуноҳи билан булғанса, гуноҳининг жазоси не бўлади?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Иккинчи марта ўн қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўн қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Учинчи марта ўн беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўн беш марта саравушу-чарана билан саваланади.

19

Тўртинчи марта ўттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўттиз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Бешинчи марта эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Олтинчи марта олтмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, олтмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Еттинчи марта тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

20

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлагач, саккизинчи марта "оширипта" ёзуғи билан булғанган бўлса, унинг жазоси нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Унинг кирдори "пишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

21

Кимда-ким "оширипта" гуноҳи билан булғанса ва товон тўлашдан бош тортса, унинг жазоси нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Унинг кирдикори "пишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

22

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким "авауйрайшта" гуноҳи билан булғанган бўлса, унинг жазоси нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Ўн қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўн қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Иккинчи марта ўн беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўн беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

23

Учинчи марта ўттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўттиз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Тўртинчи марта эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Бешинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Олтинчи марта тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

24

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлаганидан кейин ҳам, еттинчи марта "авауйрайшта" гуноҳи билан булғанса, унинг жазоси нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Унинг амали "пишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

25

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким "авауйрайшта" гуноҳи билан булғанган бўлса ва товон тўлашдан бош тортса, унинг жазоси нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Унинг амали "пишавтану"дир. Гу

Давоми. Боши ўтган сонларда.

ноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, олтмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

26

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким "аридуш" гуноҳи билан булғанган бўлса, унинг жазоси нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Ўн беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўн беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

27

Иккинчи марта ўттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўттиз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Учинчи марта эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Тўртинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Бешинчи марта тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

28

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлаганидан кейин ҳам олтинчи марта "аридуш" гуноҳи билан булғанса, унинг жазоси нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Унинг амали "пишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, олтмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

29

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким "аридуш" гуноҳи билан булғанса ва товон тўлашдан бош тортса, унинг жазоси нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Унинг амали "пишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

30

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Кимда-ким бировни уриб, унга қаттиқ шикаст етказса жазоси нечук?

31

Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Ўттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра, ўттиз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Иккинчи марта эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.



Л.ТИОРАнинг "Авесто" туркумидан.

Учинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Тўртинчи марта тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

32

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлаганидан кейин ҳам бешинчи марта ушбу гуноҳ билан булғанса, унинг жазоси нима?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Унинг амали "пишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

33

– Кимда-ким бу гуноҳ билан булғанса ва товон тўлашдан бош тортса, унинг гуноҳи нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Унинг амали "пишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

34

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Бировни уриб, унинг қонини оқизган кимса ёзуғининг жазоси нечук?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра, эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Иккинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра, етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.
Учинчи марта тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра, тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.



Л.ТИОРАнинг "Авесто" туркумидан.

35

– Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлагани ҳолда тўртинчи марта ушбу гуноҳ билан булғанса, унинг жазоси қандай?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг амали "пишавтану"дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

36

– Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бировга шикаст етказиб, унинг қонини оқизган ҳолда товон тўлашдан бош тортган кимсанинг жазоси қандай?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг амали "пишавтану"дир. Гуноҳининг мукофоти йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

37

– Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бировни уриб, суягини синдирган кимса ёзуғининг жазоси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи дафъа тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра, тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

38

– Бурунги ёзуғлари учун товон тўлаган ҳолда учинчи марта ҳам мазкур гуноҳ билан булғанган кимсанинг жазоси қандай?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг қилмиши, "пишавтану" дейилади. Гуноҳининг сийлови йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

39

– Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бировни уриб, унинг суягини синдирган ҳолда товон тўлашдан саркашлик қилган кимса гуноҳининг жазоси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг кирдори "пишавтану" дейилади ва аспаҳиҳ-ашатра ҳамда саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма марта саваланади.

40

– Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бировни калтаклаб, уни ҳушидан кетказган кимсанинг жазоси нима бўлади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

"Аспаҳиҳ-ашатра қамчини билан тўқсон марта, саравушу-чарана қамчини билан олтмиш марта саваланади".

41

– Дастлабки гуноҳининг товонини тўлаб туриб ҳам қайта ушбу гуноҳни содир этган кимсанинг жазоси ҳақида хабар бер!

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг қилмиши "пишавтану" деб юритилади ва бу гуноҳи учун аспаҳиҳ-ашатра қамчини билан йигирма марта, саравушу-чарана қамчини билан йигирма марта калтакланади.

42

– Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бир кимсани уриб, ҳушидан айиргани оқибатида товон тўламоқдан саркашлик қилган зўравоннинг топқуси жазосидан мени огоҳ эт!

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг кирдори "пишавтану" деб юритилади ва топқуси оқибати аспаҳиҳ-ашатра ҳамда саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма мартадан калтакланади.

43

Юқорида баён этилган жазолар ниҳоясида бу гуноҳкорлар покланадилар ва ашаван бўладилар. Шундан сўнг, Мазда динига амал қилмоқда давом этадилар.

Тўртинчи бўлим

44

Икки киши, хоҳ диндош, хоҳ биродар, хоҳ дўст бир-бирови билан нима хусусидадир паймон боғласалар – бирови иккинчисининг хонадонидан ўзи

га хотин танласа, ёхуд билим олмоқни истаса, сўзсиз унинг талаби қондирилмоғи ва хоҳлаган нарсаси берилмоғи керак. Агар талабгор унинг хотинини истаса – берилади, дин илмини ўрганмоқни хоҳласа – ўргатилади.

45

... У куннинг ибтидоси ва интиҳосида, туннинг аввали ва охирида билим олмоғи, тафаккур ва донишга лиммолим бўлмоғи, ниҳоят ашаваплик йўлида шундай манзалатга етмоғи керакки, илоҳлар шаънига ҳамду-санолар айтсин, уларни эзгу каломлар билан ардоқласин. Ва шу йўсинда ўз билимини зиёда қилсин.

... У куннинг ўртаси ва туннинг ўртасида жуда роҳатланиб, сирли оғушларда маст бўлганча ором олмоғи, шундан сўнг илм ортидан шу қадар жидду-жаҳд этмоғи керакки, ўтмиш донишмандлар қолдирган ҳамма нарсани жону дилдан ўрганиб олсин.

УЧИНЧИ ҚИСМ

46

– Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ҳеч ким сув ва ёниб турган олов қаршисида густоҳлик қилмасин. Ҳеч ким ўз қўшнисидан олган омонатидан тониб, ёлғон сўйламасин.

47

– Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимнинг хотини бўлса, у хотинсиз ва дунёдан фарзандсиз ўтаётган кимсадан яхшироқдир.

Кимнинг уйи бўлса, у уйсиз бехонумон одамдан яширокдир.

Кимнинг дунёси бўлса, у ҳеч вақоси йўқ гадодан афзалдир.

48

... Икки кишидан бири ўзини гўшт билан тўйғизса, иккинчиси оч қолса. Ул биринчисидан яхшилик ёғилгай.*

Очнинг мурдадан фарқи йўқ.

Тўқ очга нисбатан бир аспирин[65], бир қўй, бир одамчалик афзалликка эга.

49

(алиф)

Тўқ одам ўлим келтирувчи астуваязуту[66] девларига қарши жангларга дош беради. У тирик жонни маҳв этгувчи заволпараст кучларга баробар тура олади. У энг нозик тан либоси билан зимистон девларининг шиддатига тоб беради. У ўз ҳукмдори амрига мутобиқ ёмонликка қарши бош кўтаради ва уни забун айлайди. У ҳеч нарса тановул қилмайдиган фитна-фасод Ашмуғга[67] қарши мубориза қилади...

49

(бе)

...Сув ва ёниб турган олов қошида қасамини бузган одамнинг ёзуғи авф этилмасдир. У иккинчи дафъа тавбага кўз тутолмагай.

50

Бу гуноҳнинг дўзахда топқуси ажри дунёдаги жамийки дардлардан қаттиқроқдир. Бу азоб одамзот вужудини ўтмас бир анжомда кесиб бурдалашдан-да даҳшатлироқдир.

51

Бу гуноҳнинг дўзахда топқуси ажри дунёдаги жамийки фарзлардан қаттиқроқдир. Бу азоб одамзот вужудига ўтмас қозиқларни қоқмоқдан-да чандон даҳшатлироқдир.

52

Бу гуноҳнинг дўзахда топқуси ажри дунёдаги жамийки дардлардан қаттиқроқдир. Бу азоб тоғлар чўққисидан тубсиз жарга боши билан ташлаб юборилган одам ваҳмидан кўра чандон даҳшатлироқдир.

53

Бу гуноҳнинг дўзахда топқуси ажри дунёдаги жамийки дардлардан қаттиқроқдир. Бу азоб дорга тортилган одам ваҳмидан чандон даҳшатлироқдир.

54

Покиза сув ва ёниб турган олов қаршисида густоҳлик қилган зотнинг топгуси жазоси бу дунёнинг жамийки дарду озорларидан мудҳишдир.

55

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат! – деди Сипийтмон Зардушт...

БЕШИНЧИ ФАРГАРД

Биринчи бўлим
(алиф)

1

Қачонки бир одам дарра остида жон таслим қилса ва тоғ чўққисида ўтирган қуш у ерга шўнғиб келса-да ўша мурдордан бир парчасини еса, сўнг тоғ чўққисига қайтиб, қаттиқ шохли ё мулойим шохли дарахтга қўниб, унга қайт қилса ёхуд ахлат билан булғаса, ё мурдор парчаларини сочиб юборса...

2

... Сўнг дарра остидан омон қолган бир одам ўша тоғ чўққисига кўтарилиб, бояги дарахт шохларини синдириб, ўтинлик қилса ва уни Аҳура-Мазданинг ўғли – оловга қаласа, бу гуноҳининг жазоси недур?

3

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Қуш, ит, бўри, бод ё чивин келтирган мурдор учун кимса гуноҳкор саналмайди.

4

... Агар қуш, ит, бўри, бод ё чивин келтирган мурдор учун кимса гуноҳкор қилинса, унда мен яратган у жисмоний олам – менинг махлуқим бўлмиш фожеий зотлар ватани – зудлик билан гуноҳкор "пишавтану"ларнинг маконига айланади. Уларнинг руҳлари дахшатли фарёд чекадилар.

(бе)

5

– Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бир киши экинига сув қуяди. Сувни ўз экинзори томон ҳайдайди. Иккинчи дафъа яна ҳайдайди. Учинчи, тўртинчи бор яна ва яна ҳайдайди...

... Ва ҳар гал итми, тулкими, бўрими сув бошига мурдор олиб келаверса, ўша кимса гуноҳининг жазоси нечук?

6

– Қуш, ит, бўри, бод ё чивин келтирган мурдор учун кимса гуноҳкор саналмайди.

7

... Агар қуш, ит, бўри, бод ё чивин келтирган мурдор учун кимса гуноҳкор қилинса, унда мени яратган бу жисмоний олам – менинг махлуқим бўлиши фожеий зотлар ватани – зудлик билан гуноҳкор "пишавтану"ларнинг маконига айланади. Уларнинг руҳлари дахшатли фарёд чекадилар.

Иккинчи бўлим
(алиф)

8

– Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Сув ўлдиргувчими?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Сув ҳеч кимни ўлдирмайди. У тан заволи, ўлим деви Астуваязутудирки кимсани ўз домига тортади ва оёқ-қўлларини маҳкам боғлаб ташлайди.

* *Кунни хўраксиз, хусусан, гўшт тановул қилмасдан ўтказадиганлар бор. Биз ҳам парҳез қиламиз, бироқ таомдан эмас, балки фикр, сўз ва амалда ёмонликдан тийиламиз. Баъзи динларда таомдангина тийилади, холос.*

Селоб уни ўз қаърига тортиб, сув кенгликларига итқитиб юборади. Шунда токи мурдор толеи уни ё ул сори ё бул сори элтиб ташламагунча, ундан паррандалар баҳраманд бўладилар.

(бе)

9

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Олов ўлдиргувчими?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Олов ҳеч кимни ўлдирмайди. У тан заволи, ўлим деви Астуваязутидирки кимсани ўз домига тортади ва оёқ-қўлларини қаттиқ боғлаб ташлайди. Шунда токи мурдор толеи уни ё ул сори, ё бул сори элтиб ташламагунча, олов унинг жону танини куйдириб юборади.

Учинчи бўлим

10

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Ёз ўтиб, қора зимистон етиб келса, маздапарастлар не қилмоқлари даркор?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Ҳар уй ва ҳар куйда ўликларни сақлаш учун "кодиҳ" қурсинлар!

11

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Ўликлар учун қурилган бу "кодиҳ"ларнинг ҳажми нечоғли бўлмоғи керак?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Тик бош, узатилган оёқ, чўзилган қўл озор чекмаслиги, динимиз дастури бўйича мурдалар кодиҳи шундай бўлмоғи лозим.

12

Мурда, қушлар парвозига шайлангунча, гиёҳлар бўй чўзгунча, селоблар равон бўлгунча ва баҳорий насимлар ер юзини қуритгунга қадар бир тун ё уч кеча ёҳуд бир ой у ерда сақланмоғи лозим.

13

Қачонки қушлар парвозга кириб, гиёҳлар бош кўтарса, селоблар равон бўлиб, баҳорий бодлар ер сатҳини қурита бошласа, маздапарастлар ўлик жисмини дахманинг кунгай ерига қўйсинлар.

14

Кимда-ким бир йил муддатида мурда жисмини дахмага – офтобрўяга қўймас экан, унинг жазоси бир ашаванни қатл этган билан баробардир.

Мурданинг жисми дахмада ёмғир ёғиб, унинг тамомий чиркинларини ювиб кетгунгача ва паррандалар уни еб битиргунларига қадар туриши лозим.

Тўртинчи бўлим

15

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Сув, булут ва бодларни Фарофкарт[69] дарёсидан юборишинг ҳақиқатми?

16

... ки Сен – эй, Аҳура-Мазда! – сувни мурдорлар, дахмалар, уларнинг чирклари ва устухонлари учун юбориб, уларни нигоҳлардан пинҳон тутасан, шу ростми?
... ки Сен – эй, Аҳура-Мазда! – чиндан ўша сувларни "Буйтяка[70]" дарёсига қайтарасанми?

17

Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Ҳудди шундай, эй Зардушт! Худди сен айтганингдек, эй Зардушт!
Мен – Аҳура-Мазда – сув, булут ва бодларни Фарофкарт дарёсидан юбораман.

18

– Мен – Аҳура-Мазда – сувни мурдорлар, дахмалар, уларнинг чиклари ва устухонлари учун юбораман.
Шунда мен – Аҳура-Мазда – сувларни пинҳона қайтариб оламан.
Мен – Аҳура-Мазда – сувларни Буйтяка дарёсига қайтараман.

19

У ерда сувлар жўш урадилар. Буйтяка дарёсининг бағрида сувлар хуруш қилиб оқадилар. Устухон ва чирклардан булғангач, сўнг Фарофкарт дарёси томон оқадилар ва дармонбахш Вистубиш[71] дарахтига юз бурадилар.
У ерда менинг юзлаб, минглаб, юз минглаб гиёҳларим кўкаради...

20

Ўша гиёҳлар устига мен – Аҳура-Мазда – ёмғир ёғдираман. Токи ашаван халқи ва жамийки ўт-ўлан билан озуқланувчи жониворларга тулкиликлари учун озуқа ундирсинлар.

Бешинчи бўлим

21

– Будир энг эзгу ишлар! Будир энг гўзал амаллар! Будир, эй яхшилик истовчи Зардушт, сен сўрган нарсалар!
Ашаван Аҳура-Мазда ушбу сўзлар билан Зардушт жонига поклик асрорини бағишлади. Зардушт одамлар ўз ёзуғларидан эзгу амал, эзгу фикр ва эзгу калом билан халос бўлишлари мумкинлигини англагач шод бўлди.
"Эй, Аҳура-Мазда! Туғилгандан пок бўлмоқ тирикликда буюк ишдир. Дунёни обод этмоқ уни яхшилик билан асрамоқ ва ёруғлик сари элтмоқ керак!"

22

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Бу Ҳақиқат – Зардуштнинг девларга қарши бу Ҳақиқати бошқа динлардан нечоғли буюк ва гўзалдир?

23

Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Бу Ҳақиқат – Зардуштнинг девларга қарши Ҳақиқатининг бошқа динлардан афзаллиги Фарофкарт дарёси сувининг бошқа сувлардан нечоғли афзаллиги кабидир.

24

– Бу Ҳақиқат – Зардуштнинг девларга қарши Ҳақиқатининг – яхшилик ва гўзалликда бошқа динлардан афзаллиги, катта сувнинг кичик сувни ютиб юборгани кабидир.
– Бу Ҳақиқат – Зардуштнинг девларга қарши Ҳақиқатининг – яхшилик ва гўзалликда бошқа динлардан афзаллиги буюк тановор дарахтининг ўз сояси паноҳига гиёҳларни олгани мисолидир.

25-26

– Бу Ҳақиқат – Маздананинг девларга қарши Ҳақиқатининг – яхшилик ва гўзалликда бошқа динлардан афзаллиги осмоннинг заминни буткул ўраб олгани кабидир...

Олтинчи бўлим

27

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Бир гуруҳ одамлар бир ерда гиламлар устида бир-бирига жипс ёстиқларга бош қўйиб ухласалар; улар ўзаро бир-бирига ғоят яқин икки тан, ё беш тан, ё эллик тан, ё юз тан бўлсалар-да, ногаҳон уларнинг орасидан бирови ўлиб қолса, ўликлар жисмини булғагувчи насв деви уларнинг неча нафарини ёмонлик ва палидлик билан булғайди?

28

Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Эй, Сипийтмон Зардушт!
Агар ўлик олов қўриқлагувчи отурбон[72] бўлса, мурда жисмини булғагувчи насв деви шитоб билан етиб кела

ди ва ўн биринчи кишининг жисмига кириб, ўн нафарни булғайди.*

– Эй, Сипийтмон Зардушт!

Агар марҳум деҳқон бўлса, мурда жисмини булғагувчи насв деви шитоб билан етиб келади ва тўққизинчи кишининг жисмига кириб, саккиз нафарни булғайди.

29

– Эй, Сипийтмон Зардушт!

Агар ўлик чўпоннинг ити бўлса, мурда жисмини булғагувчи насв деви шитоб билан етиб келади ва саккизинчи кишининг жисмига кириб, етти нафарни булғайди.

– Эй, Сипийтмон Зардушт!

Агар ўлик хонаки ит бўлса, мурда жисмини булғагувчи насв деви шитоб билан етиб келади ва еттинчи кишининг жисмига кириб, олти нафарни булғайди...

37

Кимда-ким тириклиги чоғида сувни булғаса, оловни сўндирса, теваларни ўғирлаб, сўйиб юборса;

У тириклиги чоғида ўлдиргувчи мушт билан бир ашаванни уриб, жонини танидан жудо қилса...

У ўлимдан сўнг бундай қила олмайди.

38

– Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ҳақиқатда, у тубанкор, икки оёқли махлуқ ё йўлдан оздирувчи дев Ашмуғ ўз тириклигида ашаваннинг ризқидан, энгил-бошидан, ўлан-тўшагидан жудо қилмоқни тарк этмайди.

У ўлимдан сўнг бундай қила олмайди.

ИЗОҲЛАР

61. Очирпата – "олмоқ" маъносида. "Вандидод" таъбирича, бир кишини урмоқ қасдида қўлга қурол-аслаҳа олган шахс гуноҳи шундай деб юритилади. ("Вандидод", 4-фаргард, 17-банд).

62. Авауйрайшта – "айлантирмоқ" маъносида. Қўлга қурол олиб бировни урмоқ қасдида жаҳд билан уни айлантирган кимса гуноҳи шундай юритилади. ("Вандидод", 4-фаргард, 17-банд).

63. Аридуш – қўлига қурол тутиб бировни урмоққа қасдланган киши гуноҳининг номи. Бунда қасд қилган мазлумни урмайди, борди-ю урган тақдирда ҳам унинг захми уч кун ичида тузалиши керак.

64. Пишавтану – Авестода "пишавтану". "Ўз гуноҳи учун танасини бағишлаган одам" маъносини англатади. Унинг бошқа бир номи "арзон ўлим", яъни гуноҳлари эвазига ўлим жазосини топган шахс. Пишавтану гуноҳи учун бошқа жазо усуллари ҳам борлиги кўплаб адабиётларда қайд этилган.

65. Аспирина – бир дирҳам.

66. Астуваязуту – паҳлавий тилида "астуяҳод". Ўлим девининг номи бўлиб, "таннинг заволи" ёхуд "суяк бағишловчи" маъноларини ифодалайди.

67. Ашмуғ – алдовчи ва йўлдан оздирувчи девнинг номи. Шарқ адабиётида унинг "асмуғ" шакли ҳам мавжуд. "Бурҳони қотъе"да ўқиймиз: "Аҳриманий кучлардан бўлиб, исми Асмуғдир. Асмуғ одамлар орасига ёлғон, фитна, адоват уруғини сочади".

68. Кодиҳ – жой, ўтоқ, сарой маъносида. Маздапарастлар қаҳратон чоғи ўлганларни сақлаш учун махсус "кодиҳ" қурганлар. Мурда то об-ҳаво илигунга қадар ана шу ерда сақланган.

69. Фароғкарт – буюк бир дарёнинг номи. Бу дарёнинг номи Авестонинг ҳамма қисмларида учрайди. Эҳтимол Амударёдир.

70. Буйтяка – Фароғкарт дарёсига қўшилгувчи асотирий дарё.

71. Виспубиш – Барчага дармон бахш этгувчи дарахт.

72. Отурбон – Авестода "Осравон", "Олов қўриқловчи маъносида". Дин пешволарининг унвони.

(Давоми бор).

А. Сомеъ таржимаси



Л.ТИОРАнинг "Авесто" туркумидан.

** Бу ўринда Аҳура-Мазда ўн бир кишилик жамоатни назарда тутмоқда. Баъзи маздапарастлар ақидасига кўра, жамоат бўлиб ётган кимсалар орасида ногаҳон бирови ўлиб қолса, мурданинг икки ёғидан ўн бир кишига довур булғанар экан.*

ОГАҲИЙДАЙ ДАҲОЛАР ҚАЙТДИ...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг улуғ шоир, таржимон, тарихнавис ва давлат арбоби, мураббий шоир Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 190 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори адабий-маданий қадриятларимизни тиклаш, улардан ҳуқуқий-демократик жамият маънавиятини юксалтиришда фойдаланиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809-1874) кўз ўнгимизда ўзининг юксак истеъдоди, сермаҳсул ижоди билан забардаст тарихнавис олим, ҳассос шоир, моҳир таржимон, етук мураббий сифатида гавдаланади. У "Таъвизул ошиқин ("Ошиқлар тумори") девонини, "Фирдавс ул-иқбол", "Риёз уд-давла" ("Давлат ишлари"), "Зубдат ут-таворих" ("Тарихлар қаймоғи"), "Жоми ул-воқеоти султоний" ("Султонлар воқеаларига доир"), "Гулшани давлат", "Шоҳиди иқбол" каби тарихий асарларни тартиб этиб, "Қобуснома", Шарқда машҳур олимлардан Муҳаммад Воринснинг "Зубдат ул-ҳикоят", Маҳмуд бинни Шайх Али бинни Имомиддин Ғиждувонийнинг "Мифтоҳ ут толибин" каби ахлоқий-таълимий мазмундаги асарларни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, Ўзбекистон халқлари маданият тарихи ҳамда ижтимоий-педагогик фикр тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди.

Муҳаммад Ризо Мироб Эрниёзбек ўғли Огаҳий 1809 йилнинг 17 декабрида Хоразмнинг Хива қалъаси яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб оиласида дунёга келган. У таваллуд топган оилавий муҳит санъат, адабиёт ва илм аҳлларидан бўлиб, бу муҳит унинг ёшлик даври ҳаётига, тарбиясига, завқига ва истиқболига таъсир этмай қолмаган эди.

Огаҳийнинг отаси Эрниёзбек миробликлик қилиб, бир парча ерида деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланиб умр кечирган бўлса ҳам, унинг амакиваччаси Шермуҳаммад Мунис ва биродарлари Рожий (Муҳаммад Қиличбек), Нозим (Муҳаммад Яъқуббек) ўз замонасининг атоқли ва қобилиятли шоиру фузалоларидан бўлганлар.

Огаҳий ёшликдан яхши тарбия олади, Хивадаги мадрасаларда ўқиб, диний ва дунёвий илмлар билан танишади.

Огаҳий йигирма ёшида истеъдодли шоир сифатида танилади. Хива хони Оллоқулихон уни миробликлик вазифасига тайинлайди. Огаҳий миробликлик вазифасида хизмат қилса ҳам йирик мулкдор бўлмаган, Огаҳийнинг асосий мақсади амалдорлик эмас, балки юксак савияли маданий киши бўлиб жамиятга хизмат қилиш, олимлик ва шоирлик билан шуҳрат қозониш бўлган.

Огаҳийнинг "Таъвизул-ошиқин" девони XIX асрда гуллаб-яшнаган Хоразм адабий-илмий муҳитининг гултожидир. Огаҳийнинг бу девонига кирган шеърларида биз Алишер Навоий, Фузулий, Умар Хайём, Паҳлавон Маҳмуд, Шермуҳаммад Мунис анъаналарининг аниқ таъсирини ва улуғ мутафаккирлар меросининг ғоя ҳамда қарашлари шаклан ва мазмунан янги шароитда бойитилганини кўрамиз.

Огаҳий ижодининг асосини ташкил этувчи чуқур фалсафийлик ва халқчиллик, дунёсеварлик ва инсонпарварлик, одамийлик, маърифатпарварлик ва юксак одоб-ахлоқ ташвиқи, ҳар жиҳатдан камолотга эришган инсон, унинг жамиятда тутган ўрни ўзига хос фалсафий-ахлоқий тарзда талқин этилади:

Бу гулшан сайрини этсанг, босма густоҳона туфроқни,
Ки, гар гом остида бор пайкари озода мадфундур.

Огаҳий дутор, танбур, чанг, ғижжакни яхшигина чалувчи созанда бўлган. Шоир ҳофизу созандалар билан яқиндан алоқада бўлган, уларнинг куйларига ғазаллар ёзган ва ўзи ҳам анча куйлар яратганлигининг гувоҳи бўламиз:

Соз базмидин наво ушшоқға махсус улуб,
Чангдек фарёдлар маҳзуну дилзоримга хос.
Огаҳий шеърни ўқи гар хушдил ўлмоқ истасанг,
Ким, тараб мазмунидир жонпарвар ашъоримга хос.

Мусиқага оид "зеру бам", яъни ингичка ва йўғон товуш тушунчасини ишлатиш Огаҳийнинг мусиқа назариясидан хабардор эканлигини кўрсатади. Мураббий шоир ва санъатшунос олимнинг фикрича, ҳофизнинг сўзи ва куйи "фасоҳат ва нафосат" билан кишилар, хусусан, ёшларнинг ақл-идрокини равшан қилмоғи керак:

Ким санъати беназир тушгай,
Ақл аҳлиға дилназар тушгай...
Агар қилса ҳар ким томошосини,
Йўқ этгуси жаннат таманносини.

Огаҳий найнинг ўзига хос ноласини инсонга берадиган маънавий-руҳий ва эстетик озуғи тўғрисида шундай деб ёзади:

Кишиким кўнглини ҳоли тутар нечукким най,
Наво етар анго бу базм ичида пайдарпай,
Бу сўзга тут қулоқ, эй риду, волау, лошай,
Анго бу дайр фано ичра тутди муғвача най,
Ки тишни боғрига беркитмакини қилди ғазак.

Огаҳийнинг санъат ёш авлоднинг камолотида эстетик тарбия воситаси эканлиги тўғрисидаги қимматли фикрлари санъат тарихи ва тарбияшунослик, руҳшунослик фанлари билан шуғулланувчилар учун "очилмаган кўрик"дир.

Огаҳийнинг бола тарбияси ҳақидаги қарашлари ҳам диққатга сазовордир. Мутафаккирнинг фикрича, бола яхши фазилатларни фақат таълим ва тарбия натижасидагина эгаллаши мумкин. Шунинг учун у бола тарбияси билан кичкиналигидан шуғулланишни уқтиради:

Кичикликда адл айламак иртиқоб,
Бир осор иззу жалолатдурур.

Бола аста-секин улғая борган сари, сезги ва ақл орқали яхшилик ва ёмонлик тўғрисида тасаввурга эга бўла бошлайди:

Бас кишиким, оқилу донодурур,
Фаҳм хирад бирла тавонодурур.
Ақл ила фаросатким инсон шарафи ондин,
Шаънида онинг гўё бир ояти манзилдур.

Мутафаккир бола тарбияси билан шуғулланиш жуда нозик иш эканлигини, бу борада ниҳоятда эҳтиёт бўлиш, хатога йўл қўймаслик лозимлигини айтади.Чунки бола ёшликда ўта таъсирчан, тез қабул қилувчи бўлади, яхши фазилатни ҳам, ёмон одатни ҳам фарқига бормасдан қабул қилаверади. Оқибатда боланинг тарбиясига путур етади.

Огаҳий ота-она билан муаллим, яъни устод тарбиясини бир-бирига таққослар экан, устоднинг ўқувчиларни тарбиялаш усули ота-она тарбиясидан юқорироқ деган педагогик хулосага келади. Демак, болага меҳр-муҳаббатли бўлишда ва таълим-тарбия беришда устоднинг роли каттадир:

Қилиб устодлар олдида хизмат,
Аён айлаб чоқиндек расми суръат.
Неча устодлар ҳал айлабон олтун,
Хамул ишда даранг этмай тушу кун.

Таълим-тарбия бирлигини эътироф этган Огаҳий, болаликдан ярқираб кўринган ноёб қобилиятлар ва қизиқишлар ёш улуғайган сари сўниши мумкин, деган хулосага келади ва болаларни ёшликнинг қадрига етишга, ўз қобилиятини, малака ва кўникмасини, билим доирасини ривожлантиришга чақиради.

Огаҳийнинг уқтиришича, илмли киши баркамол инсон, илмсиз киши эса мисли ҳайвондир, унинг хатти-ҳаракатида разиллик ва жаҳолат мужассамдир:

Одамдир илму дониш бирла одам, йўқ эса,
Жумлаи ҳайвонғадур яксон қаду рухсару лаб.

Унинг фикрича, ҳар бир киши бирор илм-ҳунарни эгаллар экан, уни ҳаётда қўллай билиши керак, ана шундагина илмнинг жамиятга нафи тегиши мумкин. У ўз илмини амалда қўллай оладиган кишиларга юксак баҳо беради, "Бу даврон ичра бордур ҳар кишиким оқилу фозил" дея уларни доно кишилар деб атайди.

Бежиз орқама-орқа келаётган қатор-қатор авлодларни шунча давру-даврон тўфонлари оша Огаҳий биз ўтар дунёнинг сиру-синоатларидан воқиф қилиб келмаяпти.


У ўзининг аччиқ "кўз ёшларига тойиб кетаётиб ҳам" саф-саф одамзод болаларини оёққа турғизиб, кетаётган мустаҳкам сафларга ўз таъсирини ўтказиб, яшаб бормоқда.

Биз бу қисқа мақоламизда Огаҳийнинг таълим, тарбия ва ахлоқ масалаларини ўз ичига олган айрим қарашларига тўхталдик, холос. Буни Огаҳийдай улуғ денгиздан бир томчи деб тушуниш керак. Бугун мустақил Ватанимизни ўз бақувват илдизлари – Огаҳийдай даҳолари қайтиб келганлиги билан қутлаш керак.

Феруза РАСУЛОВА, Солижон ҲАСАНОВ,
педагогика фанлари номзодлари.

Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигига

Беҳзод ва унинг мактаби



Яқин ва Ўрта Шарқнинг миниатюра тарихида XVI аср гуллаб-яшнаш даври бўлди. Эрон, Озарбойжон, Туркия, Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда миллий бадиий марказлар тузилди. Қадимий анъаналар тикланди, маҳаллий мусаввирлик мактаблари вужудга келди. Шу билан бирга, ҳар хил миниатюра мактаблари орасида ижодий билимлар алмашинуви, усталарнинг бир бадиий марказдан иккинчисига ўтиб кетиш жараёни авж олди. Бу Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари санъатининг бирлигига ва рангтасвирнинг ривожига яқиндан ёрдам берарди. Бундай мактаблар: Табриз, Самарқанд, Бухоро, Қазвин, Шероз, Исфаҳон, Машҳад мусаввирлик мактабларидир.

1522 йилда шоҳ Тахмосп I нинг алоҳида буйруғига биноан Ҳиротдан Табризга кўчиб келган Камолиддин Беҳзод кутубхонага бош этиб тайинланади. Унга қадар Беҳзод Навоий орқали Ҳиротда Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро саройидаги салтанат кутубхонасига раҳбар этиб тайинланган ва ижод билан машғул эди. Ҳусайн Бойқаро ҳукм қиладики: "Аср нодири, мусаввирлар пешвоси, устод Камолиддин Беҳзодга – Ҳумоюн подшоҳ кутубхонаси аҳлига, яъни котиб, наққош, музаҳҳиб, жадвалкаш, халкор ва заркўбларга ... бошчилик мансаби топширилсин..."

Камолиддин Беҳзоднинг ижодхонаси ва иш жараёни ҳақида шундай ҳикоя мавжуд:

"Шарқ қўёши Беҳзод учун қурилган шинам ҳужрани нурга ғарқ этди. Бу йўлда наққош пастдаккина қия курси устида энгашиб ишларди. Курсининг тортма хоналарида шоҳ асарлар яратиш учун зарур бўлган ҳамма нарса муҳайё. Тўғри, Беҳзод европалик рассомларникидек кенг ва қулай устахоналарга эга бўлмаган. Унинг иш жойи оддийгина ҳужра бўлиб, оқ мармар деворлари моҳир Шарқ хаттотлари томонидан Қуръон калималари билан музайян этилган. Ҳужрада бўйра тўшалган. Бурчакда гилам устида бир неча ёстиқ. Бу меҳмонлар ва мухлислар учун қўйилган. Ҳужра орқаси боғ, сокин сувли ҳовуз, ундан нариоқ – гулзор ва дарахтзор. Шафтолилар пишиб, ишкомдаги олтиндек товланган узум бошлари сийрак барглари орасидан мўраларди. Ҳужра атрофида атиргуллар чамандек очилиб ётарди. Минглаб турли-туман гуллар қийғос очилганидан уларнинг барглари кўзга ташланмасди. Шу муҳитдан илҳомланган Беҳзод ўтириб нозик мўйқалами билан суврат чизарди. Нозик мўйқаламни ундан илгари ҳам, кейин ҳам ҳеч бир мусаввир Беҳзодчалик ишлатишга муваффақ бўла олмаган".

Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби намояндалари томонидан юксак поғонага кўтарилган миниатюра санъатида табиат, ҳайвонот олами, айниқса, инсонлар ва улар ўртасидаги турли-туман ижтимоий муносабатларнинг жуда кўп томонлари ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам нафис тасвирий санъатнинг бир тури бўлмиш миниатюра санъати ўтмишда Ўрта ва Яқин Шарқ, шу жумладан, Ўрта Осиё халқларининг турмуш шароитини, улар яшаган ҳаётнинг баъзи бир томонларини билишда бизга ёрдам беради. Мусаввир Мир Саид Али севгиси туфайли ақлдан озган Мажнунни Лайли чодирига олиб келган аёлни тасвирлар экан, арабларнинг кўчманчи қароргоҳи ҳақида ҳикоя қиладди. Пода боқаётган чўпонни, арикдан сув олаётган аёлни кўрсатади, чодирларнинг пардасини аста очиб, унда яшовчиларнинг яширин ҳаётларини кузатади. Султон Муҳаммад, Хисрав ила Ширинниг биринчи учрашуви саҳналини тасвирларкан, улар ички туғёнини, севгисини, уларни ўраб турган гўзал табиатни ғоят нафис ифодалайди.

Султон Муҳаммад Нур машҳур ҳиротлик хаттот Султон Али Машҳадийнинг ўғли бўлиб, миниатюра ва мусаввирлик ҳунарини даставвал ўз уйида машҳур санъаткор отасидан ўрганган. У миниатюра ва наққошликни мукаммал ўрганиш мақсадида Камолиддин Беҳзод ҳузурига келади ва унинг истеъдодли, моҳир шогирдларидан бирига айланади.

Миниатюра санъатининг этнографик аҳамияти тўғрисида гапирганда,яна бир муҳим нарсани унутмаслигимиз керак. Баъзи бир миниатюраларда ўша даврдаги халқларнинг кийим-кечаги, ўйинлари, машғулотларидан ташқари, яна улар чалиб юрган мусиқа асбоблари ҳам акс эттирилган.

Беҳзод ва унинг нафис тасвирий санъат мактаби вакиллари томонидан яратилган ажойиб миниатюрада Ўрта ва Яқин Шарқ, жумладан Ўрта Осиё халқлари орасида XV-XVI асрларда кенг тарқалган мусиқа асбобларидан: уд, ғижжак, чанг, танбур, най, карнай, сурнай, ноғора, доира сингари қадимий чолғу асбобларни кўплаб учратамиз.

Мазкур миниатюраларни томоша қиларканмиз, Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган мусиқа асбоблари улкан халқ шодиёналарида, ов, уруш ва жангу жадалларда, йиғинларда уларга доимо ҳамдам, ҳамнафас бўлиб келганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Ранг-баранг миниатюра асарларини кузатар эканмиз, биз, XVI аср машҳур мусаввирларининг ижодига Ҳирот наққошлик мактабларининг энг яхши жиҳатлари мужассамлашганлигининг гувоҳи бўламиз. Улар манзара яратишнинг мураккаб хислатларини Табриз мусаввирларидан, бадиий ойдинликни Ҳирот мактаби мусаввирларидан ўрганадилар.

Шоира ЎРМОНОВА.

Маснавий

МАСНАВИЙ

Чун ҳадиси рўй Шамсиддин расид,
Шамси чорўм осмон сар даркашид.

Таржима

Очди Шамсиддин юзидан парда то,
Тортди тўртинчи фалак шамси қаро.

Шарҳ

Сўз Шамсиддин Табризий ҳазратларига етгач, тўртинчи осмон қуёши чиқиб тортди ва уятдан уфқ ортига яширинди. (Бу ўринда офтоб Мавлоно ҳазратларининг ҳаёлини ошуфта айлаб, муршиди Шамс Табризий томон етаклайди).

МАСНАВИЙ

Вожиб ояд, чунки омад номи ў,
Шарҳи рамзе гўфтан аз инъоми ў.

Таржима

Вожиб ўлди, чунки номин эсладик,
Неъматидан рамз шарҳин айлайик.

Шарҳ

Шамс Табризийнинг номи тилга олинди. Бинобарин, унинг инъомларидан бир шингил сўйлаб ўтмоғимиз лозим бўлади.

МАСНАВИЙ

Ин нафас жон доманам бартофтаст,
Бўйи пироҳани Юсуф ёфтаст.

Таржима

Бул нафас жон доманим тутди ёмон,
Қилди Юсуф кўйлагин бўйи гумон.

Шарҳ

Бу дам жони жонимга пайванд Ҳусомиддин менинг асроримни билмак истайди. У гўё Юсуф алайҳиссаломни кўйлаги ҳидидан пайқаган Яъқуб алайҳиссаломга менгзайди.

МАСНАВИЙ

Аз барои ҳаққи суҳбат солҳо,
Боз гў ҳоле аз он хушҳолҳо.

Таржима

Неча йиллик суҳбатимиз ҳурмати,
Кел, у хушҳол ҳолидин бир сўйлагил.

Давоми.
Боши журналнинг 1996, 1997, 1998, 1999 йил сонларида.

Шарҳ

Ушбу байт юқоридаги байтнинг жавоби. Мазкур байтда Ҳусомиддин ҳазрат Мавлонодан нима ҳақда сўрамоқчи эди? Ҳусомиддин – ҳазрат Мавлононинг садоқатли халифлардан бири – зоти шарифдан ўтиняпти: "Узоқ йиллар сиз билан кечган хуш дамлар, кўнгилли суҳбатлар ҳаққи-ҳурмати ўша хушҳоллар (яъни, Шамс Табризий) ҳолидан бизга бир нелар сўйланг!.."

МАСНАВИЙ

То замину осмон ҳандон шавад,
Ақлу руҳу дийда сад чандон шавад.

Таржима

Шод ўлсин токи осмону замин,
Ақлу руҳу дийда ҳам бул муждадин.

Шарҳ

Токи Шамс Табризий ҳақидаги ҳикоятдан замину осмон шодмон, ақл, руҳ ва нигоҳларимиз унинг ҳақидаги муждадан бахтиёр ва масрур бўлсин.

МАСНАВИЙ

Ла тукаллифний фаинний филфана,
Каллат афҳамий фа ла уҳсий сана.

Таржима

Ҳазрат Мавлоно дейди: "Мен фано ҳолатидаман. Мени тақаллуф сўзламоққа ва заҳматга ундама. Зотан, ақлидроким ҳам фано ҳолатида бўлиб, ҳамду сано айтмоққа қодир эмасмен".

Шарҳ

Сано айтмоқ ҳушёр кишиларнинг амали. Масту мустағриқ киши, яъни фано ҳолатидаги шахснинг ақл-шуури ўзига тобе эмас. Руҳ эса ундан мустасно.

Мавлоно ўз руҳий аҳволидан огоҳ этаркан, Ҳақ ишқида фонийлигидан ҳам хабар бермоқда. Бу – валийларга хос ҳолат.

МАСНАВИЙ

Куллу шайъин қолаҳу ғайрул муфийқ,
Ин такаллаф ав тасоллаф ла ялийқ.

Таржима

Инсон ҳушсизлик ҳолатида нимани сўйламасин, уни ҳушёр ҳолатида эслолмайди ва идрок этолмайди. Демак, бу ҳолда сўзламоқ, нимагадир ружу қилмоқ, ненидир ният ва иддао қилмоқ лозим эмас.

МАСНАВИЙ

Ман чй гўям, як рагам ҳушёр нест,
Шарҳи он ёре, ки ўро ёр нест.

Таржима

Мен не дердим, томирим ҳушёр эмас,
Ёрким, ул ёра ҳеч ким ёр эмас.

Шарҳ

Ақалли биргина томирим ҳам ҳушёр бўлмаган ҳолда ул ёр ҳақида нечук сўйлай? Ёримнинг бу оламда ҳеч ўхшаши йўқ. Унинг на муносиб дўсти, на ёри бор. У – ягона.

МАСНАВИЙ

Шарҳи ин ҳижрон ва ин хуни жигар,
Ин замон бигзор то вақти дигар.

Таржима

Бул жигар қонин ва ҳижрон шарҳини
Қўй, кейин сўзлаб берурман барини.

Шарҳ

Эй, Ҳусомиддин Чалабий!

Жигарларни қонга қорган аламли ҳижрон шарҳини бу замон мендан сўрма. Мен залворли фурқат қиссасини сўйламоққа ожизман. Лекин бошимдан кечаётган бу ҳушсизлик, ғайриихтиёрий ҳолат хотима топса, мен ул ягона, ёрсиз ёр ҳақида сенга сўйлаб бераман.

МАСНАВИЙ

Қола атъимний фаинний жайиъун,
Ваътажил фалуқоту сайфун қотиъун.

Шарҳ

Ҳусомиддин Чалабий Мавлонога деди: "Менга таом бергил, мен очман (Ул ёрнинг ботиний ҳақиқати таомидан менга насиба бер, мен ул ҳақиқатга очман). Бунинг учун шитоб қилгилки вақт ва замон кескир қиличдир, тез ўтгувчидир. (Вақт бу ўринда орифлар тушунчаси орқали ифодаланмоқда. Яъни, шундай вақтки, бу лаҳзада инсон илоҳий имтиҳон майдонида бўлади).

МАСНАВИЙ

"Сўфий – ибнул вақт" бошад, эй Рафиқ,
Нест "фардо" гўфтан аз шарти тариқ".

Таржима

"Сўфий – ибнул вақт" эрур, эй Ошно,
"Эрта" деб айтмоқ тариқатда хато.

Шарҳ

Ҳусомиддин Чалабий деди: "Эй биродар, сўфий вақтнинг фарзандидир. Яъни, у ҳар лаҳза билан тирик. У бир нафасни ҳам беҳуда сарфламайди. "Эрта", "индин" демоқ тариқат сулукининг шартга хилоф. Бу маънавий манзил ва мароҳилни босиб ўтиш мумкин эмас. Орада бўшлиқ ёхуд вақт йўқ. Айни дам – бор. Эрта – эртадур.

МАСНАВИЙ

Ту магар худ марди сўфий нестй,
Ҳастро аз нася хезад нестй.

Таржима

Сўфисан сен мардким олам билар,
Насядан бор йўқ бўлар, бор йўқ бўлар.

Шарҳ

Сен, (эй Мавлоно) ахир, мард сўфий эмасмисан?

Нега "бу вақтни қўйиб тур, бошқа бир замонда сўйлаб бераман", дейсан? Зотан, бор нарса вақтида берилмас экан, у, албатта, йўқ бўлади.

МАСНАВИЙ

Гўфтамаш: "Пўшида хуштар сирри ёр,
Худ ту дар зимни ҳикоят гўш дор".

Таржима

Дедим: "Ҳушдир бўлса пинҳон ёр сири,
Сен ҳикоят зимнида тингла буни.

Шарҳ

Мен Ҳусомиддин Чалабийга дедим: "Ёрлар сирининг пинҳон бўлмаги яхшидир. Токи номаҳрамларнинг назари унга тушмасин. Сен эса, ҳикоят қатига яширинган ёр сирларини ҳушёрлик қулоғи билан эшит, англа. (Сирни пинҳон сақлаш урфоний авлиёларнинг шарти. Кимки ўзини таниса, у хомушликни ихтиёр қилади).

МАСНАВИЙ

Хуштар он бошад, ки сирри дилбарон,
Гўфта ояд дар ҳадиси дигарон.

Таржима

Хушдир улким ёрлар асроридан
Бўлсанг огоҳ ўзгалар гуфторидан.

Шарҳ

Илоҳий ҳарам маҳбубаларининг асрорини ўзгалардан эшитган маъқулроқ. Зеро, номаҳрамлар ва бегоналар уларнинг ёрлик сир-синоатидан воқиф бўлмасинлар. Ҳақиқий тасаввуф айтмоқ эмас, топмоқдир. Кимларки сўйламишдир тасаввуф Ҳақиқати эмас, унинг одоби ҳақида сўйламишлар.

МАСНАВИЙ

Гўфт: "Макшуфу бараҳна, беғулул,
Бозгў дафъам мадеҳ, эй булфузул".

Таржима

Деди: "Сўйла ошкора, бениқоб,
Қилма инкор, соҳиби фазл, эй жаноб".

Шарҳ

Ҳусомиддин деди: "Эй фазилат соҳиби, ёр сирини яширмасдан ошкор баён айла".

МАСНАВИЙ

Парда бардору бараҳна гў, ки ман
Менахусбам бо санам бо пераҳан.

Таржима

Парда торт, урён гапир, рад айлама,
Мен санам бирла либосда ухламам.

Шарҳ

Ёр сири юзидан пардани кўтар. Урён ва ошкора сўйла. Мен ҳижобда бўлган ҳақиқат маҳбубаси билан ётмайман. Мен ошкора Ҳақиқатни истайман.

МАСНАВИЙ

Гўфтам: "Ар урён шавад у дар аён,
Не ту моний, не канорат, не миён".

Таржима

Дедим: "Урён бўлса у ёхуд аён,
На қолурсан сен, на қолгай тўрт томон".

Шарҳ

Ҳусомиддинга дедим: "Агар ул Ҳақиқий маҳбубимнинг Зоти ошкор намоён бўлса ва ўз Зоти билан тажаллий қилса, на сен қолурсан, на сенинг атрофтегранг ва на ўртадагилар қолади. Бутқул маҳв ва фано бўласан. Ҳақ таъоло парда ортидадир. Аҳли башар унга тоб берсин учун ўзини намоён қилмайди".

Мавлоно ушбу ҳолатни шарҳларкан шундай дейди:

"Ҳақ таоло бу ниқобларни жумла жоннинг омонлиги учун яратди. Ҳақ ўз жамолини ниқобсиз намоён этса, биз унга тоб беролмаймиз ва баҳра ололмаймиз. Бу ниқоб ва пардалар воситасида мадад ва манфаат оламиз. Офтобга боққил. Унинг нурлари таъсирида унамиз, кўрамиз, яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратамиз, унинг тафтида роҳатланамиз. Дарахтларга назар солгин. Хом, туруш мевалар қуёш нуридан баҳра олиб, ширин шарбатга тўлади, пишиб етилади. Олтин, кумуш, лаъл ва ёқут каби маъданлар унинг таъсирида намоён бўлади. Шу қадар буюк манфаат бахш этувчи офтоб масофадан туриб таъсир кўрсатади. Ёвуқроқ келса, ҳеч қандай манфаат ҳосил бўлмайди. Балки тамомий жаҳон, инсоният куйиб кулга айланади. Ҳақ таъоло тоққа ҳижоб ортидан тажаллий этади, натижада тоғ дарахтзор, гулзор ва сабзазорга мубаддал бўлади. Ҳижобсиз юз кўрсатса, тоғ зеру забар бўлиб, зарраларга айланади". ("Фийҳа ма фийҳи" 35-36с.)

МАСНАВИЙ

Орзу мехоҳ, лек андоза хоҳ,
Барнатобад кўҳро як барги коҳ.

Таржима

Орзу қил, лек бил андозасин,
Тоғ гумон этма сомоннинг парчасин.

Шарҳ

Эй Ҳусомиддин, орзу-матлаб яхши, бироқ унинг ҳам андазасини унутма. Яъни, истеъдоднинг талабига мувофиқ умид қил. Сомон парчасида тоғнинг сабр-тоқати не қилсин.

МАСНАВИЙ

Офтобе к-аз вай ин олам фурўхт,
Андаке гар пеш ояд, жумла сўхт.

Таржима

Офтобким ушбу олам шамъидур,
Зарро ёвуқ келса, бас, мотам дурур.

Шарҳ

Маълумки офтоб бутун оламларга нур, иссиқлик, ҳаёт ва ҳарорат бахш этади.

Бироқ ана шу ҳаётбахш офтоб арзимас даражада яқинроқ келса ҳам борлиқ оламни кул-кукунга айлантиради.

Худди шунингдек, Ҳақиқат қуёши ҳам ақл идрок, тафаккур ва ҳиссиётнинг тоқатидан ошиғроқ тарзда намоён бўлса, ёхуд таъсир кўрсатса башарият фожиага гирифтор бўлади. Жумладан, бугун инсониятнинг бир гуруҳи Оллоҳ белгилаб берган ҳад-сарҳадни бузиб, у рози бўлмаган ақлий ва моддий амалларни бажармоқда. Натижалари кўз ўнгимизда. Оллоҳнинг кўрсатмасидан тажовуз этган ҳолда мақсадга эришиб бўлмайди. Эришилган натижанинг оқибати ғоят қўнгилсиздир. Ҳамма нарсада тоқат мезонини тутмоқ жоиз.

МАСНАВИЙ

Фитна ва ошубу хунрезй мажў,
Беш аз ин аз Шамси Табрезй магў.

Таржима

Фитна, хунрезлик ва исён истама,
Шамс Табризийдан ортиқ сўзлама.

Шарҳ

Эй, Ҳусомиддин, Ҳақиқат Шамси (қуёши) ҳақида бундан зиёд билмоқни истама.Фитна, исён ва хунрезлик рўй беради. Ҳазир бўл!

МАСНАВИЙ

Ин надорад охир, аз оғоз гў,
Рў тамоми ин ҳикоят бозгў.

Таржима

Охири йўқдир унинг, бошдан гапир,
Бул ҳикоятни тўкиб сол бирма-бир.

Шарҳ

Шамс асрорининг баён ва шарҳи поёнсиз. Бинобарин, ҳикояни бошдан бошла. Ва канизак қисматига юз бур.

ВАЛИЙНИНГ ШОҲДАН ИЗН СЎРАШИ ВА БЕМОР КАНИЗАК БИЛАН ХИЛВАТДА ҚОЛИШИ

МАСНАВИЙ

Гўфт: "Эй шаҳ, хилвате кун хонаро,
Дўр кун ҳам хеш ва ҳам бегонаро".

Таржима

Деди: "Эй шоҳ, хилват айла хонани,
Ҳайда бундан ўзни ҳам бегонани".

Шарҳ

Илоҳий ҳаким деди: "Эй, шоҳ! Хонани мутлақо холи қил. Мен ва канизакдан бошқа маҳрам ва номаҳрамлардан ҳеч ким бу ерда қолмасин".

МАСНАВИЙ

Кас надорад гўш дар даҳлизҳо
То бипурсам з-ин канизак чизҳо.

Таржима

Осмасин ҳеч ким қулоқ даҳлизда,
То сўрай ул-булни мен каниздан.

Шарҳ

Ҳеч ким, ҳатто эшик ортида – даҳлизда турганлар ҳам бизнинг канизак билан бўлгувчи суҳбатимизни эшитмасликлари лозим.

МАСНАВИЙ

Хона холӣ монд ва як даййор на,
Жуз табибу Жуз ҳамон бемор на.

Таржима

Хона холи қолди бир даййор йўқ,
Бир табибу бир каниз – ағёр йўқ.

Шарҳ

Хонани зумда бўшатдилар. У ерда на бир номаҳрам, на бир даййор (хона соҳиби) қолди. Хилватда – табиб ва бемор.

МАСНАВИЙ

Нарм-нармак гўфт: "Шаҳри ту кўжост?
Ки иложи аҳли ҳар шаҳре жудост".

Таржима

Сўрди аста-аста: "Айт, шаҳринг қаён?
Ҳар шаҳарнинг аҳли ҳар хилдир аён".

Шарҳ

Илоҳий Ҳаким ғоят самимий ва мулойимлик билан канизакка деди: "Ўз она шаҳринг ҳақида сўйлаб бер. Зеро, ҳар бир шаҳар аҳлининг феъл ва табиати турлича. Қадимги табиблар ҳар бир шаҳарнинг экватор чизиғи ва қутбларга нисбатан мавқеи, паст-баландлиги, дарё ва тоғлардан олис-яқинлиги, тупроғи, ҳавоси ва бошқа жиҳатларига катта эътибор берганлар".

МАСНАВИЙ

В-он дар он шаҳр аз қаробат кистат?
Хешӣ ва пайвастагӣ бо чистат?

Таржима

Ул шаҳарда борми қондошинг сенинг?
Ақрабо ҳам хеш, жондошинг сенинг?

Шарҳ

Илоҳий Ҳаким деди: "Эй канизак, ўша шаҳарда қариндош-уруғинг, дўст-ҳабибинг, ёр-биродаринг борми?"

МАСНАВИЙ

Даст бар набзаш ниҳоду як бо як
Боз мепурсид аз жаври фалак.

Таржима

Томирин тутди канизнинг, сўнг табиб
Сўрди: "Айтиб бер менга ҳолинг, ғариб.

Шарҳ

Илоҳий ҳаким канизакнинг қон томирига бармоғини қўйди ва: "Борини ошкора, менга айтиб бер", деди. Табибнинг канизак қўл томирини тутган ҳолатда саволлар беришдан муддаоси ҳикоя жараёнида, қай ҳолатда томир урушида ўзгариш содир бўлишини билиб олиш эди.

МАСНАВИЙ

Чун касеро хор дар пояш жаҳад,
Пойи худро дар сари зону ниҳад.

Таржима

Ботса хор товони ғар кимсанинг,
Елкасига ортгай они тиззанинг.

Шарҳ

Маълумки, оёқ товонига нишми, тиканми – нима ботмасин, уни олиб ташлаш учун оёқ дарҳол тиз устига қўйилади.

МАСНАВИЙ

В-аз сари сўзан ҳаме чўяд сараш,
В-ар наёбад мекунад бо лаб тараш.

Таржима

Ахтарар игна учи-ла ўрнини,
Топмаса лаб бирла ҳўл қилгай уни.

Шарҳ

Оёғига тикан кирган кимса игна учи билан уни қидира бошлайди. Агар тополмаса, ниш ботган ўринни ҳўллайди.

МАСНАВИЙ

Хор дар по шуд чунин душворёб,
Хор дар дил чун бувад? Во, деҳ жавоб.

Таржима

Бир тикан ботса оёққа шунчалар,
Не булар, айт, қалбга ботса у агар?

Шарҳ

Товонга ботган биргина тиканни топмоқ шу қадар душвар эса, юракка санчилган тиканнинг аҳволи қандай бўларкан? Уни топиб бўлармикан?

МАСНАВИЙ

Хори дилро ғар бидидӣ хар хасе,
Даст кай будӣ ғамонро ҳар касе.

Таржима

Қалбга ботган хорни кўрса ҳар хашак,
Кимда ғам бор? Ғам ўзи кимга керак?

Шарҳ

Юракка санчилган тиканни ҳар қандай одам англаёлмайди. Қалбга ботган нишга ҳар касу нокаснинг назари тушавермайди. Агар, ҳақиқатда, бу ботин тиғларини ҳамма кўра олса эди, дунёда ғам-ғусса қолармиди? Бу рухоний ханжарларни валийлардан ўзга ҳеч ким кўра билмайди. Хулоса, ҳамма ҳам одамларнинг ботиний табиби бўла олмайди.

МАСНАВИЙ

Кас ба зер думми хар хоре ниҳад.
Хар надонад дафъи он, бармежаҳад.

Таржима

Кимса эшшак ортига санча тикан,
Они олмак келмас эшшак илкидан.

Шарҳ

Масалан, кимдир эшак думининг остига тикан санчиб қўйса. Бечора жонвор уни суғуриб ташлай оладими? Табиийки йўқ. Эшак у ёқдан бу ёққа шаталоқ отиб, чопмоқдан бошқа нима ҳам қила оларди.

МАСНАВИЙ

Баржаҳад в-он хор маҳкамтар занад,
Оқиле бояд, ки хоре барканд.

Таржима

Чопгай эшшак, ул тикан қаттиқ ботар,
Шубҳасиз бир ақли бор тортиб олар.

Шарҳ

Табиийки, жисмига тикан ботган жонвар оғриққа чидаёлмай у ёқдан, бу ёққа чопади, ирғишлайди. Натижада тикан унинг танасига чуқурроқ сингиб боради. Албатта, бир оқил одам тиканни суғуриб олмаса, эшак уни минг йилда ҳам суғуролмайди.

МАСНАВИЙ

Хар зи баҳри дафъи хор аз сўзу дард,
Жуфта меандохт сад жо захм кард.

Таржима

Ул тиканнинг захмидан эшшак чунон
Шатта отгай жисмин айлаб жиққа қон.

Шарҳ

Эшак тиканнинг зарбидан ўзини ҳар ёнга отади, уради. Оқибатда бир тикан захми қолиб, юз ерини моматалоқ айлайди.

МАСНАВИЙ

Он ҳакими хорчин устод буд,
Даст мезад жо ба жо меозмуд.

Таржима

Ул ҳаким устод эди ҳар бобда,
Кўл билан дардин уқиб бетобдан.

Шарҳ

Руҳий дардни чуқур англагувчи илоҳий ҳаким канизакнинг қўлидан тутган кўйи касаллик сабабларини қидирарди.

МАСНАВИЙ

З-он канизак бар тарийқи достон,
Боз мепурсид ҳоли дўстон.

Таржима

Ул канизакдан гўзал достон каби
Сўрди кимдир жонга пайванд дўстлари.

Шарҳ

Илоҳий ҳаким бемор канизак билан қиссагўйлик қилган каби унинг яқин дўстлари ҳақида сўрай бошлади.

МАСНАВИЙ

Бо ҳаким ў қиссаҳо мегуфт фош,
Аз мақому хожагону шаҳри тош.

Таржима

Фош айлаб сирларин сўйларди лол,
Ҳам мақому хожасин соҳибжамол.

Шарҳ

Канизак она шаҳри, ҳамшаҳарлари ва кўнглига яқин кишилар ҳақида ҳакимга ҳикоя қила бошлади.

МАСНАВИЙ

Сўй қисса гўфтанаш медошт гўш,
Сўй набзу жўстанаш медошт ҳуш.

Таржима

Қиссасин тингларди диққат бирла у ,
Ҳамда томир зарбин айлаб жустужу.

Шарҳ

Илоҳий ҳаким бир томондан канизак ҳикояларига қулоқ тутар эди, ўз навбатида бутун эътибори унинг томир ҳаракати меъёрига қаратилганди.

МАСНАВИЙ

Токи набз аз номи, ки гардад жаҳон,
Ў бувад мақсади жонаш дар жаҳон.

Таржима


Набзи кимнинг исмидан бот урса гар,
Ул эрур мақсуди жони мухтасар.

Шарҳ


Илоҳий ҳаким канизакнинг набзи (томири) қайси исм талаффузидан сўнг шиддатлироқ урушини мушоҳада эта бошлади. Муайян бир ном талаффуз қилинганидан сўнг, томир зарбининг меъёри шиддатли тус олса, демак ўша исм соҳиби канизак жонининг мақсуди экани маълум бўлади.

МАСНАВИЙ

Дўстони шаҳри ўро баршумурд,
Баъд аз он шаҳри дигарро ном бурд.



Суратни Р.Эрматов чизган.



Таржима

Шаҳрларидан, хоналардан сўйлади,
Томири қилт этмади, дам урмади.

Шарҳ

Илоҳий ҳаким кўрдики, бу иш билан мурод ҳосил бўлмайди. Энди у ҳар бир шаҳарни, ундаги хонадонларни алоҳида санай бошлади. Бироқ бу тадбир ҳам самарасиз чиқди. Канизакнинг на томири қилт этди, на ранг-рўйи учди?

МАСНАВИЙ

Набзи у бар ҳоли худ буд бегазанд,
То бипурсид аз Самарқанди чу қанд.

Таржима

Токи қанддек Самарқанд ёд бўлмади,
Қизнинг аҳволи тамом ўзгармади.

Шарҳ

Илоҳий ҳаким канизакнинг ширин ва дардли хотиралари қаттиқ боғланган Самарқанд шаҳри эсланмагунча унинг томирида ҳеч қандай ўзгаришни пайқамади.

МАСНАВИЙ

Набз жасбу рўй сурху зард шуд,
К-аз Самарқанди заргар фард шуд.

Таржима

Томири жазб бўлди, юзлар арғувон,
Ул Самарқанд заргари эсланган он.

Шарҳ

Қачонки илоҳий ҳаким Самарқанд шаҳрини ва у ерда сокин бўлган заргарни тилга олди, канизакнинг аҳволи тағйир топди. Томир зарблари шиддатли тусга кирди, юзлари қизариб кетди.

МАСНАВИЙ

Чун зи ранжур он ҳакийм ин роз ёфт,
Асли он дарду балоро боз ёфт.

Таржима

Ранж бирла топди у бу розни,
Неча дарду не балога хосни.

Шарҳ

Илоҳий ҳаким канизак дарди юзидан пардани кўтаргач, билдики бу дарду бало, ранжу хасталикларнинг асосий сабабчиси ИШҚ экан.

МАСНАВИЙ

Гўфт: "Гўй ў кадом андар гузар,
У Сарипул гўфт ва кўй Готфар".

Таржима

Деди: "Айтгил қай маҳаллотдан бўлар?"
У "Сарипул," деди ҳамда "Готфар".

Таржима

Шаҳрининг дўст-ёрларидан сўйлади,
Неча ёру, не диёрдан бўйлади.

Шарҳ

Илоҳий ҳаким канизак яшаган шаҳарга кўнгил қўйган кимсалар ҳақида саволлар берар, ундан сўнг яна бошқа шаҳру диёрлар хусусида суҳбатни давом эттирарди.

МАСНАВИЙ

Гўфт: "Чун берун шудй аз шаҳри хеш,
Дар кадомин шаҳр будастй ту пеш."

Таржима

Деди: "Тарк этгач диёрингни бутун,
Қай шаҳарда кўпроқ ўлдинг, не учун?"

Шарҳ

Илоҳий ҳаким канизакка деди: "Эй канизак, ўз она шаҳрингни тарк этганингдан сўнг, қай бир шаҳарда узоқ вақт туриб қолдинг?"

МАСНАВИЙ

Номи шаҳре гўфт ва з-он ҳам даргузашт,
Рангу-рў ва набзи ў дигар нагашт.

Таржима

Бир шаҳарни эслади сўнг як-баяк
Бошқасин, қиз эрса парвойи палак.

Шарҳ

Илоҳий ҳаким бир шаҳарнинг номини тилга олгач, яна бошқа шаҳарларни санашда давом этди. Канизакнинг на ранг-рўйида, на томир зарбида ҳеч қандай ўзгариш сезилмасди.

МАСНАВИЙ

Хўжагону шаҳрҳоро як-баяк
Боз гўфт аз жо-ю аз нону намак.

Таржима

Хўжалар ҳам шаҳарларни бирма-бир,
Сўйлади, нон-туз, мамолик, қир-адир.

Шарҳ

Илоҳий ҳаким бемор канизак боши устида шаҳарлар, уларнинг аҳолиси, нон-тузи ҳақида сўзлар эди.

МАСНАВИЙ

Шаҳр-шаҳр, хона-хона қисса кард,
На рагаш жунбиду на рух гашт зард.

Шарҳ

Илоҳий ҳаким канизакдан сўрди: "Заргарнинг манзили қайси гузар ва қай маҳалла эканини айтгил?!" Канизак: "Сарипул гузари, Готфар маҳалласи," деб жавоб берди.

МАСНАВИЙ

Гўфт: "Донийам, ки ранжат чист зуд,
Дар халосат сеҳрҳо хоҳам намуд".

Таржима

Деди: "Билдим бот ранжинг не дурур,
Сеҳр қилгумким бу ранжлар йўқ бўлур".

Шарҳ

Илоҳий ҳаким деди: "Беморлигинг ва ранжларинг сабабини англадим. Энди зудлик билан бу касалликдан қутқариш пайига тушиб, сеҳрлар кўрсатаман ва сени халос этаман. (Ҳар қандай ботиний ва жисмоний ҳаким беморга ташхис қўйгач, унинг кўнглини кўтаради, тезлик билан оёққа туриб кетишини умид қилади. Шу тариқа беморга далда беради, уни ўз иродасига ишонтиради, юпатади).

МАСНАВИЙ

Шод бош ва фориғу эмин, ки ман,
Он кунам бо ту ки борон бо чаман.

Таржима

Шод бўлгил, мен қилай бир корни,
Ким қилур ёмғир чаман, гулзорни.

Шарҳ

Илоҳий ҳаким деди: "Шодмон, осуда ва роҳатда бўл. Ёмғир сувлари чаманзор учун нечук асар қилса, менинг даво-ю дармоним ҳам сенга шундай асар қилади".

МАСНАВИЙ

Ман ғами ту мехурам, ту ғам махўр,
Бар ту ман мушфиқтарам аз сад падар.

Таржима

Мен чекай ғам, асло ғам чекма, қизим,
Юз атодан меҳрибонроқман ўзи.

Шарҳ

Илоҳий ҳаким деди: "Мен сенинг ғамингдаман. Сен ҳаргиз ғам чекма. Юз отадан ҳам меҳрибонроқдурман".

МАСНАВИЙ

Хону хонин розро бо кас магў,
Гарчи аз ту шаҳ кунад бас жўсту-жў.

Таржима

Сўйлама бу розни ҳеч зотга,
Сурса айтма, майлига, шаҳзодга.

Шарҳ

Илоҳий ҳаким деди: "Ҳушёр бўл, бу сирни зинҳор-базинҳор бировга ошкор қила кўрма. Агарчи шоҳнинг ўзи суриштирса-да, сўйлама".

МАСНАВИЙ

Гўрхони рози ту чун дил шавад,
Он муродат зудтар ҳосил шавад.

Таржима

Сирларинг мозори гар кўнгил эрур,
Не муродинг бор, бот ҳосил эрур.

Шарҳ

Агар сир-асроринг қабристони кўнглинг бўлса, яъни, энг азиз розларинг яширин бўлса, ўшанда муродинг тезлик билан ҳосил бўлади. "Сир қабри" ибораси машҳур араб ҳикматига ишора: "Қулубул аҳрори қубурул асрори". Аҳрорлар (солиҳ зотлар) қалби сирлар қабристонидир".

МАСНАВИЙ

Гўфт пайғамбар, ки: "Ҳар кас сир нуҳуфт,
Зуд гардад бо муроди хеш жуфт".

Таржима

Деди пайғамбарки: "Ким сир сақлади,
Зумда ҳосил бўлди онинг матлаби".

Шарҳ

Ҳазрат Хотамий (с.а.в.) буюрадиларки, ким ўз матлабини сир сақласа, зумда муродига етади. Ушбу ҳадиси шарифга ишора қилиняпти: "Истаъйнув ала инжаҳил ҳаваижи бил китмани. Фаинна кулла зий ниъматин маҳсудун". Таржимаси: "Ўз розу ниёзларингизни пинҳон ҳолатда сақлангиз. Ҳақиқатда, ҳар бир неъмат соҳибига ҳасад қиладилар".

МАСНАВИЙ

Донаҳо чун бар замин пинҳон шавад,
Сирри он сарсабзии бўстон шавад.

Таржима

Гар уруғ ер остида - пинҳонадир,
Сирри онининг ям-яшил бўстондадир.

Шарҳ

Мисол учун уруғлар тупроқ бағрида яширин бўлгани, яъни ана шу сир туфайли бўстонлар вужудга келади. Кўзларимизни қувнатган ям-яшил ўсимликлар аслида тупроқ бағрида яширин бўлган уруғлар ҳосиласидир.

МАСНАВИЙ

Зарр ва нуқра гар набудандй ниҳон,
Парвариш кай ёфтандй зери кон?

Таржима

Тилла ҳам зар бўлмаса эрди ниҳон,
Парвариш қилгаймиди онларни кон.

Шарҳ

Бошқа бир мисол: агар тилла, кумуш ва бошқа қимматли жисмлар ер остида пинҳон бўлмаса эди, у маъдан б. ғрида парвариш топа билармиди. (Мавлоно ҳазратлари мазкур байт орқали ушбу қадимий ақидага урғу беради: қадимги ҳукамо фикрига кўра ер ости мавжудотлари юлдузлар таъсири остида бўларкан).

МАСНАВИЙ

Ваъдаҳо ва лутфҳои он ҳакийм,
Кард он ранжурро эмин зи бим.

Таржима

Ул ҳакимнинг лутфи ҳамда ваъдаси
Хастага бўлди кўнгилнинг далдаси.

Шарҳ

Илоҳий ҳакимнинг самимий лутф ва ваъдалари хаста канизакнинг кўксидаги хавотирни қувиб ҳайдади.

МАСНАВИЙ

Ваъдаҳо бошад ҳақиқий дилпазир,
Ваъдаҳо бошад мажозй, тосагир.

Таржима

Ваъдалар бордир ҳақиқий, дилпазир,
Ваъдалар бордир мажозий, дил ғажир...

Шарҳ

Ҳақиқий ваъдалар кўнгилларга ором беради. Ёлғон, мажозий ваъдалар дилларни паришон қилади.

Шориҳлар:
Сайдо Нишон
Карим Заҳий

Мутаржим:
Аваэр Мақсум

Давоми бор.



«Алпомиш»ни куйлаган созлар

Айни вақтда, мамлакатимизда ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг ёрқин намунаси – "Алпомиш" достонининг катта тўйини нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кетмоқда. Бу борада достоннинг Сурхондарё нусхасининг нашр этилиши катта воқеа бўлди. Аммо биз, хусусан достоннинг мазмун-моҳияти ёки бахши ижрочилари услуби ҳақида эмас, балки, умуман достон ижрочилигининг ажралмас таркибий қисми дўмбира сози борасида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Ўзбек анъанавий торли созлари орасида қўлланиб келинаётган созларнинг айримлари ўз исмларини – уларда ҳосил бўлувчи товуш мазмунидан олган: ижрочи-бахшиларнинг айтишича, дўмбира созининг номланиши унинг "дўмбиллаб" товуш беришидан келиб чиққан. Соз тарихий манбаларда тилга олинмаса-да, тадқиқотларда дуторнинг "ўтмишдоши" деб таърифланади.

Умуман ўзбек анъанавий торли созлари орасида дўмбира айрим характердаги истеъмол доирасига эга. У асосан, халқ достончилигида, бахшилар қўлидаги севимли соз бўлиб, асосан қишлоқ аҳолисига мансубдир.

Айни вақтда дўмбира сози 2 хил услубда, халқ усталари ёки ҳаваскор ижрочилар томонидан ясалади ва биринчиси нисбатан мукаммаллиги билан фарқ қилади. Одатда ҳаваскор ижрочилар ўзлари учун "ясаб олган" созлар уста қўлида ясалган созлардан бирмунча кичик ҳажмли бўлиб, кўпинча яхлит хом ашёдан тайёрланса, усталар кейинги вақтда дўмбирани маълум бўлаклардан бириктириб, махсус ускуналар билан ишлов бериб ясамоқдалар. Аммо ҳар иккала услубда ҳам, фақат ёғоч хом ашё ишлатилади; усталар талаб қилинган ўринда ҳам ёғоч михлардан фойдаланадилар.

Дўмбира ноксимон косахонага эга: унинг чуқурлиги 15 сантиметрга тенг. Косахонага бириктирилган дастанинг бўғизга туташган қисм диаметри 11,5 сантиметр, юқори қисм диаметри 10 сантиметрга тенг. Бош қисми алоҳида ишланган 7 сантиметрли бўлакчадан иборат бўлиб, дастадаги махсус ўйиққа киядирилган. Ундаги "қулоқлар" торли-мизробли танбур сози қулоқларига ўхшаш бўлиб, бир ёқлама, баъзан бири ён томондан, иккинчиси бош қисмнинг юза қисмига ўрнатилади. Агар торли созларнинг барчасида тор илмоқлар алоҳида ўрнатилса, дўмбирада илмоқлар шаклан, косахона ясалиши жараёнида яхлит бўлакнинг ўзидан ишланади. Таъкидлаш лозимки, соз конструкциясига кейинги вақтда, кичик бўлса-да, ўзгаришлар киритилди. Бунда бошқа торли созларнинг ҳам таъсири сезилади. Масалан, танбур сингари косахонанинг ён томонларида товуш берувчи тешикларнинг ўйилиши яқиндан анъанага кирди. Бош қисмдаги махсус тешикча эса созга безак берувчи "желак" тақиб қўйиш учун ёки деворга ип билан осиб қўйилиши учун ўйилади.

Юқорида таъкидланганидек, ўзбек анъанавий торли созлари орасида дўмбира ясаш жараёнида, фақат ёғоч хом ашёдан фойдаланилади: созга бошқа хом ашёлардан безак бериш анъанаси йўқ. Фақатгина, қўлда ясалган дўмбираларда қопқоқ юзасига табиат манзараси: тоғлар, қуёш, гуллар, қушлар шакли ўйма усулда туширилади. Бундан ташқари, қўлда ясалган дўмбираларда товуш кучайтирувчи тешикчалар ҳам йўқ.

Ҳозирда дўмбира торлари сунъий капрон толасидан тортилади. Аммо сознинг бирмунча илгариги конструкциясида, ундаги торлар қуш пайларидан ишланганлиги таъкидланади.

Даста бўйлаб тортилган торларнинг баландлик чегараси ўзгарувчандир. Ижрочи-дўмбирачиларнинг деярли барчаси – анъанавий услубда достон айтганлари торларнинг маълум бир баландликда қатъий созланишига риоя қилмайдилар. Аммо ижро жараёнида торларнинг ўзаро мутаносиблигига доимо эътибор берилади: ҳозирда энг ижробоп соз унисон ва кварта созланишидир.

Дўмбирада товуш ўнг қўл билан торга, пастга ва юқорига қарата зарб бериш натижасида ҳосил бўлади. Баъзан зарб бирданига иккала торга ҳам, баъзан фақат якка торнинг устига тушади. Биринчи ҳолатда ўнг қўлнинг бармоқлари уюшган тартибга келтирилиб, иккала тори ҳам бирдек урилади. Бу зарб усули дўмбира ижрочилигида асосий усул ҳисобланади. Зарб беришнинг иккинчи усули эса (кўрсаткич бармоқ билан якка торга зарб бериш) танбурдаги сингари ноҳун билан ижро қилишга "тақлид" бўлиб, ижро давомида кам қўлланилади.

Дўмбира ясалишидаги "мураккаб" хусусиятлардан бири – товуш баландлигининг дастада белгиланмаганлигидир. Аммо бу созда ижро имкониятларининг чегараланишига асос бўла олмайди: ички сезиш орқали, бармоқлар ижро жараёнида табиий равишда босқичма-босқич ҳаракатланади. Шуни таъкидлаш лозимки, кўпчилик дўмбирачилар учун куй бўлакларини ташкил қилувчи товушларнинг мантиқий тартиби асосий аҳамиятга эга ва улар асарни аввало шу нуқтаи назардан ижро қиладилар. Умуман эса, дўмбирада куй тузилмаларининг оҳанг йўли кўпроқ баланд торда, кам ҳолларда бўлса-да, пастки торда ҳам ижро қилинади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, дўмбира ўзининг содда мазмуни билан, умуман халқ достонларига минг йиллардан буён ҳамроҳ бўлиб яшаб келмоқда. Достонларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб бериш учун эса, бахшилар баъзан янги оҳанглар яратиб, ижро қиладилар.

Муҳайё МИРЗАЕВА.

Қозон можароси





Ҳикоя

Абдуқодир кечқурун ғира-ширада ишдан қайтаётиб, беш-олти кишининг ғўнғир-ғўнғир гаплашганича қўшниси Эркинжонларнинг ҳовлисига кириб кетганини кўриб қолди. Абдуқодир йигитларнинг биронтасини ҳам таний олмади. У уйга кириб, хотинидан сўради:

– Эркинларникида бирон маросим борми?

– Хабарим йўқ, – деди Нусратхон бепарво. – Нима эди?

– Ҳозир ўнтача одам ҳовлисига кириб кетди.

– Ҳа, айтгандай, боя Санобар, бугун меҳмонлар келар экан, деятувди. Эркиннинг ўртоқларидир-да.

– Мени чақиришгани йўқми?

– Йўқ, чақиришмади.

– Кўздек қўшни бўлиб-а?..

– Бир-икки марта чақирмаса нима қипти? Ҳар нарсани кўнглингизга олаверасизми...

Абдуқодир пайпоғини оёғидан ечаётиб, ўйланиб қолди.

– Савдо ходимларига тушуниш жуда қийин, – деди у ўзига-ўзи.

– Бу ерда бир сир бор. Эркиннинг дўконига ноёброқ мол келган бўлса керак. Агар меҳмон тўғриликча келган бўлса, ғира-шира бўлишини кутмасдан, эртароқ ҳам келаверади.

– Қўйсангиз-чи, ҳар нарсани тўқибичаверасизми. Яхши молни Эркиннинг ўзи уйингизга келтириб ҳам берган-ку. Қўлингизни ювиб келинг, овқатингиз совиб қолди...

Абдуқодир овқатни еб бўлиб уйдан чиқди-да, ҳовлида майда-чуйда ишлар билан машғул бўлиб юрди. Қўшнисиникидаги меҳмонлар қандай мақсадда келганини, уларнинг нима ҳақда гапиришаётганини билгиси келарди. Қўшнисиникидан эса онда-сонда кулгу эшитилиб қолар эди.

Тахминан соат ўн бирларда Эркиннинг меҳмонлари уйдан чиқишди. Абдуқодир уларнинг қаттиқ-қаттиқ гапиришларидан ширакайф эканликларини пайқади. У йўтали қистаса ҳам нариги ҳовлидаги гап-сўзларни эшитиш учун тишини-тишига қўйди.

– Демак, ярим соат олдинроқ бораййликми? – деб сўради меҳмонлардан бири. Эркин унга жавоб берди:

– Ҳа, соат саккиз яримда бориб, навбатда турааверинглар.

Меҳмонлардан яна бири ғўлдироқ овоз билан:

– Ҳар бир киши икки-учтадан олса ҳам бўлаверадими? – деб сўради. Ҳамма кулди.

– Кўтарганингча олаверасан, – деди Эркин. Яна ҳамма кулди. Эркин меҳмонлар билан дарвоза олдида анча гаплашди. Сўнгра хайрлашаётиб:

– Агар иложи бўлса, бошқа танишларни ҳам эргаштириб бораверинглар, – деди.

– Бўпти, хайр, – дейишди меҳмонлар.

Абдуқодир дарвозани шартта очиб, Эркинга: "Дўконингга нима келган, бизга ҳам айтсанг-чи", демоқчи бўлди-ю, ўзини босди, индамади. Ичида "Кўздек қўшни-я, – деб қўйди. – Эртага Эркинни бир уялтирмасамми?.."

Абдуқодир айтганини қилди: эрталаб барвақт туриб, Эркин ишлайдиган дўконга йўл олди. Абдуқодир у ерга етиб борганида дўкон ҳали очилмаган-у лекин унинг олдида йигирма чоғли одам бир-бирига занжирдек уланиб навбатда турар эди. Абдуқодир навбатнинг сўнггида турган кишидан:

– Нима сотилар экан, муллака? – деб сўради.

– Қозон кепти, – эринибгина жавоб берди у киши.

– Қозон?

– Ҳа, қозон.

– Қанақа қозон экан?

– Кичикдан каттароқ, каттадан кичикроқ. Ўртача қозон, ўн кило гуручни дамласа бўлаверади.

Нарирокда турган киши ҳам унинг гапини маъқуллади:

– Яхши қозон. Ҳар бир рўзғорда биттадан каттароқ қозон бўлгани маъқул. Кўпроқ меҳмон келиб қолганда жававо-да. Мен анчадан бери шунақа қозон қидириб юрувдим.

– Навбатнинг охири сизми? – сўради Абдуқодир.

– Мендан кейин бир қария бор. Чойхонага кириб кетди. Ҳозир келиб қолади.

Шу орада яна бир одам, охири ким, деб сўраб қолди. Олдинда турганлар, мана бу киши, деб Абдуқодирни кўрсатиб юборишди. Абдуқодир барвақт келиб навбатда тургани учун ўзини бахтиёр ҳис қилиб қўйди. Шундай бўлса ҳам қўшниси Эркиндан бироз хафа эди. Шундай ноёб нарса келган экан, бир оғиз айтса асакаси кетармиди?..

Дўкон олдидаги навбат занжири кўчани тўлдириб бозорга ўтаётганларнинг баъзиларини ҳам оҳанраробдек ўзига тортар эди.

Дўкон эшиги ичкаридан юқорига қараб очилди. Ичкарида – Эркиннинг ёнида забардаст бир йигит илжайиб турар эди.

– Биродарлар, – деди Эркин баланд овозда, – навбатсиз келганлар учун мен жавобгар эмасман. Навбатни ўзларингиз тартибга солинглар.

Шу атрофда ғимирлаб юрганларнинг баъзилари ўз йўлига кетди, баъзилари навбатга ўзини урди. Савдо бошланди. Эркин пулни санаб олар, унинг ёнидаги йигит қозонни азот кўтариб олиб берар эди. Навбат Абдуқодирга етай деганда Эркин дўкон ичкарисидан ташқарига эгилиб, харидорларга бундоқ кўз югуртирди-да:

– Биродарлар, бўлди энди, бошқа

ҳеч ким навбат олмасин, қозон етмайди, – деди.

Навбатда турганлар ташвишга тушиб қолишди. Орқарокда турганлар ғала-ғовур қилишди, Эркиндан бир нималарни сўрашди.

– Биродарлар, – деди Эркин, – дўконда атиги элликта қозон қолди. Элликта, эшитдингларми? Эллик биринчи одам хафа бўлмасин. Агар ўзимнинг қозон заводим бўлганида кўпроқ ясар эдим, ҳаммага етар эди.

Навбати етиб, Абдуқодир Эркинга пул узатди.

– Ия, қўшни, – деди Эркин илжайиб, – салом алайкум. Сиз нима қилиб юрибсиз?

– Сиз хабар бермасангиз ҳам келдик, – деди Абдуқодир гинасини яширолмай. – Кўздек қўшни бўла туриб, қозон келди, деб бир оғиз айтиб қўйсангиз нима қиларди?!.

– Сиз қозон олмай қўя қолинг, – деди Эркин ҳазиллашиб. – Уйда қозон бордир-ку...

– Ия, бу нима деганингиз? Нима, менинг пулим ҳаромми?..

Абдуқодир қозонни кўтариб тўдадан чиқди. Қозон қурмагур жуда оғир экан, Абдуқодир йигирма-ўттиз қадам юрмасдан ҳарсиллаб қолди. Хайрият бекатда турган автобус бўш экан, бир амаллаб киритиб тўнкариб қўйди... Абдуқодир терлаб-пишиб қозонни ҳовлининг ўртасига келтириб қўйди-да, ўчоқбошида кир ювиб ўтирган хотинидан сўради.

– Қалай?

– Кимнинг қозони бу?

– Кимники бўларди, ўзимизники-да. Эркиннинг дўконидан сотиб олдим, навбат билан бериб ётган экан...

– Вой ўлмасам, – деди Нусратхон ўрнидан туриб келиб қозонга разм солар экан. – Ахир бунақа қозон ўзимизда бор-ку?

– Қозонимиз бундан кичкина эмасмиди?..

– Тутиб юрганимиз кичкина, лекин катта қозонимиз ҳам бор-ку, билмайсизми ахир? Ишонмасангиз, кириб кўринг, ошхонада турибди.

– Ҳеч эсга келмапти-я сабил...

Орадан икки-уч кун ўтгач, Эркин Абдуқодирларникига кириб, қизиқ бир гап айтиб берди:

– Тўқсонта қозон бир йилдан бери дўконда занг босиб, харидор кутиб ётувди. Ўртоқларимни чақириб, жон оғайнилар, дўконим олдида бир навбат ташкил қилиб беринглар, шу баҳонада қозонларни сотиб олай, дедим. Азаматлар айтганимни қилишди, биттадан қозон сотиб олган бўлиб, орқа эшикдан киритиб беришди. Охирида қозон талаш бўлиб кетди, кўп харидорларга етмай қолди... Мана, ўзлари ҳам ўша қозондан биттагина олволдилар, қўшни...

Оқилжон ХУСАНОВ



Келинг кулиштайлик

– Сен яна театрга кетаяпсанми? Ахир бу спектаклни кўрган эдинг-ку!

– Ҳа, фақат ўшанда бошқа кўйлакда эдим-да.

❁❁❁

– Ойи, менга куёв ёқмаяпти. Қачон қарасанг, кўзини юмиб юради.

– Кўрқма қизим, тўйдан кейин кўзи мошдек очилади.

❁❁❁

– Ҳаётимнинг энг бахтли онлари учун театрга минг бора раҳмат.

– Театрга шунчалик кўп борасанми?

– Йўқ, хотиним кўп боради.

❁❁❁

Бир кишидан сўрашибди:

– Сиз нега кеч соат ўн иккидан кейин ишлайдиган ресторанга қатнайсиз?

– Биласизми, менинг хотиним кийингунича шаҳардаги ҳамма ресторанлар ёпилиб қолади.

❁❁❁

– Директор шу ердамилар? – сўрабди телефонда бир аёл.

– Директор соҳибжамол аёллар учун ҳар доим жойларидалар.

– Шунақами? Бўлмаса, айтиб қўйинг, хотинлари уйда уларни кутаяпти.

❁❁❁

– Мен бугун ўлгунимча ичмоқчиман.

– Юр, бирга борайлик, мен ҳам сен билан бирга ўлмоқчиман!..

❁❁❁

– Кечаси яхши ухлайсизми?

– Ҳа, дўхтиржон.

– Ҳмм... ким бўлиб ишлайсиз ўзи?

– Боғчада қоровул бўлиб.

GULISTON

3

1999

Учредитель:
Министерство по делам культуры Республики Узбекистан

На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир
Сирожиддин АҲМЕДОВ

Мусаҳҳиҳ
М.АБДУЛЛАЁРОВА

Муҳарририят манзили:
700029, Тошкент – ГСП, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар:

Бош муҳаррир – 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари – 133-07-94
Масъул котиб – 133-07-94

Босишга рухсат этилди 28.04.1999 йил.

Қоғоз ҳажми 60x84/116
Офсет босма.
Шартли босма табоғи 7,64.
Нашриёт ҳисоб табоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5
Буюртма № 3878.
6395 нусхада чоп этилди.

Сотувда эркин нархда.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

© "ГУЛИСТОН" 3, 1999.



Уста Асрор Мухторов ўғли Саидикром билан.

GULISTON

Индекс: якка обуначилар учун - 820
ташкилотлар учун - 806
Бахоси: Чакана савдода келишилган нархда

Фирма бош директори
Шуҳрат Абдуллаев

"Чанашик" ишлаб
чиқариш ва тижорат
фирмаси маҳсулотлари.





